

И.А.КАРИМОВ

**ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ
МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК
ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР
ЙЎЛИДИР**

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти
Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ*

1996 йил 16 март

ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 1996

67.99(5У)061.2
К25

ISBN 5-640-02072-5

К $\frac{3701010100-43}{М 351 (04) 96}$ 96

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1996

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Улуғ айём — Наврўз байрами арафасида, униш, ўсиш ва улғайиш фаслида сизларни сиҳат-саломат, бардам ва яхши кайфиятда кўриб турганимдан гоят хурсандман. Хоразм аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини бу қутлуғ сана билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Янги йилимиз эзгуликлар йили, юксалиш йили, қут-барака, фаровонлик ва тинчлик-осойишталик даври бўлсин.

Яқунланган 1995 йил мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти йўлида муҳим босқич бўлди. Жумладан, у Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олган, ишлаб чиқаришнинг пасайиши бутунлай тўхтатилган, халқимизнинг турмуш шароити барқарорлаша бошлаган, ҳуқуқий давлатнинг демократик тамойиллари чуқурлашган йил сифатида ёдимизда қолади.

1995 йилда ислоҳот жараёнлари ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олди, турмуш тарзимиз ва онгимизга чуқурроқ кириб борди. Боқимандалик кайфиятлари чекина бошлади. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳаракатлари йўлидаги тўсиқлар камайди. Давлат мулкани хусусийлаштириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида дастлабки ютуқларга эришилди. Бу ҳақда яқинда Ва-

зирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисда батафсил гаплашиб олган эдик.

Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги республикамиз иқтисодий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги туб ислоҳотлар муваффақиятига асосий кафолат бўлди. Бу натижалар, энг аввало, дунёқараши-миздаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир. Фидойи, меҳнаткаш, танти халқимиз мустақиллик ва мамлакатимизнинг буюк истиқболига интилиб, Ватаннинг қадру қиммати, миллатнинг шаъни эканини англаб, истеъдодини, бутун имкониятини, бутун кучини элу юрт истиқболига бахшида этмоқда.

Биз иқтисод ва маънавиятни муштарак ҳолда тасаввур этамиз. Чунки иқтисодий таназулга учраган жамиятнинг маънавияти ҳам қашшоқлашади. Ёки аксинча, маънавий қашшоқ жамият ҳеч қандай ислоҳотларга қодир бўла олмайди.

Ана шу жиҳатдан қараганда, Хоразм ноёб маданият, нафис санъат, юксак маърифат, турмушнинг доно фалсафаси ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган адабиёт ва шеърият маскани, дунёвий илм ўчоқларидан бири экани қувончли ҳодиса.

Хоразм вилояти заминида камол топган не-не алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ватанимиз шон-шухратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб буюк инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хева шаҳри тарихи билан боғлиқдир.

Хева шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда бўлиб ўтган 28-сессияси Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон ҳукумати бу халқаро ҳужжат асосида ўзининг махсус қарорини қабул қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуди 660 йиллигининг кенг нишонланиши ва 1996 йилнинг Амир Темур йили деб эълон қилиниши ҳам ўзбек маданияти, маънавияти ва тарихининг жаҳон саҳнида тутган муносиб ўрнини яққол кўрсатади.

Муҳтарам дўстлар!

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аجدодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Худди ана шу қадриятлар ўтиш даврининг қийинчилик ва мураккабликларидан бизни асрамоқда, мадад бўлмоқда.

Айни вақтда миллатимиз, халқимиз, шу жумладан, мард ва танти хоразмликлар ҳам ўз меҳнатлари ва фидойиликлари билан она юртимизнинг ҳар томонлама равнақига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бироқ бугун фурсатдан фойдаланиб, Хоразм халқининг оғир меҳнатини, заҳматкаш ва мислсиз бунёдкорлик фазилатларини чуқур эътироф этган ҳолда, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, фойдаланилмаётган имкониятлар ва ҳал этилиши зарур бўлган айрим муаммолар тўғрисида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоят аҳли бир қанча ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, халқ хўжалиги тармоқларида мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлмоқда. Кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Бироқ иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, ижтимоий масалалар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва кадрлар билан ишлаш борасида қатор муаммолар, хато ва камчиликлар ҳам бор.

Улар нималарда кўринади?

Аввало, хусусийлаштириш ва кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантиришда юзакичилик, унинг моҳиятига чуқур етиб бормаслик ҳоллари мавжуд. Вилоятнинг Дружба шаҳри, Гурлан, Шовот, Урганч туманларида асосий ҳудудий дастур бўйича давлат корхоналарини хусусийлаштириш режалари бажарилмаяпти.

Вилоятда кўчмас мулк ва қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам бажарилмаган. 1995 йили бор-йўғи қурилиши тугалланмаган 8 та объект сотилган, холос.

Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг ўз вақтида келиб тушмаганлиги оқибатида вилоят бизнес-фондидан бор-йўғи 17 та корхонага кредит берилган.

Кичик ва хусусий корхоналар ташкил этиш бозор иқтисодиётининг асосидир. Биз ана шундай кичик, аммо самарали соҳани ривожлантирмас эканмиз, кўзлаган мақсадимизга етиш қийинлашади.

Хоразм азалдан тадбиркорлар, ишбилармонлар юрти. Бироқ кейинги йилларда бу ерда

оқсаш юз бермоқда. Биз мустақилликнинг дастлабки йилларида бу ерга келиб, 1992 йилдаёқ қурилган дўкон расталари, тадбиркорлар ишини кўриб, бутун мамлакатга ўрнак қилиб кўрсатган эдик.

Афсуски, ўтган уч йил давомида иш суръати жуда сустлашиб кетди. Айниқса, вилоятнинг Ҳазорасп, Хонқа, Шовот, Янгибозор туманларида аҳоли ачинарли. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси, бизнес-фонд, банк бўлимлари томонидан старли эътибор ва зарур ердан кўрсатилмаганлиги натижасида 1995 йилда вилоятда рўйхатдан ўтказилган жами корхоналардан 2700 га яқини ёки ҳар уч корхонадан бири фаолият кўрсатмаган.

Урганч шаҳрида кичик, хусусий ва бошқа корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, ссуда пуллари, уларнинг ундирилиши ва бошқа ишлари ўрганилмасдан, "фаолият кўрсатмаяпти" деган асосда давлат ресурслардан тушириш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилинган.

Кичик, ўрта ва хусусий корхоналарни ташкил этишда бир ёқламалик кўзга ташланади. Улар ўз низомларида кўзда тутилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўрнига кўпроқ олди-сотди, воситачилик билан шуғулланишдан нарига ўтмаётир.

Ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш асосидагина иқтисодиёти-мизнинг барқарор тараққиётига эришишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашимиз мумкин. Бу ҳақда халқ депутатлари Самарқанд

ва Қашқадарё вилоятлари кенгашлари сессияларида ҳамда мамлакат Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида айтиб ўтилди.

Бу ерда яна бир бор такрор айтмоқчиман: саноатни қишлоқ жойларга олиб бориш, уни кенг ривожлантириш, янги кичик ва ўрта корхоналарни қуриш ва қўшимча иш жойларини яратиш билан чекка жойларда яшаётган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш керак. Аҳоли ўсишини ҳисобга олсак (вилоятда бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил этади), бу тадбир нақадар муҳим ва долзарб эканини англаш қийин эмас.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида янги технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналарни ташкил этиш ва чет эл инвестицияларини жалб этиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мавжуд қўшма корхоналарнинг самарадорлиги паст. Ҳатто уларнинг учдан икки қисми ўз фаолиятини турли сабаблар билан тўхтатиб қўйган.

Урганч шаҳридаги Ўзбекистон-Жанубий Корея "Савдо уйи", Қўшкўпир туманидаги "Диёр", Дружба шаҳридаги "Питнак" ўзбек-турк қўшма корхоналари икки йилдан буён ишламаяпти.

Бунинг сабаби нимада? Нега хорижликлар катта умид билан келишади-ю, кўп ўтмай ноумид бўлиб қайтиб кетишади? Улар ё турли расмиятчилик, тўрачилик тўсиқларига ё таъмагирлик иллатларига учрамоқдалар. Айрим раҳбарлар ўзларининг шахсий нуқсонлари билан халқ ризқини кесмоқдалар.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 40 мингдан зиёд фойдали меҳнат билан банд бўлмаган киши бор. Энди бунга қишлоқ хўжалигидан озод қилинадиган ортиқча ишчи кучларини

қўшинг. 1995 йилда меҳнат бўлимларига 13672 киши мурожаат қилган, 9734 киши иш билан таъминланган.

Адолат нуқтаи назаридан айтиш лозим:

кейинги йилларда Хоразмда саноатнинг ривожланиши кўзга ташланмоқда. 1995 йилда вилоят саноат корхоналари томонидан 1994 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 29 фоиз кўпайтирилди. Умумий саноат маҳсулотининг асосий қисми давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқарилган. Бироқ бу умумий кўрсаткичнинг орқасида ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда барқарорлик мавжуд эмас. Кўпчилик саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига йўл қўйилмоқда. Баъзилари эса ўз фаолиятини тўхтатиб қўймоқда.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан ўсганлигига қарамай, зарур озиқ-овқат маҳсулотларидан гўшт, нон ва кондитер, ун ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги бизни ташвишлантирмоқда.

Умуман, вилоятдаги 12 та туман ва шаҳардан 8 тасида, жумладан, Хева шаҳри, Урганч, Қўшкўпир, Ҳазорасп туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми камайтириб юборилган.

Вилоятдаги энг катта саноат корхоналари ҳисобланган "Хева гилами" ҳиссадорлик жамиятида 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 28 фоиз, Урганч шаҳридаги "Ширин" ҳиссадорлик жамиятида эса 56 фоиз маҳсулот кам ишлаб чиқарилганини қандай тушуниш мумкин?

Капитал қурилиш соҳасидаги сансалорлик, айниқса, боқимандалик кайфияти вилоятда сурункали касалликка айланган. Маҳаллий раҳбариятнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги натижасида қурилишни маблағ билан таъминлашда турли молиявий манбаларни қидириб топиш иши ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Республика бўйича капитал маблағларнинг 67 фоизи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига ва халқ хўжалиги тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлса, Хоразм вилоятида эса шу мақсадларга жами маблағларнинг 49 фоизи ажратилган.

Мамлакатимиз олдида янги технологияларни яратиш, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарни жаҳон стандартларига мос дастгоҳлар билан алмаштириш вазифаси турибди. Шунга асосан янги ускуналар сотиб олиш ва ўрнатишга аталган капитал маблағлар ҳажми кескин оширилмоқда.

1995 йилда шу мақсадлар учун республика бўйича жами маблағларнинг 30 фоизидан кўпроғи ажратилгани ҳолда, бу кўрсаткич Хоразмда атиги 8 фоизни ташкил этади.

Вилоят раҳбарияти капитал қурилишларни вилоятнинг ўз кучи ва имкониятларидан фойдаланиб пул билан таъминлашда оқсаб қоляпти.

Шу ҳолда ажратилган капитал маблағларини ўзлаштирмасликни чидаб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайман. Масалан, Туямўйин — Урганч сув қузури қурилишига ажратилган маблағнинг атиги 39 фоизи ўзлаштирилганлиги кечирилмас ҳолдир.

Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти. 1994 йилда 796 минг сўмлик чет

эл инвестицияси ўзлаштирилган бўлса, 1995 йили бу кўрсаткич 128 минг сўмни ташкил этди.

Бозор муносабатлари ривожланаётган бир даврда алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган талаблар бор. Булар, аввало, маҳсулот сифатини ошириш, рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш, нархини камайтириш, истеъмолчиларнинг талаб-истакларини ўрганиш, улар билан бевосита алоқалар боғлашдир.

Мана шу масалаларга етарли эътибор берилмагани оқибатида саноат корхоналари омборларида қарийб 3 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан турибди. Бу нима деган гап?

Республикамызда бозор муносабатлари ривожланиши баробарида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу тадбирларни амалга оширишимиздан асосий мақсад — мамлакатимизда мулкдорлар сафини кенгайтириш. Чунки мулк эгаси ҳеч қачон қўлидаги мулкка хиёнат қилмайди, авайлайди, уни ўз моддий фаровонлигининг манбаи деб билади.

Жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Акциядорлар ўз улушларининг моҳияти ҳақида тўлиқ тушунчага, ўз пайларига мувофиқ олишлари лозим бўлган дивидендлар миқдори тўғрисида етарли маълумотга эга эмас.

Умуман олганда, 1995 йил якунига кўра акция сотган корхоналарнинг 30 фоизи сотилган акциялари учун дивиденд тўлай олмади! Жумладан, Хева сут, Янгибозор агрохимсервис, Урганч туман тайёрлов-сотиш ҳиссадорлик жамиятлари, Боғот агроқурилиш механизациялашган кўчма колоннаси ва бошқа ташкилотлар бу соҳада оқсамоқдалар.

Бундай нохуш аҳволи қандай изоҳлаш мумкин? Бу аҳоли ўртасида қимматбаҳо қоғозларга бўлган ишончни йўқотиш эмасми? Бу бутун иқтисодий ислоҳотларимиз обрўсини, самарасини ҳам пасайтирадиган, айти пайтда кечириб бўлмайдиган ҳол-ку!

Банклар, солиқ идоралари ва ҳокимларнинг таъсирчан чоралар кўрмаганлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш турларини кўпайтиришга эътиборсизлик билан қараётганликлари натижасида вилоятда пул эмиссияси ортиб бормоқда. Йил якунига кўра вилоятда эмиссия миқдори 64 фоизга етди. Бу режалаштирилган миқдорга нисбатан 42 фоиз кўп демакдир.

Боғот, Янгибозор, Қўшкўпир туманлари ҳокимликларининг бу соҳадаги фаолиятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик.

Эмиссия миқдори Боғотда 77,6 фоизни, Янгибозорда 80,1 фоизни, Қўшкўпирда 85,5 фоизни ташкил этади. Ана энди мазкур туманлар ҳокимлари ўз фаолиятларига ўзлари баҳо беришсин.

1995 йил якунлари бўйича вилоятда чакана савдо обороти 1994 йилга нисбатан 88,5 фоизни ташкил этган. Дружба шаҳри, Хева, Боғот туманларида эса қарийб икки барабар камайиб кетган.

Мен Олий Мажлис сессиясида қишлоқ аҳолиси учун маиший хизмат шохобчаларини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхтаган эдим. Бу жуда муҳим масала. Бу турмуш тарзимизни, маданий савиямизни белгилайдиган ҳодиса. Бироқ вилоятда маиший хизмат шохобчалари

аҳоли эҳтиёжига нисбатан 2—4 баробар кам ташкил этилган.

Вилоятда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ўтган йили аҳолига жами 530 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган, бу кўрсаткич 1994 йилга нисбатан таққосланган нархда 52 фоизни ташкил этади. Жон бошига майший хизмат кўрсатиш вилоят бўйича бор-йўғи 70 сўмга тўғри келмоқда.

Вилоятдаги 124 та ҳаммомдан 43 таси ишламайди. 13 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Қўшқўпир туманидаги Олтибой Қурбонов номли жамоа хўжалиги ҳудудида битта ҳаммом бор, у ҳам ишламай турибди. Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин.

Ҳурматли депутатлар!

Диққатингизни бир далилга тортмоқчиман. 16-асрла, Ҳожибхон замонида Хева хонлигида жами 800 минг, Хева шаҳрининг ўзида эса 18—20 минг одам яшаган.

Ўша замонда Хева шаҳрида 3 та катта очиқ бозор, 1 та тим, яъни ёпиқ бозор, 15 та бозорча, 3 та катта ҳаммом, яна йигирмата масжид-мадрасанинг ҳар бирида тўла жиҳозланган ҳаммом мавжуд бўлган, яъни жами 23 та ҳаммом хизмат қилган. Ҳозирги кунда 52 минг одам яшаётган Хева шаҳрида ҳаммаси бўлиб 4 та ҳаммом, битта бозор ишлаб турибди, холос.

Буни қандай тушуниш мумкин?

Аҳоли сони ўсган, дунёқарашимиз ўзгарган, турмуш тарзимизни жаҳон андозаларига мослаштираётган бир пайтимизда бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

Майший хизмат соҳасини ривожлантириш вилоят, туман, хўжалик раҳбарларининг зимма-

сига юклатилган. Ҳар бир раҳбар ўз ташкилоти ҳудудида аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратиш учун жавобгар. Буни тан олмайдиган ёки тушунмайдиган кишининг раҳбар бўлиб ишлашга маънавий ҳаққи йўқ.

Ҳурматли дўстлар!

1995 йилда вилоят меҳнаткашлари деҳқончиликда юқори ҳосилдорликка эришиш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш борасида фидокорона меҳнат қилдилар. Давлатга пахта сотиш режаси барча туманларда ошириб бажарилди.

Кези келганда яна шуни алоҳида таъкидлашим керакки, биз деҳқончиликда туб ўзгаришлар ясашимиз даркор. Бу ҳақда яқинда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ҳам гапирган эдим. Энди мамлакат турли минтақалари табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, меҳнат сарфи ва унинг қийматини белгилаш тизимини яратишимиз керак.

Ер шароити ўта ёмон бўлган зоналарни аниқлаш, мазкур зоналардаги хўжаликларга ёрдам бериш тизимини ишлаб чиқишимиз даркор. Деҳқончиликда эскилик сарқити сифатида ҳозиргача мавжуд бўлган "тенглик" ижтимоий ва иқтисодий адолат тамойилларини қўпол равишда бузишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Энди бунга чек қўйиш керак. Ана шунда деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ошади!

Шу ерда яна бир масала хусусида гапириб ўтишни лозим топаман. Биз умуман деҳқон, деҳқончилик ва ерга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Илгариги жамоачилик, умумий манфаатдорлик кайфиятидан тезроқ

қутулиб, ҳар қарич ер ризқу рўзимиз манбаи эканлигини, ундан шахсий манфаатдор бўлаётганимизни чуқур англамоғимиз даркор.

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Зотан, азалдан шарқда яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган! Келинг, энди аждодларга муносиб бўлиб, қутлуғ анъаналарни бойитайлик!

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида мулк ҳақиқий эгаси қўлига ўтиб, мўл-кўл маҳсулот етиштириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ҳукумат қарорлари асосида вилоятда 40 дан зиёд давлат хўжаликлари мулкчилигининг нодавлат шаклларига ва 110 та чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Айни пайтда 878 деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Бироқ бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда кўзланган натижани бермаяпти. Хусусан, ўтган йили ғалла етиштириш бўйича топшириқлар барбод бўлди. Режалаштирилган 55 минг тонна ўрнига зўрға 38 минг тонна буғдой етиштирилди.

Республикамиз аҳолиси учун зарур бўлган шоли етиштириш ва давлатга сотиш режасини бирорга ҳам туман уддалай олмади. Дон ва шоли ҳосилдорлиги Урганч, Ҳазорасп туманларида 5, Хонқада 10, Хева, Янгибозор, Шовот туманларида 4—8 центнерга камайиб кетди.

Вилоятда бу кўрсаткич асосан ердан унумли фойдаланмаслик, илғор тажрибаларга суянмаслик, лоқайдлик ва меҳнатга муносабатнинг бўшашганлиги, раҳбар кадрларнинг эса жавоб-

гарлик ҳисси камайганлиги оқибатида рўй бермоқда.

Ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотларнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган чорвачилик фермалари фаолиятини ташкил этиш борасида жиддий хатоларга йўл қўйгани туфайли моллар сони 15 минг бошга камайган. Бу хўжаликларда сут, гўшт стиштириш ва сотиш эса 1995 йилда аввалги йилга нисбатан пасайтириб юборилган. Ҳар юз бош сигирдан бузоқ олиш 6 тага камайган.

Вилоятда фермер хўжаликлари сонининг ўсишига қарамасдан, уларнинг улуши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмида сезиларсиз бўлмоқда.

Энди биз қишлоқ жойларда пайчиликни, хўжалик аъзоларининг умумий мулкдаги улушига қараб ҳақ олиш тизимини ривожлантиришимиз, хўжаликлар равнақини таъминлашнинг турли шаклларида фойдаланишни йўлга қўйишимиз даркор. Умуман биз қишлоқ хўжалигида энг замонавий, энг халқчил ва тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчининг манфаатига мос келадиган усулларни эгаллашимиз лозим.

Шу ерда бир амалий таклифни яна такрорламоқчиман. Қани, ораларингизда билимдон, мард ҳокимлар бўлса, уларнинг ҳар бири битта ёки иккита хўжаликни пай услубига ўтказиш, бу янги усулнинг самарасини амалда исботлаш учун майдонга чиқсин!

Ҳар бир ҳоким белни маҳкам боғлаб, ишга ижодий ёндашиб, янги усулни амалга оширишда яхши тажриба орттириб, ўзининг энг оқил ва тадбиркор раҳбар эканини бутун мамлакатга, халқимизга намоян қилсин.

Ҳурматли депутатлар!

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш нафақат тиббий, балки ижтимоий, сиёсий муаммо ҳамдир. Матълумки, ҳукумат мамлакатда физкультура ва спортни такомиллаштириш, айниқса, энг оммавий спорт тури бўлган футболни ривожлантириш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилди.

Энди биз футболчиларнинг янги авлодини тайёрлашимиз ва тарбиялашимиз лозим. Ватанимиз спортининг халқаро нуфузини ошириш борасида кўп ишлашимиз лозим.

Спортнинг халқаро нуфузи дегани аслида нима ўзи? Спортимиз дунёга машҳур бўлса, демак, халқимизнинг ўзи ҳам барча мамлакатларга машҳур бўлади, нуфузи ошади, жаҳон аҳли кўнглида қизиқиш ва ҳавас уйғотади.

Шу ўринда ўтган йили Хитойга қилган сафаримизни яна бир марта эслаб ўтмоқчиман. Расмий сафар арафасида миллий футбол командамиз хитойлик рақибларини енгиб, Осиё чемпиони бўлган эдилар. Сафар чоғида бизнинг делегациямизни хитойликларга таништиришга эҳтиёж туғилгани йўқ. Қасрга бормаёлик, ҳукумат қабулидан тортиб, оддий фирмалар жамоасига қадар, ҳамма-ҳаммаси бизнинг футболчиларимиз ютуғини албатта эслатиб ўтишди.

Сиз энди бир тасаввур этинг. Хитойда салкам бир миллиард икки юз миллион одам яшайди. Биргина футбол ўйини туфайли бизнинг сш мустақил даялатимизни дунё аҳолисининг бешдан бир қисми таниди, билди, бизга ҳавас қилди!

Биз жон куйдириб, диёримизда спортни равнақ топтиришга шунчалик катта эътибор бсратганимизнинг боиси ҳам ана шунда. Яна так-

роҳ айтаман: спорт тўфайли соғлом авлодлар вужудга келади ва мамлакат шухрати жумлаи жаҳонга тарқалади.

Ўтган йили Урганчнинг "Динамо" жамоаси олий лига таркибига кирди. Бу сўзсиз катта муваффақият. Бироқ бу вилоят спортида муаммо йўқ, деган гап эмас. Биз мамлакатнинг ҳар бир туманида қайсидир тур бўйича голиблар бўлишини хоҳлаймиз.

Яна бир ойдан кейин катта мусобақаларни бошлаймиз. Ана шу спорт кўригида барча туман ва шаҳарлар вакиллари иштирок этиши лозим. Бу олис истиқболни кўзлаган Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш йўлидаги амалий иш. Халқ соғлигини, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш энг асосий вазифалардан биридир. Биз ҳеч кимнинг тақдирига ҳеч қачон бсфарқ бўлмаслигимиз керак.

Республикамызда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади. Шу боисдан ҳам оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш, хизмат турлари сонини кескин кўпайтириш лозим. Вилоятда аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз. Бугунги кунда вилоятда умумий касалланиш даражаси ўртача республика кўрсаткичидан 1,3 баробар юқори.

Муҳим ижтимоий масала, яъни қишлоқ аҳолисининг 45 фоизи, шаҳар аҳолисининг 20 фоизини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳал этилмаган.

Касалхоналар ва поликлиникаларни тиббиет техникаси билан таъминлаш ҳам қониқарсиз аҳволда. Мавжуд диагностика аппаратлари эскириб, яроқсиз аҳволга келган. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида кейинги 5 йил ичида бирорта ҳам санитар машинаси олинмади.

Айтинглар-чи, юқорида келтирилган фактлар экологик жиҳатдан ниҳоятда қийин минтақада жойлашган вилоят учун тўғри келадими? Бунинг учун ким жавоб бериши керак? Маҳаллий раҳбар ташкилотлар нима билан шуғулланаяпти?

Энди бу соҳани ривожлантириш учун барча шаҳар ва туман ҳокимлари, соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар халқ саломатлиги ҳақида жиддий бош қотиришлари лозим.

Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири, бу — маънавий жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш. таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишдир.

Биз ёш авлодни болалар боғчасига қатнаётган давридан бошлаб халқимизнинг асрлар давомида шаклланган Шарқ педагогикаси, умумбашарий қадриятлар асосида тарбиялашимиз лозим. Бозор муносабатларига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, менежмент, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир. Уларга чет тилларни мукамал билиб олишлари, эркин мулоқот қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак. Бу бизнинг жаҳон

миқёсига чиқишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда халқ таълими тизимида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Тўғриси айтиш керак, халқ таълими муассасалари ўз ишини янгича шароитларда ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда. Бу бевосита Хоразм вилояти халқ таълими раҳбарларига ҳам тегишли.

1994—95 ўқув йилида вилоятда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг ҳар беш нафаридан бир нафари ҳанузгача иш жойларига етиб келгани йўқ.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 780 нафар ўқитувчи етишмайди. Математика, информатика, ўзбек тили, физика, химия, тарих фанлари ўқитувчиларига эҳтисж ниҳоятда катта.

Вилоят бўйича болаларни боғчаларга жалб этиш 20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан 12 фоиз камайган. Ҳозирги кунда 4490 ўринга эга бўлган 53 та болалар боғчаси ёпиб қўйилган. Мавжуд боғчаларнинг ишини ҳам қониқарли деб бўлмайди. Уларнинг аксарияти Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли.

Хонқа тумани "Хоразм" жамоа хўжалигидаги боғчалар текшириб кўрилганда, биноларнинг яхши иситилмаслиги, сув йўқлиги, 90 ўринга мўлжалланган "Пахтаой" номли боғчада атиги 30 нафар бола борлиги, тайёрланаётган овқатларнинг сифатсиз экани аниқланди, болалар сариёғ, гўшт истеъмол қилмаяпти. Аксарият мактабгача тарбия муассасаларида идиш-товоқлар етишмайди.

Жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. Шаников эса ўтган йили 7 миллион сўм фойда

олганига қувониб юрибди. Болалар боғчалари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари аҳволидан хабар олиш, уларга кўмаклашиш, муаммоларини ҳал этиш ҳам раҳбар зиммасида-ку!

Фақат режа кетидан қувиб, катта даромад олингани билан кеккайиб юриш замони ўтиб кетди. Ҳозирги раҳбар хўжалигининг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши керак. Ёнида пули бўлиб, ундан фойдаланишни билмаган раҳбарни ёки бойлигини фарзандидан қизганган отани қандай баҳолаш мумкин?

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти тизимнинг ҳозирги аҳволи билан ҳар томонлама стук, янгича фикрлайдиган, янги технологияларни жорий эта оладиган, маънавий-руҳий жиҳатдан замонавий соҳаларда фаолият кўрсата биладиган ешларни тайёрлашга қодирми?! Афсуски, йўқ! Биз бу соҳадаги фаолиятимизни бутунлай ўзгартиришимиз, жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан Шарқ педагогикаси анъаналари уйғунлашган мукамал тизим яратиб, дастур ишлаб чиқишимиз лозим.

Вилоятдаги аксарият кутубхоналарнинг иши бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодий ислохотларни такомиллаштириш масалаларига бағишланган адабиётларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш ва тарғиб қилиш йўлга қўйилмаган. Мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китоблар йўқ ҳисоби.

Хонқа тумани ҳокимлиги биносининг олдида жойлашган кутубхонада ҳамон КПССнинг турли съезллари материаллари, ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сиёсат ва иқтисоди-

ёт масалаларига доир адабиётлар авайлаб сақланмоқда.

Шовот туманининг баъзи жойларида собиқ КПСС Марказий Қўмитаси Сиссий бюроси аъзоларининг портретлари ҳамон кўз-кўз қилиб қўйилганини, бу ердаги стадион ҳалигача Ленин номида эканлигини қандай тушуниш мумкин?

Бу нима деган гап?! Эски тузумни қўмсашни ёки лоқайдликми? Бу ўтмишни соғинишни, уни ташвиқ қилишни ёки янгиликни онгли равишда инкор этишни?

Бу туманларда, "Э, оғайни, кўзингни оч, уйгон, замон ўзгарганига, янги ҳаёт ва янги сиёсат кириб келганига беш йил бўлаяпти. Тур, кўрлангни йиғиштир", дейдиган зот борми?!

Очигини айтаман: айрим қўшни мамлакатлардаги хаёлпараст "сиёсатдон"лар ўтмишга қайтиш ҳақида сафсаталар тўқишмоқда. Бу ора-миздаги баъзи эътиқоди заиф, иймони суст кишиларни чалғитмоқда. Истиқлолимиз ғанимлари худди ана шу "заиф" томонларимиздан усталик билан фойдаланишмоқда.

Кези келганда яна такрор ва такрор таъкидлайман: Ўзбекистон халқи ва давлатининг йўли битта — озодлик ва эркинлик, мустақиллик ва туб ислоҳотларни амалга ошириш!

Бошқа йўл йўқ! Биз ана шу йўлдан қатъий борамиз! Ундан чекинадиган, унга тўсиқ бўладиган ҳар қандай кучга қарши турамыз. Шунинг учун биз ношуд, ласқатсиз ёки онгли равишда ишимизга халақит берадиган кишилар билан келиша олмаймыз.

Ҳурматли депутатлар!

Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниш, дунёни англаш, шу билан бирга дунё саҳнига чиқиш демакдир. Биз ана шу муқим

соҳани ривожлантиришимиз, унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хева каби шаҳарларимизнинг 2500 — 3000 йиллик тарихи бор. Бу — жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлантириш мумкин.

Қолаверса, дунё халқлари юртимизга қанча кўп келса, шунча кўп таниламиз, шунча кўп имкониятларимизни кўрсатамиз. Бунинг учун, энг аввало, меҳмонларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширишимиз, уни жаҳон андозаларига тенглаштиришимиз керак.

Европада шундай мамлакатлар борки, хариталарда кўринмайди. Бироқ ўз аҳолиси сонидан 90—100 баробар кўп сайёҳларни қабул қилади. Фақат шу йўл билан бутун мамлакат тараққиётини таъминлайди.

Бу йил 2500 йиллигини нишонлайдиган Хева шаҳрига эса кейинги тўрт йилда ҳаммаси бўлиб 15 мингдан ортиқроқ хорижлик сайёҳ келган. Бу ўзининг кенг имкониятларини кўрсата билмасликдан, ношудлик ва уқувсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас.

Азиз дўстлар!

Биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат қуриш йўлидан бораёпмиз. Биз, мамлакат фуқаросининг кимлигидан қатъи назар, қонун олдида тенглигига, қонун устуворлигига эришишга интиламиз. Афсуски, ҳаёт ҳали бу борада қатор тўсиқларни енгил ксраклигини кўрсатмоқда.

Албатта, бу борада анча-мунча иш қилинди. Жумладан, республикада содир этилаётган жиноятлар йилдан-йилга камайиб бормоқда. Таққослаш учун олганимизда, ҳар 10 минг аҳолига

тўғри келадиган жиноятлар Россияда 184 та, Қозоғистонда 98 та бўлса, Ўзбекистонда 30 тани ташкил этади. Хоразм вилоятида ҳам бу соҳада сезиларли иш олиб борилмоқда.

Бироқ бизни ташвишга соладиган айрим ҳолатлар ҳам мавжуд. Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмидан кўпини гиёҳвандлик ва мулкни ўғирлаш билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилмоқда. Маълумотлар гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, Дружба шаҳрида, Боғот, Ҳазорасп туманлари ва Урганч шаҳрида кенг тарқалганини кўрсатмоқда. Наркотик моддаларни ташиш ва уни истеъмол қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бунга бсфарқ қараб бўлмайди.

Фуқаро Е. Мадаминов 30 килограмм миқдордаги наркотик моддани сотиш мақсадида сақлагани учун Урганч шаҳар суди томонидан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ваҳоланки, қонунда 15 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўрсатилган. Бу иш вилоят судининг ҳайъатида қайта кўриб чиқилиб, тайинланган жазони ноқонуний равишда икки йил муддат қилиб белгилаган.

Вилоятда содир этилаётган жиноятларнинг ярмига яқини гиёҳвандлик билан боғлиқ. Хўш, наркобизнесга қарши кураш кучайтирилиши лозим бўлиб турган бир пайтда вилоят суди ҳайъатининг бундай "муруввати"ни қандай тушунса бўлади? Бу кўнгилчанликми, уқувсизликми ски инсонпарварлик ниқоби остидаги шахсий манфаатпарастликми?!

Бунинг орқасида фақатгина пора — порахўрлик бор.

Вилоят суди ҳайъатининг хатоси Республика Олий суди томонидан тузатилиб, дастлабки суд

ҳукми ўз кучида қолдирилди. Энди вилоят суди раиси Ҳ. Жуманисзев ўзини нима билан оқлайди?

Вилоятда суд жараёнида адолат принципларини мустаҳкам ушламаган, мавжуд қонунчиликни қўпол равишда бузган 10 дан ортиқ судья ўз лавозимларига қайта тайинланмади.

Жиноятларнинг ҳар учтадан биттаси ҳеч қасрда ишламай ва ўқимай юрганлар томонидан содир қилинмоқда. Ўтган йили ҳали 18 ешга тўлмаган 81 нафар ўсмир жиноятга қўл урган. Бу ҳолат тарбиявий ишларнинг сусти ва самарасиз эканлигидан дарак беради.

Бедарак йўқолган 24 киши қидириб топилмаган. Олдинги қонунбузарлиги учун судланиб, жазони ўтаган, айниқса, қамоқхонадан озод қилинган шахсларга нисбатан профилактик тадбирларнинг самарасизлиги оқибатида такрорий жиноятлар 11,0 фоиз кўпайган. Жиноят содир этишга мойиллиги учун ички ишлар органларида ҳисобда турганлардан 41 киши яна жиноят содир этган.

Талон-торож, дўкон ва омборхоналардан товарларни ўғирлаш, гуруҳ бўлиб жиноят қилиш ҳоллари йилдан-йилга ошмоқда. Ўтган йили 117 жиноят очилмай қолган, 41 жиноят ишини ким содир қилгани аниқланмаганлиги учун тергов ишлари тўхтатиб қўйилган.

Вилоятда Шарқ аёлларига хос бўлмаган ҳодисалар юз бермоқда. Жумладан, улар ўртасида товламачилик, ўғирлик, ўз шаънига доғ тушириш каби жиноятлар кўпайиб, бир йилда 163 тани ташкил этади.

Вилоятда хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари борми ўзи? Улар нима билан шуғулланыпти? Ташкилий-

тарбиявий, маданий-маърифий ишларни жонлантиришга масъул бўлган шахслар қасрда?

Ташкилотларда кўзбўямачилик, нотўғри ҳисобот бериш ҳоллари авж олмоқда. Худди ана шундай ҳолатдаги 31 жиноят ҳисобдан яширилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суистеъмол қилиб, жиноятга қўл урмоқда.

Урганч шаҳар ички ишлар ходимлари, милиция катта лейтенанти Лобжанидзс ва милиция капитани Бобожонов таъмагирлик қилиб пора олгани учун жиноий жавобгарликка тортилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар. Божхона хизмати ходими Р. Абдулласвнинг ўзи ноқонуний равишда республика ташқарисига қорамол терисини чиқаришда қатнашгани ва сохта ҳужжатлар тузгани учун жиноий жавобгарликка тортилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни ва, айниқса, ички ишлар идораларини нолойиқ ходимлардан тозалаш шу идора раҳбарларининг бурчи эмасми? Уларга ўз вазифаларини таъкидлаб, уқтириб туриш керакми?

Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар — милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, еш, иқтидорли ва замон талабига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим.

Вилоятда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, қонунбузарликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, умуман, ҳозирги иқтисодий ислоҳотлар даврида қонун устуворлигини таъминлаш ҳар бир му-

тасадди раҳбар ва, айниқса, ҳуқуқ-тартибот идораларининг долзарб вазифаси бўлиб қолиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганликларига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Бунинг учун биз янгича фикрлай оладиган, янги технологиялар асосида ишлай биладиган, замонавий соҳаларни чуқур эгаллаб, самарали фаолият кўрсатадиган ёшларни тарбиялашимиз ва уларга таянишимиз лозим.

Хоразм вилояти ҳокимлиги бу муҳим ишга юзаки ёндашмоқда. У атрофлича таҳлилларга ва кадрлар сиёсатининг аниқ концепциясига эга эмас. Айрим шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари билан ўтказилган суҳбатларда уларнинг ҳаётдан узилиб қолганлиги, ҳамон эскича ишлашга мойиллиги кўзга ташланди. Уларнинг аксарияти иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонун-қоидаларни, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини чуқур англаб етмайди, ўз фаолиятларини замон талабларига мослашга қодир эмас.

Вилоят ҳокимлиги тасарруфига олинган кадрларнинг ўртача ёши 51 ёшни, туман ва шаҳар ҳокимларининг ёш даражаси эса 52 ёшни, янги захирага танланган кадрларнинг ўртача ёши эса 40 ёшдан юқорини ташкил этмоқда.

Нима учун орангизда 30—35 ёшлардаги навқирон йигит-қизлар оз?! Бу кимнингдир ҳаловат истагими, ёшларнинг шиддатидан ҳадикси-

рашми ски янгича ишлашга қодир бўлмаган ношуд раҳбарнинг мансаб курсисидан айрилиб қолишдан чўчишими?

Бу саволларга жавоб топишимиз керак.

Ҳокимият тасарруфидаги масъул лавозимларга танланган 586 кадрдан бор-йўғи 9 фоизга яқинроғини 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этишини нима билан изоҳлайсизлар?

Яна бир камчилик шуки, вилоятда ва туманларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик иллатлари илдиз отмоқда. Айрим туман ҳокимлари ўғилларини ўзлари бошқараётган ҳудудда раҳбарлик лавозимларига тайинлаганига, ҳокимликдаги турли вазифаларга эса қариндошлари, таниш-билишларининг ўғилларини қабул қилганлигига нима дейиш мумкин? Мана сизга ҳокимнинг маънавий қисфаси!

Биз жуда яхши биламиз: айрим туманларда талай аҳмоқгарчиликлар содир этилган. Уй сотиш ва уй олиш, машина сотиш ва машина олиш масаласида айрим ҳокимларнинг иштаҳаси жуда зўрайиб, ҳаддан ошиб кетган.

Бундай ҳолатларни ўрганиб, тегшишли чоралар кўришни биз албатта охирига стказишимиз шарт.

Вилоят ҳокимлигида кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларни ўзлари эгаллаган лавозимларига нисбатан масъулиятини оширишда жиддий нуқсонлар аниқланмоқда.

Ўтган йили вилоят ҳокимлигининг рухсати билан қиймати 5 миллион 900 минг АҚШ доллари бўлган 25 минг тонна гуруч, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тақиқланганига қарамай, вилоятдан ташқарига маҳсулот айирбош-

лаш йўли билан чиқариб юборилган. Эъазига автомобиль, мотоцикл, конфет, мебель, спиртли ичимликлар сингари кундалик турмушимизга унчалик зарур бўлмаган маҳсулотлар олиб келинганлигини қандай тушуниш мумкин?

Айни пайтда аҳоли эҳтиёжини қондириш учун республикага ҳафтадан 10 минг тонна шели олиб келинган. Бундай қимматбаҳо маҳсулотни кераксиз молларга айирбошлашдан ким манфаатдор?

Ёш кадрларни тарбиялаш, улар фаолиятини назорат қилиб бориш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунинг оқибатида Урганч шаҳар Ёшлар иттифоқининг биринчи котиби С. Оллоберганов ракет гуруҳи ташкил этиб, жиноят содир қилганлиги учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бу шаҳарда ёшлар билан ишлаш муаммосининг нақадар аянчли эканлигидан далолат беради.

Биз ҳамма вақт, фаолиятимизнинг ҳар бир дақиқасида кадрлар тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим. Раҳбарликнинг турли даражасида ишлаганимиз билан биринчи навбатда ота-она эканлигимизни, фарзандлар камоли учун масъуллигимизни унутмаслигимиз керак.

Кейинги йилларда туман ва шаҳар ҳокимликларида ташкилот ва корхона раҳбарларининг давлат ҳамда жамоа мулкига тўғри муносабатда бўлишига ва уни асраш масалаларига эътибор берилмаяпти. Натижада 1995 йилда молиявий текшириш ўтказилган 495 ташкилот ва муассаса раҳбарларидан 303 нафари давлатга 4,5 миллион сўм зарар стказганлиги маълум бўлди. Шу жумладан, халқ таълими муассасаларида 616 минг сўмлик, соғлиқни сақлаш муассасаларида эса 283 минг сўмлик камомад, ўғирлик, маб-

лағларни ноқонуний сарфлаш ҳолатлари аниқланган.

Халқнинг дардига бeфaрқ қарайдиган, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан муроса қилиб бўлмайди. Бизга шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим дeб, юртим дeб куйиб-ёнсинлар, ўз ҳаловатидан кeчиб меҳнат қилсинлар!

Барча бўғинларда инсофли, дeснатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

Қадрли дўстлар! Муҳтарам Хоразм аҳли!

Мен мамлакат Президенти сифатида бу ерга фақат сизларни танқид қилиш учун, деҳқонча тил билан айтганда, "дўппослаш" учун келганим йўқ.

Камчилик ва нуқсонларни фош этиш, тартиб ўрнатиш учун мамлакат Президенти келиши мутлақо шарт эмас. Яна айтаманки, ёшулли Каримов келиб хатоларимизни айтади, кейин биз уларни тузатамиз, дeб ўйлаганлар катта хато қилади!

Шу юрт фарзанди эканман, Хоразмда рўй берган ҳар бир кўнгилсиз ҳол учун менинг ҳам жоним оғрийди. Шу юртнинг раҳбари сифатида ҳар бир кўнгилсиз ҳол учун мен ҳам жавобгарман.

Яхшилаб тушуниб олинларки, мен бу муқаддас заминга қаттиққўл терговчи ёки тафтишчи сифатида келганим йўқ.

Сизлар билан, дунё кўрган ёшулли инсонлар билан Хоразм вилоятининг бугуни ва келажаги ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Бугунги учрашувдан муддао шуки, сизу биз Хоразмнинг ўзига хос муаммолари, олдимизни тўсиб турган тўсиқлар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз керак ва уларнинг счимини топишимиз зарур.

Ниятимиз шуки, муаммоларни аниқлаб олиб, ундан кейин вилоятдаги мавжуд имкониятларни, агар вилоятнинг ўз кучи стмаса, унда бутун мамлакатда мавжуд салоҳиятни, имкониятлар ва ресурсларни Хоразмдаги муаммоларни счишга, хоразмлик инсонларнинг оғирини снгил қилишга сафарбар этишимиз даркор.

Қандай масалалар ҳақида биринчи навбатда гап кетяпти?

Биринчи навбатда Хоразмда ер муаммосини оқилона счиш лозим.

Бу масаланинг бир неча қирраси бор. Ҳаммамиз яхши биламиз: Хоразм вилоятида ҳар бир қарич ер олтин билан тенг. Бу ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдор ерларнинг оборотдан чиқиб кетишига чек қўйиш, керак бўлса, барча имкониятларни ишга солиб янги ерларни ўзлаштириш Хоразм учун энг долзарб вазифа.

Агар шу вазифани уддаласак — марра бизники, хоразмлик инсонларга деҳқончилик борасида тенг келадиган кишиларни топиш қийин. Ишнинг кўзини биладиган, тупроққа бир қарашда бўлажак ҳосилнинг чўғини аниқлаб берадиган миришкор деҳқонлар мана шу заминда яшайди.

Мен Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ер бонитети баллари асосида мамла-

катимизда ер кадастрини тузишга ва шу кадастрга биноан деҳқонларимизнинг меҳнатига ҳақ тўлашни талаб қилганимдан хабардорсизлар.

Орол фожиаси қўшни Қорақалпоғистон билан Хоразм воҳасига, унинг иқлими-табиатига ҳам таъсири жуда салбий бўлаётганини ҳаммамиз яхши биламиз. Бу фожианинг энг смони, энг оғир таъсири шу заминда яшастган одамзотнинг соғлиғи-саломатлигига бўлса, шу қаторда деҳқон тақдирига тушаётган оғирлигини ўлчаб бўлмас. Фақатгина бир мисол: Хоразм деҳқонлари ҳар йили 15 миллион тонна тузни даладан ювиб чиқаради!

Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари гектарига 25—28 центнердан ҳосил кўтарадиган бўлса, Хоразм вилояти йилига ернинг шўрини 3—4 марта ювиб, 30—35 центнердан ҳосил олади. Буни ким ҳисоблайди, буни ким қадрлайди?

Бунинг илдизи ва асоси, аввало — хоразмлик деҳқонларнинг фидойи экани, заминга меҳрида, Ватанга муҳаббатыда, ориятида, иймонида!

Бундай ҳолни нафақат пахтачиликда, балки ғаллакорлик, сабзавотчилик ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги муаммоларнинг энг муҳими Хоразмда янги ерларни ўзлаштириш ва ер унумдорлигини сақлашдир.

Муҳтарам дўстлар, агар биз Хоразм воҳасида янги ерларни ўзлаштириш имконини топсак, унда минглаб одамлар ишли бўлади.

Иккинчи масала биринчиси билан чамбарчас боғлиқ. Хоразмдаги энг йирик муаммо — сув муаммоси. Деҳқончилик сув билан тирик. Бу ҳақиқатни сизлар мендан ҳам яхшироқ биласизлар.

Ер сугориладиган сув ҳам, ичимлик суви ҳам Хоразмда бирдай муаммо. Хоразм даласига ке-

ладиган сув, аввало, 1 миллион гектар ернинг шўрини, дренаж оқизиқларини ўзида жамлаб, кейин бу ерга келади. Хоразм даласига келадиган сув аввал 5—6 миллион одам яшайдиган вилоятлардан ўтиб келади.

Айниқса, ичимлик сувининг ҳар томчиси бу ерда жуда қиммат. Туямўйин — Урганч сув қувурининг иккинчи набатини тезроқ тугатиш керак. Одамларнинг эҳтиёжини, соғлиғини ҳимоялаш мақсадида Хоразмда шиша идишда ичимлик сув чиқарадиган завод қуриш қўлимиздан келмайдими? 3—4 миллион доллар топиб, Америкадан ёки Европадан энг замонавий технологияга асосланган завод олиб келишни ҳукумат зиммасига юклаш керак.

Токи тоза ва ширин сув ҳар бир қишлоққа, ҳар бир хонадонга кириб борсин. Бу айниқса ёшлар учун, болалар учун керак. Хоразмда сариқ касали кўп. Мен буни жуда яхши билман. Бир вақтлар мен ўзим ҳам шу дардга чалиниб, Украинанинг Трускавец деган жойига бориб даволанардим. У ерда кимни кўп учратиш мумкин? Хоразмдан ўз дардига даво қидириб борган инсонларни.

Бирор юқумли касаллик кўпайса, биринчи навбатда тиббиёт ходимларини айблаймиз. Лекин айб асли бечора медикларда ҳам эмас, балки сувнинг ва табиатнинг тоза эмаслигида. Ичимлик суви масаласини ҳал этиш билан биз энг катта ижтимоий муаммони ҳам ҳал этамиз. Бу шунчаки қуруқ ваъда эмас, насиб этса, бир-икки йил ичида амалга ошадиган иш.

Учинчи масала — Хоразмда коммуникацияни ривожлантириш, темирўл, автомобил йўли, телекоммуникация, замонавий алоқа қанчалик тез

ривожланса, Хоразм вилоятининг равнақи ҳам шунчалик тезлашади. Бошқа вилоятлар билан, мамлакат маркази билан, қўшни давлатлар билан алоқаси янада яхшиланади.

Тўртинчи масаланинг бир қисмини олдинроқ ҳам айтиб ўтдим. Айбга буюрмайсизлар, дўст ачитиб гапиради, душман кулдириб гапиради: сизларда эски замондан қолган "гигантомания" касали бор. Ҳаддан ташқари катта корхоналарни қуришга, шу билан ўзларингизни кўрсатишга ҳаракат қиласизлар.

Мен неча йилдирки, кичик, ихчам корхоналар қуришлар дсб гапираман. Мана, биргина Хеванинг ўзини олиб қарайлик. Хсва фақат меъморий обидалар билан эмас, балки косиблари санъати билан ҳам дунёга донг таратган эди.

Нега Хсвада, бошқа шаҳарларда, шаҳар атрофидаги қишлоқларда касаначиликни ташкил қилиб бўлмайди? Шу баҳонада уйда ўтирган қанчадан-қанча опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш мумкин-ку?

Турли касблар — кулоллар, тунукачилар, пичоқчилар, қадоқчилар, дўппидўзлар, телпакдўзлар ва ҳоказо касбларни қайта тирилтириб, неча минглаб одамларни иш билан, бозорни эса мол билан тўлдириб бўлмайдами?

Бўлади. Бунинг учун қунт керак, ҳафсала керак, меҳр керак, янада муҳими масъулият керак. Шу ишни қилишлар. Керак бўлса, майда косибларни солиқ тўлашдан махсус қарор билан озод қилиб берамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Шуни айтишим керакки, танқид қилиш ски тасаннолар айтиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади.

Мен бугун сизларга Хоразм вилоятининг келажак тараққистини белгилайдиган махсус давлат дастурини тузишни таклиф қиламан. Вилоятнинг экологик аҳволини яхшилаш, ер-сув масалаларини ҳал этиш — асло кечиктириб бўлмайдиган масала.

Керак бўлса, ҳукумат раҳбарлари, вазирлар ва мутасадди раҳбарлар шу ерга келиб ўтирсин, масалани ечсин, ҳал қилсин.

Бешинчи масала — кадрлар масаласи. Хоразмда кадрлар старли. Сизларга четдан одам олиб келиб, мансабга тайинлаш ақлдан эмас. Лекин масаланинг бир тарафи борки, бу — ёш авлодни, ёш мутахассисларни, ёш раҳбарларни тарбиялаш, ўқитиш, уларни жаҳон миқёсига чиқариш.

Бу — аслида барчамизнинг вазифамиз. Хоразмдаги ёшларни ўқитиш, нафақат юртимизда, балки чет эллардаги энг нуфузли олий мактабларда ўқитишни ўз зиммамизга олишимиз даркор. Хоразмда махсус коллеж, лицей ва бошқа ўқув юртлари тизимини кенгайтириш лозим.

Мен аниқ ишонаман: гурланлик ски хевалик, ҳазорасплик ёки хонқалик болалар, худо хоҳласа, Оксфорд ёки Гарвардга бориб таълим олади, дунёнинг мана мен деган олим одамлари билан бемалол баҳслашадиган бўлади!

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Халқи шижоатли, бунёдкор, янгиликни ўз вақтида илғаб, уни ҳимоя қила оладиган мамлакатнинг келажаги буюк бўлади. Чунки ҳар қандай буюклик халқ даҳоси, халқ қудрати, халқнинг беқиёс иродаси билан дунёга келади. Мен ҳар доим мамлакатимиз ва халқимиз

ҳақида ўйлаганимда унинг сиймосида ана шундай бунёдкорни кўраман ва фахрланаман.

Ўйлайманки, Хоразм вилояти фаоллари, барча меҳнаткашлари ориятли, шижоатли, фидойи ва мард халқимизнинг ҳақиқий вакиллари, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тескорлик билан бартараф этиб, 1996 йилда туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, янги, илғор тажрибаларни ўзлаштириб, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақиға ўзингизнинг муносиб ҳиссангизни қўшишингизга қатъий ишонаман.

Сўзимнинг охирида сизлар хоразмлик биродарларимиз хусусида яна икки оғиз сўзлашға ижозат бергайсиз.

Албатта, биз ҳаммамиз ягона миллат, ягона халқмиз. Айни замонда, Ўзбекистон шундай бир ажойиб мамлакатки, унинг турли минтақаларидаги одамлар ўз табиатлари, фсъл-атворлари билан бир-бирларидан ажралиб турадилар.

Фарғона водийсида вилоятлар аҳлини дўппидаги "қалампир" шаклиға қараб ажратиш расм бўлган. Биламизки, хоразмлик ёшулликлар бошларига кўпроқ чўғирма-телпак кийишни маъқул кўрадилар. Аммо гап дўппи ёки чўғирмада эмас. Гап — бизнинг бирлигимизда, иймонимизнинг бутунлигида, ғайратимиз зўрлигида, меҳнатға бўлган чексиз меҳримизда.

Хоразмнинг меҳнаткаш аҳли олдида ҳар қанча бош эгасак, таъзим қилсак арзийди. Бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ўзбек деҳқони деб айтганда, энг аввало, шундай оғир шароитда, ҳали қиш заҳри кетмаган бир пайтда ернинг шўрини юваётган хоразмлик инсонларни тасаввур қиламан.

Шундай тажрибали, сабр-тоқатли, қаноатли инсонларимиз бор экан, мен қаттиқ ишонаманки, бизнинг барча ишларимиз албатта олға кетади. Биз, албатта, кўзлаган мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга стишамиз.

* * *

Азиз дўстлар!

Юртдошлар!

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизни, Ўзбекистон аҳлини қизиқтирадиган яна бир долзарб масала ҳақида икки оғиз уз фикримни, муносабатимни билдирмоқчиман.

Биз бугун қандай аҳволда яшаяпмиз? Атрофимизда нима ишлар бўляпти? Собиқ Иттифоқ миятақасида қандай интилишлар, қандай ҳаракатлар бўлаётгани ва умуман бугунги вазият тўғрисида сизлар хабардорсиз, деб ўйлайман. Лекин яқинда пайдо бўлган баъзи бир фикрлар, баъзи бир ҳаракатлар замирида СССРни қайта тиклаш ғояси ҳар томонлама тарғибу ташвиқ қилинмоқдаки, биз бунга ўз фикримизни билдиришимиз лозим.

Гап кеча Россия парламенти — Россия Давлат Думаси коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган бир қарор хусусида. Хабарингиз бор, 1991 йил 8 декабрь куни Россия, Украина, Беларусь давлатларининг раҳбарлари Белоруссиянинг Беловежская Пуша деган бир жойида СССР давлатининг тарқатилиши ва унинг ўрнига Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДҲ) ташкил этиш ҳақида баёнот қабул қилган эди. Бу баёнотни Россия давлатининг ҳозирги раҳбари Борис Ельцин, Украина давлатининг собиқ прсзиденти Лсонид Кравчук, Бе-

ларусь давлатининг собиқ бошлиғи Станислав Шушкевич имзолаган эди.

Орадан беш йил ўтиб, Россия Давлат Думаси Бсловезж ўрмонида тузилган ўша битимни ноқонуний деб топиб, уни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу билан бирга эски СССР давлати яна тиклансин, деб мурожаатнома ҳам қабул қилди.

Хўш, бунинг тагида нима асоси бор?

Бу қарор билан яқиндан танишиб чиқилса, улар авваламбор 1991 йил 17 мартда, ҳали собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган бир пайтда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларини далил қилиб келтиради. Маълумки, бу референдумда собиқ Иттифоқ ҳудудида яшаган халқларга СССРни янги бир шаклда сақлаб қолиш бўйича фикр билдириш таклиф қилинган эди.

Коммунистлар устун бўлган бугунги Россия Давлат Думаси ана шу референдум яқунларига таяниб, уни рўкач қилиб, керак бўлса, байроқ қилиб кўтармоқда.

Давлат Думаси қарорини эълон қилгандан кейин Россия Президенти Борис Ельцин телс-видение ва оммавий ахборот воситалари орқали унга ўз муносабатини баён қилди. Бу баёнотга кўра жаноб Ельцин, Давлат Думаси қарорини албатта бекор қилишини, уни тасдиқламаслигини билдирди. Аммо гап ҳозир бунда эмас.

Гап шундаки, бу қарорни қабул қилган кимсалар, "биз аниқ бир нарсага суяниб иш тутдик, чунки бугун собиқ Иттифоқнинг барча халқлари мана шундай кайфиятда юрибди, биз уларнинг фикрини ифода қилиб, уларнинг айтайлик, хоҳиш-иродасига биноан шу қарорга келдик",

деб даъво қилиши, бу гапни эртага ҳар томонлама дўмбира қилиб чиқиши мумкин.

Хўш, Ўзбекистоннинг бунга муносабати қандай? Бу масалага ўтишдан олдин, мен сизларга 1991 йил 19 — 20 август кунлари содир этилган ГКЧП деган воқса (аслида уни давлат тўнтариши деса ҳам булади)ни эслатиб ўтмоқчиман: 19 — 20 август кунлари Москва-нинг ўзида коммунистик партия марказий раҳбарияти аъзоларининг бир гуруҳи, яъни тепада ўтирганлар, шу собиқ Иттифоқни, унинг эски тизимларини сақлаймиз, деган мақсадда, демократик ўзгаришларга қарши чиқиб, большевикча усуллар билан мамлакат президенти Горбачевга қарши тўнтариш уюштириб, энди тизим ўзгарди, бизлар ҳокимиятни қўлга олдик, деб эълон қилган эди.

Уша пайтда бу воқсага бизнинг муносабатимиз қандай бўлган? Мен сизларга шунни айтиб бермоқчиман. 17 — 19 август кунлари мен Ўзбекистон делегацияси билан бирга Ҳиндистонда эдим. 19 августда у ердан қайтиб келгач, шу кунидек мен раҳбарият аъзоларини, ҳукумат ва парламент аъзоларини тўплаб, махсус йиғилиш ўтказдик. Йиғилишда мен ўз фикримни айтдим. Ва ўйлайманки, бу ҳаммамизнинг, жамоатчиликнинг ҳам фикри бўлди. Бу пайтда ҳали ГКЧП ҳукмрон, телевизорда "Оққуш кўли" балетини бстўхтов кўрсатиб туриб, янаевлар, бизлар энди ҳукмрон бўлдик, дсб дағдага қилиб турган бир пайтда, биз ўз фикримизни қатъий баён қилдик. Менинг баёнотим шундай бўлди: Ўзбекистонга бунинг дахли йўқ, Ўзбекистон ўз йўлини, ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлини танлаб олди, Ўзбекистон эркин бўлади, дсб узил-кесил айтганмиз. Бу

қарорни барча вилоятларда, барча туманларда бутун Ўзбекистон халқи қўллаб-қувватлади. Яъники, шу масала бўйича халқимизнинг фикри, давлатимизнинг фикри очиқ-ойдин билдирилди.

Энди Россия Давлат Думаси бекор қилмоқчи бўлаётган қарорга қайтсак. Бу қарор, яъни СССРнинг тарқатилиши муносабати билан МДҲни ташкил этиш ҳақидаги қарор 1991 йил 8 декабрда Беловежская Пушада қабул қилинган. Такрор айтаман: бу воқса 1991 йил 8 декабрда бўлган.

Мен сизларга шундай бир савол бермоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақон эълон қилинди? 31 август, яъни мазкур уч давлат раҳбари Белоруссияда қабул қилган қарордан тўрт ой олдин. Шу қарорни қабул қилгач, уларнинг биринчи ҳаракати нима бўлди? Славян давлатлари ҳамдўстлигини эълон қилмоқчи бўлди. Ҳозир мавриди келди, сизларга шуни очиқ айтиб бермоқчиман. Энди савол туғилади: бизлар ундан тўрт ой олдин ўз мустақиллигимизни эълон қилган эканмиз, Беловежская Пушада қабул қилинган бу қарорнинг бизга қандай алоқаси, қандай дахли бор?

Иккинчидан, 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистонда биринчи бор Президент сайлови пайтида биз, референдум — умумхалқ сўрови ўтказдик. Референдумдан мақсад мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг хоҳиш-иродасини, фикрини аниқлашдан иборат эди. Бу референдумда шундай мазмундаги савол қўйилган эди: Ўзбекистон фуқароси сифатида сизнинг Олий Кенгаш, яъни парламент эълон қилган Ўзбекистон мустақиллигига муносабатингиз қандай — қўллайсизми-йўқми? Бу саволга фу-

қароларнинг 98,2 фоизи ижобий баҳо бериб, мустақиллигимизни қўллаб-қувватлади. Хулоса: халқимиз ўз тақдирини шу пайтда белгиладими, йўқми?

Энди бизга бу ҳар хил ўйинларнинг нима дахли бор? Ўз-ўзидан аёнки, Давлат Думаси қабул қилган бу қарорнинг Ўзбекистон аҳлига, Ўзбекистон тақдирига, Ўзбекистон халқига, унинг келажагига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Улар дастак қилиб кўрсатаётган 1991 йил 17 март умумхалқ референдуми масаласини ҳам кўриб чиқайлик. У пайтда совет даври — ҳукмронлик, зўравонлик даври эди. Бинобарин 17 март референдуми ҳам ана шундай мустабид бир шароитда ўтказилган эди. Шу пайтда Ўзбекистонда референдумга иккинчи бюллетень киритилди. Биз мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари учун иккинчи бюллетень таклиф қилдик. Яъни Марказнинг умумиттифоқ референдуми саволи билан бирга биз ўзимизнинг саволимизни ҳам қўйган эдик. Моҳиятан бизнинг саволимиз Марказ томонидан қўйилган саволга мутлақо қарши, уни бутунлай йўққа чиқарадиган, уни бартараф қиладиган мазмунга эга эди. Биз шу савол билан одамларга мурожаат қилдик. Шунинг учун тўла асос билан айтиш мумкинки, 1991 йил 17 март куни ўтказилган умумхалқ референдумига Ўзбекистон халқининг муносабати шу пайтда аниқ ва қатъий билдирилган эди. Бу — *учинчи масала*.

Тўртинчи масала. Бугун ҳар хил гаплар чиқаяпти. Яқинда Москвада Беларусь раҳбари Лукашенко билан Россия Президенти учрашганида, улар бир-бири билан яқин бўлиш — интеграция ҳақида фикр юритдилар. Бироқ Россия

телсвидениеси ва матбуотида шундай гаплар ҳам бўлдики, гўё ўзаро имзоланган ҳужжатларга кўра, Россия билан Беларусь бирлашар эмиш. Конфедерациями, федерациями с ундан ҳам мустаҳкамроқ бир уюшмами, янги бир Иттифоқми ташкил қилинади, деган овозаларни сизлар ҳам эшитгансизлар. Халқимиз ҳам эшитган. Энди бунинг номини конфедерация дейдими, федерация дейдими ё бошқа бир ном олган Иттифоқ дейдими, бундан қатъи назар, яна бир бор айтаман: бизнинг бунга муносабатимиз олдиндан маълум. Бизлар бундай ўйинларни ўйнамаймиз. Бу ҳаракатлар бизнинг мақсадимизга кирмайди. Бунақа, айтайлик, нағмаларни бошқалар қилаверсин. Кимники аҳволи ночор бўлса, кимники ўз халқини бошқариш, уни фаровон ҳаётга, ёруғ кунларга олиб чиқишга қурби етмаса, ўз салоҳиятига ишонмаса, ўйлайманки, бу ўзининг иши. Шу мамлакатнинг ўз иши, раҳбариятининг ўз иши. Ва шу халқнинг ўз иши, хоҳиш-иродаси.

Ҳар қайси халқ ўз келажаги ва тақдирини ўзи белгилаб олиши керак. Шунинг учун Ўзбекистондан сўрамоқчи бўлса, бизлар шу масалани кўндаланг қўйиб, унга аниқ ва равшан жавоб беришимиз керак.

Жавобимиз эса қисқа ва қатъий: сизларнинг ихтиёрингиз ўзингизда, лекин Ўзбекистоннинг йўли олдиндан маълум. Ўзбекистон халқи ўз қўлига кишан урдириб, алдаб-сулдаб, онгини бузиб, эски охурга қайтадан ипсиз боғлаб қўйилишига ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бермайди. Бу — аниқ гап.

Яна бир бор айтаман: тарих ғилдираги ортга айланмайди. Бу — табиат, бу — ҳаёт, бу — та-

рих. Бу азалий қонуниятга қарши ким нима дея олиши мумкин?!

Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлидан, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш.

Бизнинг мақсадимиз, бизнинг истиқболимиз шу. Ўйлайманки, шу залда ўтирганлар ва бугун бизни тинглаб турган фуқаролар халқимизнинг азму қарорини қўллаб-қувватлайди. Биз шу йўлга бир вақтлар яхши ният билан бел боғлаганмиз ва иншооллоҳ, албатта, ўз мақсадимизга етамиз.

Барчангизга, азиз дўстлар, сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий тотувлик, осойишталик, бахт-саодат тилайман.

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ,
1996 йил 16 март*

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич!

Ўзбекистон халқи Россия Федерацияси Давлат Думаси 1996 йил 15 март куни Беловож битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорни ташвиш билан кутиб олди.

Аслини олганда, бу қарор собиқ СССРни, коммунистик мафқурани қайта тиклашга, тоталитар тузум ҳамда 1991 йилда Россия халқи томонидан ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқи томонидан ҳам яқдиллик билан рад этилган эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарсасиз эмас. МДҲ муқобили йўқ ҳамжамият бўлиб, унда Россияга ҳақли равишда сакчи ўрин ажратилганига бизнинг ишончимиз комил.

Ўзбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини, барча давлатлар, биринчи галда Россия билан, асрлар давомида дўстлик ва қардошлик ришталари билан ўзаро боғланган Россия халқи билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олган.

Биз Россия 1991 йилда танлаган йўл — янгиланиш, демократик ислохотлар, суверен демократик мустақил давлат қуриш йўли, бу йўл

фаровонлик, улкан табиий, моддий, маънавий ва ақл-зако салоҳиятига эга бўлган халқнинг ҳаётини тўқис қилиш йўли эканига қатъий аминмиз.

Муҳтарам Борис Николаевич!

Сиз, Россиянинг Президенти ва барча демократик кучлар, Россия жамиятини янгилаш тарафдорлари қўллаб-қувватловчи тан олинган статкиси сифатида Россияни эски, умрини яшаб бўлган тузумга қайтаришга интилаётган турли сиёсий доираларга муносиб зарба берасиз, Россия ислоҳотлар йўлидан дадил бораверади ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, деб қатъий ишонамиз.

*Эҳтиром билан Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
1996 йил 18 март*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ
АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ БИЛАН СУЎБАТИ**

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги
мухбири Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом Каримовдан
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
мамлакатларидаги интеграция
жараёнлари ривожини билан боғлиқ бир
неча саволга жавоб беришни
илтимос қилди*

Савол: Кейинги пайтларда айрим мамлакатлар матбуот саҳифалари ва телевидение-сида собиқ СССР ҳудудидаги, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатларнинг чуқур интеграцияси тўғрисида давлатлараро шартномалар имзоланишга тайёрланаётгани ҳақида турли-туман фикрлар тез-тез такрорланиб турибди. Сизнинг бу хусусдаги фикрингизни билишни истар эдик.

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам, кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги давлатларнинг интеграцияси тўғрисида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз умрини яшаб бўлди, энди интеграциянинг янги моделини яратиш лозим, деган мазмунда жуда кўп гапириляпти. Айрим кишилар ҳозирнинг ўзидаёқ бу мўлжалланаётган бирлашма ва давлатлараро ташкилотларнинг номларини ҳам топиб қўйган.

Бу гапларни Беларусь президенти ўртоқ А. Г. Лукашенконинг чиқишлари, нутқларидан эшитганда, агар биз барчамиз шошилишч ра-

вишда интеграция билан шугулланмасак, дарҳол Россия атрофида бирлашмасак, ҳолимиз вай бўлади, кслажагимиз, мамлакатимизнинг тараққиёти барбод бўлади, деган таассурот туғилади. Ҳеч ким, бирор давлат мустақил равишда яшаб қололмайди, ўз муаммоларини ҳал этолмайди, буҳрондан чиқолмайди, деган баёнотларни доимо эшитиб турамыз. Гўё Европа ва бошқа жойларда биз ҳеч кимга керак эмасмиз, нажот фақат тезроқ бирлашишда ёки бугунги кун тили билан айтадиган бўлсак, интеграцияда эмиш. Дастлаб давлатлараро иқтисодий ва гуманитар асосда чуқур интеграцияга эришсак, кейинчалик... қандайдир "конфедерациями, федерация иттифоқи деган, собиқ СССРдан ҳам мустақкамроқ бирор уюшмага" этишувимиз ҳеч гап эмас эмиш.

Яна бир гап: бугунги айрим суверен давлат раҳбарлари ўзига, худо кўрсатмасин, собиқ СССРнинг барбод бўлишида иштирок этган, деган айб қўйилишининг олдини олишга уринади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги айрим раҳбарлар интеграция ёки турли-туман иттифоқлар барпо этиш тўғрисидаги янги ташаббусларни дам-бадам кўтариб турмаса, хумори босилмайди.

Шуниси ғалатики, айрим раҳбарлар ўз номидан, айтайлик, ўз республикаси номидан эмас, албатта, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига бирлашган барча мамлакатлар номидан гапиришга ҳаракат қилади. Гўёки, уларга барчанинг номидан гапириш ҳуқуқи берилгандек.

Бироқ бу халқлардан ҳар бирининг муайян тафаккур тарзи, руҳияти, кайфияти қандайлиги, бу муаммоларга муносибати, улар ўз келажагини қандай тасаввур этаётгани хусусида

ўйлаб кўриш уларнинг ситти ухлаб ҳам тушига кирмайди.

Савол: Сизнинг фикрингизча, бундай ташаббусларни қандай изоҳлаш мумкин?

Жавоб: Бундай "ўта фаоллик"ни, ўзбекча қилиб айтганда, ҳовлиқмаликни фақат шундай изоҳласа бўлади:

Биринчидан, барчанинг назарида бўлиш, ўзини нафақат ўз халқининг, балки, қачонлардир СССР таркибида бўлган бошқа республика ва халқларнинг ҳам манфаатлари учун куюнадиган хиши сифатида кўрсатиш, кўз-кўз қилиш истаги.

Иккинчидан, менимча, бу энг муҳими ҳам — ўз фуқаролари ва жамоатчиликнинг диққатини мамлакатдаги кескин муаммолардан чалғитиш, бошқа йўл тополмаслик, истасангиз, буткул но-чорлик белгисидир.

Аслида бу ерда баҳснинг ўзига ўрин йўқ: интеграция керак, мен ҳатто, интеграциянинг ўзигина эмас, умумий мақсадларга эришиш, барча халқларнинг фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларни бирлаштириш учун шарт-шароит яратадиган кооперация керак, деб айтган бўлардим.

Бироқ интеграция оқилона бўлмоғи лозим. Аввало, бундай интеграция учун тегишли шарт-шароит яратилиши зарур. Яъни, менинг қатъий фикрим шундан иборатки, интеграция, энг аввало, ўз салоҳияти, ўз кучи ва имкониятларига суянган ҳолдагина, ўзаро фойдали шериклик қилиш учун қурби етгандагина, такрор айтаман, ўзаро фойдали кооперация вужудга келиб, бундан барча манфаатдор томонлар наф кўрганидагина амалий натижа бериши мумкин.

Боқимандаликка асосланган уринишлар, ўз муаммоларини бошқалар ҳамда уларнинг ресурслари ҳисобига ҳал қилишга умид боғлаш, мажозий қилиб айтганда, ёвғон шўрва ҳаммага барабар тортиладиган қуроқ дастурхон муҳайё этишга интилишлар биз учун мутлақо мақбул эмас. Энг муҳими шундаки, бундай интеграция эркимизни, мафкурасидан, дунёнинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, биз муносабат ўрнатган шериклар билан алоқаларимизни чеклаб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, интеграциянинг янги модели, бугунги кунда турли минбарларда тез-тез такрорлаб турилганидай, қандайдир ҳарбий-сиёсий блок тузиш мақсадига хизмат қилмаслиги лозим.

Савол: Сизнинг назарингизда интеграция жараенларини шакллантиришга асос бўла оладиган принципиал ҳоллар нималардан иборат бўлиши мумкин?

Жавоб: Биз даялатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Назаримизда, сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас.

Учинчидан, ҳар бир давлат, энг аввало, уз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва ко-операция жараёнларини чуқурлаштиришдан барча, аввало ўзаро, бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни слякасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомхаёлга уч-маслик керак.

Тўртинчидан, интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Интеграция шунчаки интеграция учун эмас, ўзини кўрсатиш, популистик ва бошқа сиёсий мақсадлар учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир хатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим.

Бешинчидан, интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг холисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди.

Интеграция дсб аталаётган бундай ҳодисанинг куч ишлатадиган, зўравонлик усуллари бизга мутлақо тўғри келмайди. Бунинг қандай оқибатга олиб келиши тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

1996 йил 23 март

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИДА**



THE UNIVERSITY OF
MICHIGAN LIBRARY
ANN ARBOR MICHIGAN

*

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис раҳбарияти, қўмиталарининг раислари, депутатлар фракцияларининг, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Мажлисида Россия Федерацияси Давлат Думасининг 15 мартда қабул қилган ва собиқ СССРни қайта ташкил этишга қаратилган қарорига муносабат билдирилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари, депутатлар фракциялари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари Россия Давлат Думасининг бу қарори популистик қарор бўлиб, мазмун моҳияти жиҳатидан ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмаслигини яқдиллик билан қайд этдилар.

Олий Мажлис Кенгаши ушбу масала юзасидан қарор қабул қилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ
КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ**

**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ДАВЛАТ ДУМАСИНИНГ
1996 ЙИЛ 15 МАРТДАГИ
ҚАРОРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Кенгаши қарор қилади:

Россия Федерацияси Давлат Думасининг
1996 йил 15 мартда қабул қилган собиқ СССРни
қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага
лойиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон бозор муносабатларига асослан-
ган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни ва
фуқаролар жамиятини барпо этиш ҳамда мус-
таҳкамлашдан иборат ўз йўлини, жаҳон
ҳамжамиятига қўшилиш йўлини қатъий танлаб
олди.

Ўзбекистон Республикаси МДХ ташкил этил-
ганлиги қонуний ёки ноқонунийлиги юзасидан

ҳам, шунингдек Евроосиё иттифоқи шаклидами, федерация ски конфедерация шаклидами, гўеки Белоруссия, Қозогистон ва Россия имзоламоқчи бўлган ҳужжат қандай тарзда бўлишидан қатъи назар, собиқ Иттифоқни қайта тиклаш масаласи бўйича мунозарани ҳатто очмоқчи ҳам эмас. Давлатлар устида турувчи ҳар қандай тузилмалар ташкил этишни назарда тутадиган интеграция жараёни Ўзбекистон учун мақбул бўла олмайди.

Олий Мажлис Кенгаши яна бир бор таъкидлайдики, Ўзбекистон танлаб олган йўл 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдумдаги халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши асосида қабул қилинган йўл бўлиб, бу референдумда сайловчиларнинг 98,2 фоизи "Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?" деган матнни ёқлаб, овоз бердилар.

Айни пайтда шунинг баён қиламизки, 1991 йил 17 март куни собиқ СССР ҳудудида ўтказилган референдумда Ўзбекистон Республикасида халқ иккинчи бюллетень бўйича ҳам овоз берди. Бу бюллетендаги матн Иттифоқ референдумига қўйилган масаланинг мазмунини амалда йўққа чиқаради. Россия Федерацияси Давлат Думаси эса 1996 йил 15 мартдаги қаро-

рини айти ана шу референдум натижаларига асослашга уринади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги СССР расман барбод бўлишидан анча олдин, 1991 йил 31 августда эълон қилинган эди.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси*

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 15 март

**ТЕЛЕГРАММАЛАР,
ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР,
МАКТУБЛАР**



15

16

17

18

19

20

21

22

23

24

25

26

27

28

29

30

31

32

33

34

35

36

37

38

39

40

41

42

43

44

45

46

47

48

49

50

51

52

53

54

55

56

57

58

59

60

61

62

63

64

65

66

67

68

69

70

71

72

73

74

75

76

77

78

79

80

81

82

83

84

85

86

87

88

89

90

91

92

93

94

95

96

97

98

99

100

Россия Федерацияси Давлат Думаси 1991 йил 8 декабрь Беловеж битимини денонсациялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилгач, қисқа вақт ичида мустақил Ўзбекистонимизнинг турли вилоятларидан Президент И. А. Каримов номига кўплаб телеграммалар, фикр-мулоҳазалар битилган мактублар келди.

Улардан бир қисми китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Вилоят "Жиззахавтойўл" Давлат акционерлик бирлашмаси меҳнат жамоаси Сизнинг Хоразм вилояти кенгашидаги нутқингизни тинглаб, яна бир бор танланган йўлнинг нечоғли тўғрилигига ишонч ҳосил қилдик.

Россия Федерацияси Давлат Думасининг СССРни қайта тиклаш учун уринишлари бизни ўйлантириб қўйган эди. Сизнинг нутқингиздан кейин орқага қайтиш йўқлигига, мустақиллигимизга ҳеч ким тажовуз солмаслигига яна бир бор амин бўлдик. Мустақил республикамиз келажаги учун олиб бораётган ишларингизга тўлик қўшиламыз. Халқимиз бахтига соғ-саломат бўлинг, кириб келаётган Наврўз айёми билан чин қалбдан табриклаймыз.

И. З. ЗУФАРОВ,

"Жиззахавтойўл" Давлат акционерлик бирлашмаси раиси

Ўрнатли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиздан келиб чиқадиган вазифаларни бутун жамоамиз номидан тўла қўллаб-қувватлаб, унинг бажарилиши юзасидан барча чораларни белгиладик ва амалий ишларни бошладик. Шунингдек, Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорини мутлақо нотўғри деб ҳисоблаймыз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг Сиз бошчилигингизда танлаган истиқлол йўли ҳақ йўлдир, биз шу дастурга тўла амал қиламыз.

Ислом Абдуғаниевич, Сизни, Сиз орқали Республика меҳнаткашларини Наврўз байрами билан муборакбод этамыз. Ватанимиз ривож,

равнақи ва мустақиллигини мустаҳкамлашдаги заҳматли ишларингизда куч-қувват тилаймиз.

*Ф. МАМАТМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти Қумқўрган туманидаги
Беш қаҳрамон жомоа хўжалиги раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқингизда Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш борасида билдирган фикр-мулоҳазаларингиз, йўл-йўриқларингиз барча воқамиз меҳнаткашлари қатори биз, алоқа хизмати ходимларининг ҳам қалбларини тўлқинлантириб юборди. Ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган алоқа, телескоммуникация соҳасининг мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишда, халқимизнинг узоғини яқин қилишда ўрни бениҳоя катта эканлигини алоҳида таъкидладингиз. Бу соҳани янада тез ривожлантириш, уни энг замонавий асбоб-анжомлар билан таъминлаш юзасидан берган кўрсатмаларингиз биз алоқачиларнинг ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

Шу билан бирга, Сизнинг Россия Давлат Думаси қабул қилган қарорга нисбатан билдирган фикрларингизни ҳам тўла қўллаб-қувватламоқдалар. Россияда бўлаётган воқсаларнинг бизга ҳеч қандай дахли йўқ деб ҳисоблаймиз. Халқимиз Сизнинг раҳнамолигингизда ўз истиқлол ва тараққийет йўлини танлаб олган. Бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ғоя чалғита олмайди.

*М. СОБИРОВ,
Хоразм вилояти давлат
ишлаб чиқариш электр
алоқа корхонаси бошлиғи*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарорини бугун Марғилон халқи ниҳоятда ҳайрат билан кутиб олди. Эндиликда Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни, Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсатини бутун дунё тан олиб турган бир пайтда бундай қарор қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас.

Сиз таъкидлаганингиздек, Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан кетмоқда. Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз, вилоятимиз, шаҳримизда бўлган ўзгаришлар бунинг ёрқин далилидир.

Халқимизнинг истиқлол ҳақидаги орзуларининг рўёбга чиққани эса бизнинг бебаҳо ва бастакор ютуғимиздир.

Биз, марғилонликлар Россия Давлат Думасининг бу қарорини мазмун-моҳият жиҳатдан ҳеч қандай асосга эга эмаслигини яқдиллик билан қайд этамиз.

*Уктам АҲМАДЖОНОВ,
Марғилон "Хонатмас" ҳиссадорлик жамияти
танда тайёрлаш корхонаси тараққовчиси*

*Валижон ШАҲОБОВ,
Фаргона сув қурилиши бирлашмаси Марғилон ишлаб
чиқариш мукамал жамлаш бошқармаси ишчиси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен кунни кеча Ўзбекистон ойнаи жаҳони орқали Россия Президенти Борис Николасвич Ельцин номига йўллаган телеграммангизни зўр мамнуният ва қониқиш билан тинглаб, бениҳоя руҳланиб кетдим. Дарҳақиқат, собиқ СССРни қайта тиклашни даъво қилаётган Россия коммунистларининг хатти-ҳаракатлари, ноўрин уринишлари хаёлпарастликдан бўлак нарса эмас.

Улар қўяётган мақсад ҳеч қанақа асосга эга эмас, пойдвори йўқ, тўғрироғи қуруқ сафсата, афсона. Шунини алоҳида эътироф этмоқчиманки, Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва матонатингиз туфайли эришилган мустақиллик — ўзбек халқининг азалий нияти эди.

Шу боис ҳам биз, ўзбеклар, жумладан ижод аҳли танлаган йўлимиздан ҳеч қачон қайтмай-миз, истиқлолни кўз қорачигимиздек асраймиз, шунингдек Сиз олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз.

*Яздон ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон-Драматург, Каттақўрғон шаҳри*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

"Қоракўл" ҳиссадорлик жамияти жамоаси Сизнинг Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатингизни, халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясидаги Россия Давлат Думаси қабул қилган қарори юзасидан сўзлаган нутқингизни ҳамда ушбу қарор юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгаши қабул қилган қарорни тўла қўллаб-қувватлайди.

*С. ФАЙЗИЕВ,
"Қоракўл" савдо ва ишлаб чиқариш
ҳиссадорлик жамияти раиси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз "Қувасойцемент" акционерлик жамиятининг 3500 кишилик меҳнат аҳли, Сизнинг 1996 йил 16 март куни Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Совет

иттифоқини тиклашга қаратилган қарорига Ўзбекистон Республикасининг муносабати ҳақидаги фикрларингизни тўла-тўқис маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Собиқ СССРни тиклашга, давлатлардан, миллатлардан юқори турадиган тизимларни барпо қилишга уриниш — Ўзбекистон ва бошқа ҳамдўстлик давлатларининг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини, халқларнинг озодлигини бекор қилишга уриниш демакдир. Биз озодлигимизни муқаддас деб биламиз ва республикамиз раҳбарияти томонидан ўтказилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларда фаол қатнашиб, халқимиз фаровонлигини таъминлашда ижобий муваффақиятларни қўлга киришимизга ишонамиз.

Х. ҚОСИМОВ,

*“Қувасойцемент” акционерлик жамияти
бошқарувининг раиси*

Р. ФОЗИЛОВ,

касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган сэрмазмун нутқингизни жуда катта қизиқиш ва қониқиш билан тингладим. Сизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича куюнчаклик билан қўйган вазифаларингиз биз деҳқонларни яна ҳам масъулият билан ишлашга, мустақил республикамиз иқтисодиёти тизроқ тиклашга ундаб, ҳар биримиздан омилкорлик ва ташаббус билан ишлашга даъват қилди. Айниқса, Сизнинг деҳқончиликни ривожлантиришда, ҳосилдорликни ер бонитети ва тупроқ кадастри бўйича белгилаш тўғрисида билдирган фикрларингизни биз деҳқонларга кўрсатилган яна бир ғамхўрлик деб ҳисоблаймиз.

Сизнинг сессияда сўзлаган мустақиллигимизни мустақкамлаш тўғрисидаги, Россия Давлат Думасида коммунистлар фракцияси ташаббуси билан қабул қилинган қарор бўйича билдирган фикрларингиз бизни жуда ҳам ҳаяжонлантириб юборди. Биз ўз мустақиллигимизни умумхалқ референдумида бутун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилганмиз. Шунинг учун Сизнинг сессия минбаридан туриб айтган орқага қайтиш йўқ, биз мустақиллигимизни қонуний асосда қабул қилганмиз ва бизни бу йўлдан ҳеч қандай куч қайтара олмайди деган фикрларингизни қалбдан қўллаб-қувватлаймиз.

*Н. УМУРҚУЛОВ,
Босвут туманидаги "Деҳқонобод"
жамоа хўжалиги бошқорувчи раиси*

Олот тумани Олот шаҳридаги 29-сон ўрта мактаб меҳнат жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 15 мартдаги "Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарори тўғрисида" қабул қилган қарорини яқдиллик билан маъқуллайдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республикамиз мустақиллигини мустақкамлаш йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатидан мамнундирлар. Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлишига ишончимиз комил. Ана шу йўлда сшларни ўқитиш, тарбиялаш соҳасида ўртага қўйилган барча вазифаларни меҳнат жамоамиз шараф билан бажарадилар деб ишонтираман.

*Норқул САФАРОВ,
мактаб директори*

Туманимиз фаоллари Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиб чиқиб, унда кўрсатилган камчиликлар туманимизда ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, тегишли тадбирлар белгиладилар. Шунингдек, Россия Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қарорига нисбатан билдирган фикрларини туманимиз меҳнаткашлари тўлиқ қўллаб-қувватладилар, коммунистик иллатнинг ҳар хил кўринишини қораладилар ва бунга қарши кураш олиб борадилар. Биз, Бойсун туман меҳнаткашлари Президентимиз И. А. Каримовнинг олиб бораётган сиёсатларини тўла маъқуллаймиз ва буни ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз билан тасдиқлаймиз.

*Т.ҲАМРОЕВ,
Бойсун тумани ҳоқими*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг 1996 йил 16 мартда халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни, айниқса Хоразм вилояти аҳолисига жуда катта ғамхўрлик қилиб гапирган сўзларингизни тинглаб жуда тўлқинланиб кетдим. Давлатимизнинг келажагини равнақ топтиришда, гуркираб яшнашида Сиз қўлластган оқилона доно ички ва ташқи сиёсат менга куч-қувват бағишлади. Мен Туямўйин-Урганч минтақалараро сув ишлаб чиқариш ташкилотининг бир оддий ишчиси сифатида воҳамизда аҳолига сифатли ичимлик суви етказиб беришдек савобли ишга қўл уриб Туямўйин-Урганч сув тозалаш иншоотларининг 2-навбати қурилишини фойдаланишга топширишдек савобли

..

ишни битказишни ўз зиммамга оламан деганингиз биз ишлаётган корхона ишчиларини ва барча минтақамиз аҳолисини чексиз руҳлантирди, дессам като қилмайман.

Шунингдек, Сизнинг Россия Давлат Думаси шу йил 15 мартда қабул қилган қарор муносабати билан Урганчда берган баёнотингизни биз яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг қудратли Ўзбекистон Давлатини барпо этишга қудратимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам, табиий бойликларимиз ҳам стади. Истиқлолнинг дастлабки йиллари шуни яққол кўрсатмоқда.

Бошқармамиз ишчи-хизматчилари Сизни кириб келаётган Наврўз байрами билан табриклар, келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнашида, аҳолининг тинч-фаровон яшашидек масъулиятли вазифани бажаришда Сизга мустақкам соғлиқ, куч-қувват, гайрат-шижоат тилаймиз.

*Жумабой АБУЛОВ,
Туямўйин-Урганч минтақалараро сув
ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси*

Муҳтарам Ислом ака!

Сизнинг Хоразм вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиздан келиб чиққан ҳолда туманда қонун устуворлигини, қўшни Туркменистон республикаси билан бўлган чегара қисмимизда тинчликни, барқарорликни тўла-тўқис таъминлаймиз. Сизнинг шу сессияда Россия Федерацияси Давлат Думаси қарорига билдирган муносабатингизни сидқидилдан қўллаб-қувватлаймиз.

*Х. ЖУМАНИЕЗОВ,
Қўшкўпир туман прокурори,
одлия маслаҳатчиси*

*Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом ака!*

Сизни узим ва оиламиз номидан баҳор байрами — Наврӯзи олам билан чин юракдан, самимий муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаб қоламиз.

Ислом ака, менинг дадам уста Нарзулло 40 йилча халқимизга ҳалол хизмат қилдилар. Ҳозир пенсияда қарилик гаштини сурмоқдалар. Сизга куну тун эзгу истакда, дуодалар. Акам, опаларим, укам ҳам халқ хўжалигининг турли соҳаларида халқимизга хизмат қилмоқдалар.

Ислом ака, биз Россия Думасининг 15 мартдаги қарорини қатъиян қоралаймиз ва бу қарорга батамом қаршимиз.

Барча ўзбекистонликлар, халқимиз, қолаверса бизнинг оиламиз ҳам Сизнинг олиб бораётган доно, халқпарвар сиёсатингизни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун Сизнинг, халқимизнинг хизматига ҳамиша тайёرمىз. Биз Сизга мустақил Ўзбекистонимизнинг тақдирини ишонамиз. Меҳрибон Аллоҳ таолонинг ўзи Сизга мададкор бўлсин! Иншооллоҳ, Ўзбекистон Мустақиллиги ҳамиша абадий бўлажак!

Илоҳим, Парвардигор Сизни ва оила аъзоларингизни ўз паноҳида асрасин. Мустақил Ўзбекистонимиз бахтига, эл-юртимиз бахтига, меҳнаткаш халқимиз бахтига ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

*Жиззах вилояти, Зомин тумани,
Мустақиллик кўчаси,
94-уйда истиқомат қилувчилар:
Саиджон, Исломбек,
Сайфулло ҲАКИМОВЛАР оиласи*

Ҳурматли Ислом ака!

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг биринчи йиллариданоқ рўй берастган воқеалар Сизнинг номингиз билан боғлиқдир. Ўзбекистонимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиб олинishi, жаҳоннинг энг юқори минбаридан туриб Марказий Осиё минтақасида тинчликни барқарорлаштириш ҳамда Орол денгизи фожиаси муаммоларини счиш масаласини айтдингиз, халқ ҳастини снгиллаштириш учун қабул қилган қатор қарорларингиз мени Сизга минг-минг раҳматлар айтишга ундайди.

Ҳурматли Ислом ака! Хоразмда сўзлаган маърузангизда ср, сув, инсон ҳасти, келажак ҳақидаги фикрларингиз менинг ва ўйлайманки, ҳар бир фуқаронинг юрагига стиб борди.

Сизнинг улуғ бобомиз жаҳонгир Тсмур авлодларига хос бўлган жасурлик ва салтанат билан Россия Думасининг эски Совет Иттифоқини тирилтириш учун қабул қилган ғайриконуний чақириқларига қарши, жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини, порлоқ келажagini, озодлигимизни қўриқлаб айтган сўзларингиз мени жуда тўлқинлантириб юборди. Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз халқнинг дилидаги ҳис-туйғулар билан оҳангдордир. Сизга минг-минг марта раҳматлар бўлсин.

Ҳурматли Ислом ака! Ишимиз туфайли айрим хорижий мамлакатларни кўришга муясар бўлдим. Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати билан (илгари Шереметьево халқаро аэропортига бориб ишга жойлашиш Ўзбекистон фуқаросининг тушига ҳам кирмаган). Сизнинг раҳбарлигингиз остида олиб борилаётган давлат сиёсати жуда тўғри, халқнинг эзгу ниятларини

акс эттирувчи сиёсатдир. Мен ва оила аъзоларимиз Сизни қўллаб-қувватлаймиз.

Сиз олиб бораётган сиёсатни имкони борича одамлар қалбига етказишга ҳаракат қиламан ва жонажон Ватанимиз Ўзбекистонга, Сизга содиқ бўлиб меҳнат қиламан.

*Аҳмаджон ҲРОЗОВ,
"Ўзбекистон ҳаво йўллари"
миллий авиакомпаниясининг
А-310 самолёти учувчиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизни 15 мартда Хоразм вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузангизни зангори экран орқали ҳаяжонланиб тингладим. Россия Федерациясининг пойтахти Москвада бўлаётган ташвишли хабарлар барчамизни ташвишга солиб қўйди. Мен 1975—1985 йилларда партия раҳбар ишларида ишлаганлигим (совхозда партия котиби, сўнг Жиззах туманида етти йил идеология котиби) туфайли СССРнинг ва КПССнинг ташқи ва ички сиёсатини яхши тушунаман. Қуролланиш билан тинчликни сақлаш ғоясига асосланиб бутун дунени қуролланишга мажбур қилганлигини биламан. Шунинг учун ҳам мен Сизга хат йўллаяпман. Сизнинг Ўзбекистон халқига раҳбар бўлишингиз Парвардигорнинг ўзбек халқига кўрсатган иноятидир.

Ватаним озодлиги ва халқим фаровонлиги йўлида ҳастимни тикканман, деган шиорингиз асосида биз ҳам Сизнинг сиёсатингизни амалга оширишда ҳастимизни тикканмиз. Истиқлол, озодлик йўлида энди орқага йўл йўқ. Биз учун бу ор-номусдир. Мен ва мен раҳбарлик қилаёт-

ган мактаб жамоаси Сизнинг олиб бораётган бундай савобли ишларингизни қўллаб-қувватлаймиз ва ксалажаги буюк бўлган озод Ватанимизга соғлом, қўрқмас, меҳнатсевар ва ватанпарвар ешларни тарбиялаймиз, деб Сизни ишонтираимиз.

*Марат ЗОКИРОВ,
Жиззах вилояти халқ таълими
бошқармасига қарашли Зокир Норматов
номли 36-мактаб директори, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган халқ таълими ходими*

Биз Наманган вилоятининг мингдан зиёд банк ходимлари Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги ноқонуний қарорини кескин қоралаймиз. Интеграция ниқоби остида собиқ СССРни қайта тиклаш хомхаёли билан юрган айрим россиялик сисъатдонларга бутун ватанпарвар юртдошларимиз билан баҳамжиҳатликда муносиб зарба беришимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳурматли Президентимиз И. А. Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 1996 йил 16 мартдаги сессиясида халқимиз фикрини ерқин ифодалаб баёнот бердилар. Зеро, ўзимизга мос, ўзимизга хос бўлган қатъий йўлни бундан деярли беш йил аввал танлаб олганмиз.

Коммунистик мафкура табиатан ўзбек анъаналарига ётдир ва бизга четдан сунъий равишда тиқиштирилган ғоядир. Минг шукрки, тарихан жуда қисқа бўлган мустақиллик йилларида ўзлигимизни англадик, унутилаёзган қадриятларимизни тикладик, улуг аждодларимиз орзулари сари йўл тутиб, руҳларини шод қилмоқдамиз. Бугунги кунда улкан иқтисодий потенци-

алга эга бўлган Ўзбекистонимиз халқаро майдонга дадил кириб бориб, кўплаб давлатлар нигоҳини ўзига қаратди. Улар билан ўзаро фойдали ҳамкорликнинг янги-янги уфқлари очилмоқда. Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига жаҳон афкор оммасининг ҳам шубҳаси қолмади. Ҳатто дундаги энг ривожланган давлатлар Ўзбекистон демократик тамойиллар йўлидан кетаётганлигини эътироф этдилар. Ҳозирда жонажон ватанимиз мустақил давлатлар эга бўлиши лозим бўлган барча белгиларга эгадир: 1992 йилдаёқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинган, 170 дан ортиқ мамлакат мустақиллигимизни тан олган. Ўз байроқ, мадҳия, гербига ва миллий пул бирлигига эга. Айниқса, миллий валютамизнинг ички ва ташқи конвертациясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар таҳсинга сазовордир.

Наманган вилояти божхона ходимлари

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ишчи-хизматчилари Сизнинг 1996 йил 16 март куни халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни қизгин маъқуллаб, кутиб олдилар. Биз айтган нутқингиздаги Туямўйин-Урганч сув ишоотининг иккинчи навбати қурилишини битказиш ва вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан тўлиқ таъминлаш, шаҳарлар, туманларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича кўрсатмаларингиздан руҳланиб, бутун имкониятларни ишга солиш чораларини кўрмоқдамиз. Сизнинг Хоразм вилояти халқига қилаётган

ғамхўрлигингиз учун катта миннатдорчилик изҳор қиламиз.

Бирлашмамиз ишчи-хизматчилари Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда собиқ СССРни тиклаш бўйича қабул қилган қарорига мутлақо қарши эканликларини билдирадилар. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустақамлаш йўлидан қайтмаслигимиз учун Сизнинг атрофингизда жипслашамиз. Сизга мустақам соғлиқ, мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнаши йўлида амалга ошираётган ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

*А. АДАМБАЕВ,
бирлашма бошлиғи*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен оддий шифокор сифатида Сизнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқингизни эшитиб, жуда ҳам таъсирландим. Халқимиз соғлиғини мустақамлаш, айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги доимий ғамхўрлигингиз ва буни давлат сиёсати даражасига кўтарганингиз мени ва мен каби барча тиббиёт ходимларини янада баракали ва ҳормайтолмай меҳнат қилишга руҳлантириб юборди. Халқимиз саломатлиги йўлида бор куч ва билимимизни аямай меҳнат қилишга ҳамда бу билан мустақил давлатимизнинг янада мустақам бўлишига ўз улушимизни қўшамиз. Кслажаги буюклиги аниқ бўлган мамлакатимизни бутун дунё тан олган бир пайтда Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклаш тўғ-

рисида қабул қилган қарори мен каби бутун касбдошларимни ғазаблантириб юборди. Ҳурматли Ислон Абдуғанисвич, Сиз бир неча бор таъкидлаганингиздек, Ўзбекистоннинг ўз йўли ва келажаги бор. Тарих гилдираги орқага қайтмайди. Россия Давлат Думасининг ушбу қарори ноқонуний эканлигини бутун дунё сезиб турибди. Биз шифокорлар Сизнинг олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз ҳамда Сизга Ватанимиз равнақи йўлидаги олижаноб ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.

*Маъмура ТОШМАТОВА,
Сурдарё вилояти шифохонаси акушер-гинекологси*

Сурхондарё вилояти фахрийлари Республикамиз Президенти Ислон Абдуғанисвич Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар ва бу нутқларида айтиб ўтилган фикр ва мулоҳазаларини кундалик ишимизда жорий этиб, Хоразм вилоятида кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонлар бизнинг ҳам вилоятимизда учраб туришини ҳисобга олиб, бу камчилик ва нуқсонларни тугатишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Президентимизнинг Россия Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қарорига нисбатан билдирган фикрларини Сурхондарё вилояти фахрийлари тўлиқ маъқуллайдилар ва бу қарорни умуман мустақил давлатлар ҳуқуқларини оёқ ости қилиш, деб биладилар.

Биз, вилоят фахрийлари коммунистик тизимнинг тикланишига қаратилган ҳар қандай

ҳаракатни халқимизга қаратилган душманлик деб тушунамиз ва бу ҳаракатларга қарши курашда бор куч ва ғайратимизни аямаймиз, деб Президентимиз И. А. Каримовни ишонтирамиз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши ва мустақамланиши учун тинмай меҳнат қилаётган Президентимизга мустақам соғлик ва ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

*Рўзи ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилоят фахрийлар
кенгаши раиси*

Муҳтарам Ислом ака!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқингиз бизни мамлакатимиз равнақи учун янада ҳам фидойи ҳаракат қилишга ундамоқда. Қадимий шаҳримизнинг 2500 йиллигини ўтказиш бўйича қарорингиз халқимизнинг кўнглидаги айни муддао бўлди. Шаҳримизда сайёҳликни ривожлантириш, қадимий обидаларни қайта ўз ҳолига келтириш учун катта ишлар бошлаб юборилди. Вилоят кенгаши сессиясида сайёҳликни, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш бўйича айтган қимматли фикрларингизни бскаму кўст амалга оширишга киришдик.

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарорига нисбатан Сизнинг муносабатингизни маъқуллаймиз.

*Б. ҲУСАИНОВ,
Хева сайр ва саёҳатлар
бюроси раҳбари*

Ҳурматли Ислом ака!

Сизни яқинда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган сермазмун нутқингизни мароқ билан тингладим, ҳар бир айтган қалб сўзингиз фақат хоразмликларни эмас, балки республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг қалбини тўлқинлантириб, ўз ишига сидқидилдан ёндашишга даъват қилди. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги муаммоларни бартараф этиш, дон, пахта ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш, сифатини жаҳон андозаси талаблари даражасига стказиш ҳақидаги маслаҳатингиз биз, фарғоналикларни, туманимиз, жамоа хўжалигимиз, бригадамиз меҳнат аҳлини ўз ишларида туб бурилиш ясашга ундади. Сизни Россия Президенти Б. Ельцин номига йўллаган мактубингизни жамоамиз тўла қўллаб-қувватлайди. Сизга юртимизнинг янада равнақ топиши ва мустақиллик йўлида собитқадам ташлаб боравриши учун олиб бораётган одилона ва тўғри сиёсатингизни давом эттиришингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

И.ЭРГАШЕВА.

*Фарғона вилояти Бувайда тумани
"Дўстлик" жамоа хўжалиги
пахтачилик бригадасининг бошлиғи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган маърузангиз биз Ўзбекистон тумани алоқачиларида чуқур таассурот қолдирди. Сизнинг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш, ўзбек халқини жаҳонга танитиш, халқлар ўртасида осойишта-

лик, дўстлик, биродарликни ўрнатишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларингизни биз, алоқачилар қўллаб-қувватлаймиз. Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган маърузангизда басн этилган кўрсатмалар бизга келажакдаги ишларимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилишини зўр мамнуният билан изҳор этамиз.

Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич, мамлакатимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда омад, Яратганнинг ўзидан кечасию кундузи Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

*Набижон БОЗОРОВ,
Ўзбекистон тумани почта
алоқа хизмати ходими*

"Ўзнефтниқайтаишлаш" ДИБ Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводининг кўп миллатли жамоаси Сизни Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингизда айтган фикрларингизни қўллаб-қувватлаймиз. Ҳа, орқага йўл йўқ! Мустақил Ўзбекистон бу бизнинг буюк келажакимиздир, деган шиорга ишонамиз. Сессияда билдирган фикрларингиздан келиб чиқадиган вази-фаларни заводимиз жамоаси яқдиллик билан амалга оширишга киришди. Сизга соғлиқ-саломатлик, буюк келажак йўлидаги ишларингизда омад тилаймиз.

*Владимир ИВАНОВ,
Фарғона вилояти Олтиариқ тумани
нефтни қайта ишлаш заводи директори
Одилжон ТУРГУНБОЕВ,
қасаба уюшмаси раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Хевадаги "Сугдиёна" хусусий фирмаси аҳли Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган сермазмун нутқингизни зўр ҳаяжон ва катта қизиқиш билан эшитдик. Нутқингизда илгари сурилган қимматли фикр-мулоҳазаларни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Мустақилликка эришганимиздан бундан шунга амин бўляпмизки, қайси юрт, қайси халқ эркин экан, бу энг олий нсъматдир. Нутқингизда таъкидлаганингиздек, мулкдор синфнинг шаклланиши келажагимиз пойдевори эканлигини корхонамиз мисолида яққол сезиб турибмиз.

Сизнинг Россия Давлат Думасида кўриб чиқилган масала бўйича айтган фикрларингиз бизни мустақилликни янада мустаҳкамлашга, миллий гуруримизни янада оширишга даъват этади. Бошимиз узра эркинлик нашидаси сузаётган бир пайтда бу бақироқлар нимани шаъма қилаётганликларини чуқур англаб турибмиз. Халқимиз ибораси билан айтганда, ит ҳуради — карвон ўтади. Биз Сиз бошлаган карвон билан буюк келажак сари олға интилаверамиз.

*Ш. НУРМЕТОВ,
"Сугдиёна" хусусий фирмаси раҳбари*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен авваламбор Сизни, Наврўз — умумхалқ байрами билан қизилтепаликлар номидан чин қалбимдан табриклайман. Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингиз қизилтепаликларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Сиз томонингиздан халқ таълими, маиший хизмат ва бошқа соҳалар

бўйича белгилаб берилган вазифалар биз учун дастуриламал бўлади. Ҳозирги пайтда туманимизнинг барча халқи ана шу вазифаларни бажариш учун бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Ҳурматли Ислон Абдуғанисвич! Шу кечаю кундузда туманимизнинг барча маҳаллаларида, гузарларида, ташкилот, корхона, муассасаларида Наврўз тантаналари шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Бу республикаимиз мустақиллиги натижасидир. Халқимиз мустақиллигимизга юксак ишонч билан қарамоқдалар. Россияда бўлаётган воқеалар бизни ҳам ташвишга солмоқда, Россия Давлат Думаси томонидан собиқ СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги уринишларни туманимиз халқи қораламоқда. Ушбу хусусда Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни ҳамда Россия Президенти Б. Ельцин номига юборган баёотномангизни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар. Қизилтепа тумани аҳли Сизга қаттиқ ишонади. Сиз олиб бораётган сиёсатни тўлиқ маъқуллаб, республикаимиз мустақиллиги учун бор кучларини аямайдилар.

Сизга Республикаимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизда муваффақиятлар, ўзингизга соғлиқ тилайман.

*Зинатилло ИСОҚОВ,
Наврий вилояти Қизилтепа тумани
"Бухоро" мактаби ўқитувачиси*

Муҳтарам Ислон Абдуғанисвич!

Сизни халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқингизни диққат-эътибор билан кузатиб бордик. Сессияда кўтарилган масалалар, хусусан, юртимизда тadbиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, кичик

корхоналар, қўшма корхоналар барпо қилиш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, чет эл сармояларини олиб келинишига имконият яратиш борасида айтган фикрларингиз бизнинг руҳимизни кўтарди, олиб бораётган ишимизга нисбатан янада ишончимизни мустаҳкамлади. Куни кеча эса Россия Федерацияси Давлат Думаси собиқ иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги сафсаталарига нисбатан билдирган муносабатда ҳам юртимизни — Ўзбекистонимизни ўз йўли борлиги, ҳар қандай сафсаталар, чалғитишлар мустақиллик деган ибора олдида бир пул эканлигини яна бир карра чуқур ҳис қилдик. Дарҳақиқат, мустақилликни кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Уни ҳеч қандай куч ортга қайтара олмаслиги учун ҳар биримиз фидойилик билан ишлашимиз лозим. Биз қувалик тадбиркорлар Республика раҳбариятининг олиб бораётган ислоҳотларини яқдиллик билан қўллаб қувватлаймиз. Мақсадимиз Ўзбекистонимизни келажакда ривожланган давлатлар қаторида, дунё ҳамжамиятида муносиб ўринда кўриш.

*Қувалик тадбиркорлар номидан
Турсунали ХУЖАЕВ*

Ш. Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти ишчи ва хизматчилари Сизнинг Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқингизни қизиқиш билан тинглади, айниқса, Россия Думаси коммунистларининг чиқарган қарорига нисбатан билдирган фикрингиз айни кўнгилдаги гап бўлди. Россия коммунистларининг қарорига қатъиян норозилигимизни билдирамиз, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида дадил ҳаракат қилавсрамиз. Ҳурматли И. А. Ка-

римов, Сизни баҳор ва тинчлик байрами — Наврӯз билан чин дилдан қутлаймиз, мустақил-лигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона ишларингизга омад тилаймиз.

*Ш. Рашидов номли Шўрчи дон маҳсулотлари
ҳиссадорлик жамияти жамоаси номидан
Омон ЧОТОВ*

Ҳурматли Ислом Каримов!

Мустақиллик эълон қилингандан буён Сиз бошлиқ республика ҳукумати олиб бораётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар биз дехқонлар учун ҳам ишимизда туб бурилиш ясади. Ерга ҳақиқий эгаллик ҳисси янада мустаҳкамланди, олинадиган ҳосилимиздан манфаатдорлик ортди. Куни кеча халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни ҳам биз зўр қизиқиш билан тингладик. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дехқонларга ишлаш учун шарт-шароит яратиш, ғамхўрликни кучайтириш ҳақида айтган қимматли фикрларингиз беқиёс аҳамиятга эгадир. Бугун комил ишонч билан айтишим мумкинки, Сизнинг дехқон тўқ бўлса, республика бадавлат бўлади, — деб айтган сўзларингиз ўз исботини топиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилаймиз, мустақиллик асрлар давомида орзу қилиниб қўлга киритилган энг буюк бойлигимиз. Уни янада мустаҳкамлаш учун ҳисса қўшишни ҳар бир фуқаро ватанпарварлик бурчи деб билиши керак. Биз бободехқонлар ер билан тиллашамиз, мана шу тупроқ ҳаммамиз учун муқаддас ватандир. Уни гуллаб-яшнатиш, келажак авлодлар

учун озод ва обод дийрга айлантириш учун бор кучимизни сарф қилаверамиз.

*Мўминахон ҲОТАМОВА,
Қува туманидаги Раҳматова номли
жамоа хўжалиги
пахтачилик бригадаси бошлиги*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиз миллионлаб республикамиз меҳнат аҳли қатори Фарғона шаҳар маорифчиларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Жуда кўп соҳалар қатори халқ таълимига эътиборингиз, қўйиластган вазифалар ходимларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Сизнинг раҳбарлигингизда олиб бориластган ҳукуматимизнинг оқилона сиёсати туфайли мустақил юртимизда ўтган беш йил давомида оламшумул ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон халқлари тинчлик, осойишталик, барқарорлик шароитида эртанги кунга зўр ишонч ва умид туйғулари билан яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Сизнинг ойнаи жаҳон орқали Россия Давлат Думаси қарорига билдирган муносабатларингизни биз, фарғоналик зиёкорлар чуқур мамнуният билан кутиб олдик. Бизнинг Россия Давлат Думасининг ғайриқонуний қарорига жавобимиз қатъий: ўз келажагини, ўз истиқбол йўлини белгилаб олган суверен, мустақил Ўзбекистонни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек нуфузли халқаро ташкилот, юздан ортиқ давлатлар тан олган, у улкан имкониятлар мамлакати, қолаверса, биз ўз йўлимизни танлаб олганмиз, бу йўл халқимиз иродаси, инонихтиёри билан танланган йўлдир.

Россия Давлат Думасидаги "сиссатдон"ларнинг ушбу қарори мустақил Ўзбекистон давлати ҳамда халқининг ҳақли газаби ва эътирозига сабаб бўлиб ўз моҳияти билан юртимиздаги тинчлигимизни, ютуқларимизни кўра олмасликдан бошқа нарса эмас.

Биз фарғоналик маорифчилар элимиз, юртимиз тараққияти йўлида бундан буси ҳам ҳормай-толмай меҳнат қиламиз, деб Сизни ишонтираман.

*Мақсудахон ШОДМОНОВА,
1-ўрта мактаб она тили ва адабиёт
ўқитувчиси, республика халқ ўқитувчиси*

*Владимир НЕУСТРУЕВ,
13-ўрта мактаб жисмоний тарбия
ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси*

*Тўлқиной ТЕШАБОВА,
15-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат*

*кўрсатган ишлар мураббийси
Зумрадхон РАҲМОНОВА
19-ўрта мактаб тарбиявий ишлар бўйича
директор ўринбосари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
ишлар мураббийси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Наманган вилояти халқ таълими ходимлари Сизнинг Хоразм вилояти халқ ноиблари III сессиясида сўзлаган нутқингизни зўр қизиқиш билан ўрганиб, кўтарилган масалаларнинг долзарблигини англаган ҳолда қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўз навбатида Россия Федерацияси Давлат Думаси қабул қилган қарорнинг асоссиз эканлиги ҳақида ўзларининг муносабатларини билдирмоқдалар. Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни, Ўзбекистон ўз танлаган йўлидан асло чекинмаслигини ҳар бир фуқаро

дил-дилидан ҳис этишлари юзасидан кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз.

Шиоримиз қатъий: "тарих ғилдираги ортга айланмайди!" Биз мустақил Ўзбекистонимизнинг бугунги йўли одил ва фаровон келажакка элтувчи йўл эканлигига ишонамиз. Сизни улуг айём — Наврўзи олам билан табриклар, Ўзбекистонни гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлидаги ҳаракатларингизда ривож, ўзингизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва узоқ умр тилаймиз.

*Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти
халқ таълими бошқармаси бошлиғи*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Чортоқ шаҳар Собир Раҳимов номли маҳалла аҳли Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 3-сессиясида сўзлаган нутқингизни ҳамда бу нутқингиздаги Россия Федерацияси Давлат Думаси томонидан Беловеж битимини бекор қилиш юзасидан қабул қилган қарори бўйича билдирган фикрларингиз билан матбуот орқали батафсил танишиб чиқдик. Сизнинг раҳбарлигингизда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар яқин келажакда ўзининг самарасини беришига ишончимиз комил. Шу боис ҳам маҳалламиз аҳли Сиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни яқдиллик билан қўллаб-қувватлайди. "Бизнинг йўлимиз — мустақиллик йўлидир" деган даъватингиз келажакимиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Юртимиздаги тинчлик, барқарорлик учун Сизга миннатдорлик билдирамиз.

*И. КАРИМЖОНОВ,
Чортоқ шаҳар Собир Раҳимов номли
маҳалла фуқаролар йиғини раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва оила аъзоларингизни баҳор байрами — Наврӯзи олам билан чин қалбдан самимий табриклаймиз ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустақкамлаш, уни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш борасида қилаётган ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган сермазмун нутқингиз жамоамиз меҳнаткашлари томонидан катта қизиқиш ва кўтаринки руҳ билан кутиб олинди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Кунини кеча хўжалигимиз маҳаллалари ва туманимизда бўлиб ўтган Наврӯз тантаналарида ҳам кексаю ёш Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда қабул қилинган собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорини қаттиқ қораладилар.

Хўжалигимиз меҳнаткашлари Сиз ва республика ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўлиқ маъқуллаб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги учун бутун кучини, билимини ва меҳнатини аямайди, деб ишонтиради.

*У. БОБОМУРОДОВ,
Ангор туман, "Талимаржон"
жамоа хўжалиги бошқаруви раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Хўжалигимиз меҳнаткашлари Россия Федерацияси Давлат Думасининг Белоруссиядаги Беловежъда Россия, Украина ва Белоруссия давлатлари раҳбарлари ўртасида СССР таркибидан чиқиш ҳақидаги 1991 йилдаги келишувларини денонсация (бескор қилиш) тўғрисида чиқарган

қарорини нафрат ва ғазаб билан кутиб олдилар. Бу Россиядаги ўтмишга қайтишга уринаётган, буюк империя давридаги буйруқбозлик, тазйиқ ўтказиш сиесатини қўмсаётган айрим кучлар ва бир тўда ғаламисларнинг кирдикорларидан бошқа нарса эмас. Бу кучларга СССР тарқаб кетганидан кейинги вазият, мустақиллик йўлига кирган суверен давлатларга аввалгидек ҳукмронлик қилишдан маҳрум бўлганликлари тинчлик бермаётганга ўхшайди. Айниқса, бизнинг мамлакатимиздаги осойишталик, яратувчилик ва меҳнат мароми, халқимиз ўртасидаги аҳиллик ва тотувлик, турли миллатлар халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик, мамлакат раҳбариятининг Президент бошчилигида олиб борастган одилona ва узоқни кўра билувчи ташқи ҳамда ички сиссати, бозор иқтисодиети қийинчиликлари шароитида аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, энг муҳими, давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси кундан-кунга ошиб бораётганлиги уларга ёқмаяпти. Шу муносабат билан биз Сизнинг бутун ўзбек халқи номидан ушбу сурбетларча чиқарилган қарорга муносабатингизни чуқур қониқиш ва хурсандлик билан эшитдик ва тингладик. Биз мамлакатимизга кейинги беш йилда миллий қадриятларимиз тикланаётганлиги, буюк соҳибқирон Амир Темури, Нақшбандий, Яссавий, Нажмиддин Кубро сингари улуғ алломаларимизни қайтадан таниётганимиз, халқимизнинг ўз яратувчилик меҳнатлари нсъматларига ўзимиз эга бўлишга шароит яратиб бераётганлари учун мамлакатимиз раҳбариятига чексиз миннатдорчилик изҳор қиламиз. Шу билан бирга энди буюк империячилик, буйруқбозлик даврига қайтиш, бошқа халқлар номидан гапириш ҳақида орзу қилаётган қора кучларга жавобимиз шуки, эрксевар ва

тинчликсевар узбек халқи ҳсч қачон қуллик ва мутелик даврига қайтишни истамайди. Биз мамлакатимиз мустақиллигини таъминлаш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз, деб Сизни ишонтирамиз. Сизнинг ўтмишга қайтадиган кўприклар бузилган, дсган доно гапингизни батамом қўллаб-қувватлаймиз. Ортга, истибдод даврига қайтиш йўқ.

*Б. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Шўрчи туманидаги
Охунбобоев номли
жамоа хўжалиги бошқаруви раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки, Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон ўз йўлини дадил топиб олди. Халқаро майдонда юзлаб дўстларимиз, ҳамкорларимиз бор. Ривожланган мамлакатлар Ўзбекистоннинг ўзига хос, ишончли, пухта ўйланган тамойиллар йўлидан кетаётганлигини тан олмоқдалар ва шу боис бизга ишонмоқдалар.

Сиз Хоразм вилояти кенгаши сессиясида халқаро ҳамкорлик ҳақида сўзлаганингизда ана шу ишончли ҳамкорлар, бизга нигоҳини самимийлик билан қаратаётган халқаро ташкилотларни назарда тутдингиз.

Мустақиллик йўлида ҳушёр бўлишимиз заруратини эса бугун ҳис этиб турибмиз. Россиялик империяпарастларнинг янги ҳаракатлари, айтиш мумкинки, шум ниятлари ҳаммани ташвишга солди. Думачилар хаёлпарастлик, лақмаликда Россиянинг аввалги парламентида ҳам ошиб тушдилар. Коммунистик гоюларга қайтиш, СССРни қайта тиклаш гўё уларнинг истаги билангина амалга ошармиш!

"Чучварани хом санабсизлар, жаноблар! Ҳамдўстликдаги мустақил давлатларнинг энди ўз йўли бор! Жумладан, Россиянинг ҳам! Бир-биримизга халақит қилмайлик. Жаҳон ҳамжамияти ҳар биримизнинг ўзимизга хос давлатчилик қонун-қоидаларимиз, миллатимиз, байрогимиз, тамғамиз, мадҳиямиз, тилимиз, дилимиз орқали тан олган экан, ўзаро ҳурматни сақлайлик. Кўҳна тарих ёмонликни ҳеч қачон кечирмайди,"— деган сўзларни бугун мустақил диёримизнинг ҳар бир жонкуяри айтиши турган гап.

Андижон вилояти фахрийлари Россия Думасининг қарори юзасидан Сиз томонингиздан берилган баёнотни қизгин маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Мустақилликни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлидаги ҳар қандай вазифани бажаришга биз ҳамиша тайёрмиз.

*Турсуной КАРИМОВА,
Пўлат ҚАЙУМОВ,
Узоқбой САРИМСОҚОВ,
Раҳмиддин ДАМИНОВ,
Андижон вилояти фахрийлари*

Денов автобус-таксомотор корхонаси жамоаси Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида Россия Давлат Думасининг коммунистик тизимни тиклаш билан боғлиқ бўлган қарорига нисбатан билдирган фикрларини корхонамиз жамоаси ҳаяжон билан кутиб олдилар. Корхонамизнинг бутун жамоаси коммунистик тизимни тиклашга бўлган ҳар қандай ҳаракатларга қарши кураш олиб борадилар. Мустақиллик ҳар биримизга миллат гурурини, тил эркинлигини ва озод меҳнат кафолатини берди. Шунинг учун

ҳам биз коммунистик ғояларга ва унинг ҳар қандай кўринишига қарши курашамиз.

Президентимиз Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида вилоятдаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида билдирган фикрларини ўзимизда татбиқ этиб, йўл қўяётган хато ва камчиликларимизни таҳлил этиб, бу камчиликларни тугатиш чораларини кўрамиз. Меҳнат жамоамиз ҳозирги пайтда аҳолига автомобиль хизмати кўрсатишда белгиланган барча режаларни ортиғи билан адо этмоқда. Шу йилнинг икки ойи давомида 8 та янги автобус маршрутлари ташкил этиб аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнат жамоамиз номидан Президентимиз И. А. Каримовни ва Ҳукуматимиз аъзоларини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклайдилар ва мустақкам соғлиқ тилайдилар.

К. САПИЕВ,

*Денов автобус таксомотор корхонаси раҳбари,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати*

Урганч шаҳар "МАЯК" ҳиссадорлик жамияти Сизнинг халқ депутатлари кенгаши Хоразм вилояти учинчи сессиясида сўзлаган нутқингизни чуқур ўрганиб чиқди ва тўғри деб маъқуллади. Бугунги кунда республикаимизда тинч ва осойишта меҳнат қилиш учун ҳамма шароитлар етарли бўлган бир пайтда саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмасликни кечириб бўлмас бир ҳол деб биламиз. Бизнинг жамоамиз Сизнинг олиб бораётган одилona ички ва ташқи сиёсатингизни қўллаб-қувватлайди, республикаимизда ва вилоятимизда саноатни ривожланти-

риш учун ўзининг бутун имкониятидан фойдаланади.

Россия Думасининг собиқ иттифоқни тиклаш тўғрисидаги қарорини қаттиқ қоралаймиз ва барча мустақил давлатлар учун ҳурматсизлик деб биламиз. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ўз куч-қувватимизни аямасдан сарфлаймиз.

*Ш. И. СОБИРОВ,
"МАЯК" ҳиссадорлик жамияти
жамоаси бошқаруви раиси*

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида жуда кўп ҳастий масалалар ҳақида тўғри фикр-мулоҳазалар юритилди. Ана шу гаплар қаторида ҳурматли Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг қишлоқда фермерлик ҳаракати, унинг истиқболи, муаммолари ҳақида айтган гаплари биз фермерлар юрагига далда бўлди.

Мен қишлоқда иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг муҳим кўринишларидан бири бўлган фермерчилик ҳаракатининг вакиллари-данман. 1994 йилда ихтиёримдаги 8 гектар ердан унумли фойдаланиб, 61 бош қорамол ва 50 бош қўй-эчкини яхши парваришлаб, улардан 5,5 тонна гўшт, 85 тонна сут олган эдим. Ўтган йили хўжалик раҳбарлари ва туманимиз ҳокимлигининг ёрдамлари билан экин майдонимиз 16,5 гектарга етказилди. Қорамолимиз 85 бошга етди, қўй-эчкиларимиз ҳам кўпайди. Бунинг натижасида гўшт ишлаб чиқариш олдинги йилга нисбатан 9,5 тоннага, сут ишлаб чиқариш 7 тоннага ўсди.

Кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари ҳозирги даврда қишлоқда маъмурчилик манбаи сифатида муҳим роль ўйнамоқда. Президентимиз ана шу масалага старли эътибор бермаётган раҳбарларни тўғри койидилар. Ўйлайманки, жойлардаги мутасадди биродарларимиз бундан тегишли хулоса чиқарадилар.

Шу кунларда ҳамманинг диққат-эътиборини тортган яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман.

Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарори ва мурожаатномасини яна эски тоталитар тузумни қайта тиклашга интилиш, халқни маънавий қашшоқликка маҳкум этиш, деб тушунамиз. Яна кияр кийимимиз рангини, қурадиган биноларимизнинг пулини Москвадан сўрашимиз керакми? Россиядан бошқа республикаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чегараланиши кимга керак бўлиб қолди? Бу, эски коммунистик тизим тарафдорларининг мақсади бўлиб, уларни Ўзбекистоннинг янги — порлоқ йўлини кўра олмаётган кишилар, деб баҳолаш ўринли бўлади.

Ота-боболаримизда шериклик ош пишмайди, деган нақл бор. Биз ифвогарона гапларга учмаймиз. Россиядаги бетартибликлар, рекет ва мафиянинг муштумзўрликлари бизга оқиб киришига мутлақо қаршиман.

*Комилжон СОДИҚОВ,
Қўрғонтепа туманидаги "Аваз" фермер
хўжалигининг раҳбари*

Телевидение орқали халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқни тинглаб ўтириб, тўлқинла-

ниб кетдим. Ўзбеклар учун, нафақат ўзбеклар, балки Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат ва элат учун куюнчак, керак бўлса жонини тикишга тайёр бўлган юртбошимиз борлигидан яна бир бор фахр-ифтихорга тўлдим. Минг марта раҳмат Президентимизга.

Халқ саломатлиги хусусида сессияда айтган сўзлари инсонпарварликнинг ёрқин намунасидир. Бу гаплар марказ учун ҳам, минтақалар учун ҳам тегишли, албатта. Аммо қийинчиликлардан қўрқмай, иқтисодий-ижтимоий масалаларни тадбиркорлик билан сачётган раҳбарларимиз ҳам жуда кўп.

Бу галги Наврўз вилоят тиббиёти учун анча янгиликларга бой бўляпти. Қорасув шаҳри, Жалолқудуқ туманларида янги шифохоналар деярли битди. Кунин кеча Андижон шаҳри кўчаларида бирданига 8 та яп-янги "Тез ёрдам" машинаси хизматга чиқди. Яна бир муҳим масала — вилоятдаги 150 га яқин бадавлат ташкилот, хўжаликлар Наврўз муносабати билан ўз оталиқларидаги шифохоналарга ёрдам қўлини чўздилар. Ҳимматлари учун раҳмат!

Буларнинг барчаси янги тузум, мустақиллик туфайлигина эканлигини ҳаммамиз, ҳар биримиз чуқур англашимиз керак. Афсуски, Россия томонидан шу кунларда эшитилаётган мудҳиш шарпа ўзининг ўта машъумлиги билан дилимизни вайрон қилмоқда. Россия Думасидаги сиёсатдонлар СССРни қайта тикламоқчи бўляптилар. Қандай кулгили ҳолат!

Бунга жавобан муҳтарам Президентимиз берган баёнот йигирма икки миллион кишилик мустақил Ўзбекистоннинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Биз уни тўла маъқуллаймиз ва

қўллаб-қувватлаймиз! Ўзбекистон энди ўз йўлини топди. Орқага қайтиш йўқ!

*Маъсумахон СОДИҚОВА,
Андижон шаҳридаги болалар клиник
шифохонасининг бош врач*

Президентимиз Ислам Каримов сўзлаган нутқларидан бирида энди орқага қайтиш йўқ, деган жуда тўғри фикрни баён этганди. Бугунги кунда ана шу сўзларнинг тўла маъносини янада кенгроқ тушуниб, мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган тарихан жуда қисқа даврни таҳлил этиб, ортга қайтиш мумкин эмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Россияда бўластган воқсалар собиқ СССРни қўмсаётган, ўзлари учун мансаб лавозимларини эгаллаш мақсадида бўлган бир гуруҳ кишиларнинг жиззаки ҳаракатлари, холос. Бунга бефарқ қараб бўлмайди. Негаки, бу — бузғунчиликдан, халқлар ўртасига нифоқ солишдан бошқа нарса эмас.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонимиз иқтисодий ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий ривожланиш борасида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашидаги нутқида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиб, ҳар қандай ғаламислик ҳаракатларига барҳам бериш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида қатъийлик ва матонат билан дадил олға бориш кераклигини таъкидлади.

Бу фикрларни институтимиз олимлари, барча ўқитувчи ва талабалари яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Негаки, жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгандан сўнг қўлга киритаётган оламшумул ютуқлар республикаимиз ҳар бир фуқаросини қувонтирмоқда.

Демак, Президентимиз айтганидек, бизда ортга қайтиш йўқ. Ишонаманки, вилоятимиз барча олиму талабаларининг фикри яқдил. У ҳам бўлса мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, республикаимизни жаҳоннинг ҳар соҳада тараққий этган илғор давлатлари қаторига олиб чиқиш. Бу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилавсрамиз.

*Абдулазиз СОВВОЛДИЕВ,
Лиджон муҳандислик ва иқтисодиёт
институтини ректори вазифасини бажарувчи*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг Урганчда сўзлаган сўзларин ва сермазмун нутқингиз вилоят аҳлида катта таассурот қолдирди. Вилоятдаги табиат жонкуярлари ҳам нутқингизда баён қилинган барча фикр-мулоҳазаларингизни тўла-тўқис қўллаб-қувватлайдилар.

Биз Сизнинг Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалга ошираётган улкан ишларингизни юксак қадрлаймиз. Сизнинг оталарча ғамхўрлигингиз билан бу фожа оқибатларининг тугатилишига ва воҳамизнинг гуллаб-яшнашига ишончимиз комил.

Сиз амалий ишларингиз билан барча раҳбарларга ўрнак кўрсатмоқдасиз, биз ҳам Сизнинг қимматли маслаҳатларингиздан ўзимизга хулоса чиқариб оламиз.

Ҳаққоний тан олишимиз керакки, ҳали ўз кучимиз билан амалга оширса бўладиган ишлар вилоятда жуда кўп. Халқимизнинг руҳи баланд, бу эса ютуқларимизнинг асосий таянчи ва гаровидир.

Сизни, ҳурматли Ислоҳ ака, Наврўз байрами билан чин дилдан қутлаб, буюк Ўзбекистон давлатини барпо этишдек серқирра, оламшумул фаолиятингизда муваффақиятлар ва Сизга мустақам соғлиқ-саломатлик тилаймиз.

*Р. ТОҲИРОВ,
Хоразм вилояти табиатни муҳофаза қилиш
қўмитаси раиси*

Ҳурматли Ислоҳ Абдуғаниевич!

Хоразм вилоятининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқингизда аҳолининг, айниқса, вилоятимиз оналари ва болалари саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида катта эътибор қилиб, тоза ичимлик суви билан таъминланиши учун завод қурилишига ердан беришни ўз зиммангизга олганингиз бизни беҳад қувонтирди.

Шунингдек, нутқингизда зикр этилган келажак авлодимизни — ёш болаларни тарбиялаш учун болалар боғчаларининг, мактабларнинг вазибалари ҳақида гапириб, халқ таълими соҳасига кўрсатаётган эътиборингиз мураббий, халқ ўқитувчиси сифатида мени ғайрат-шижоатимни жўштириб юборди. Хоразм вилоятининг келажаги — фарзандлари камолига кўрсатаётган катта эътиборингиз учун Сизга катта миннатдорчилик билдирамиз.

Нутқингизда Россия Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни тиклаш ҳақидаги қарори тўғрисида

билдирган фикрларингиздан бу ачинарли ҳолат эканини чуқур англадим. Мен нутқингизда айтиб ўтилган "Мустақил Ўзбекистоннинг йўли битта, у ҳам бўлса туб ислохотларни амалга оширадиган йўл" — деган фикрларингизни қўллаб-қувватлаб, Россия Думасининг ночорликдан шундай қадам қўяётганлигини фаҳмладим. Хоразмлик элдошларимни демократик жамиятни барпо этиш йўлидан орқага қайтмасдан, барча мамлакатлар қатори тенг ҳуқуқли мустақил Ўзбекистон фуқароси эканлигимиздан мағрурланишга, Республика ҳукуматининг олиб бораётган сиёсатини қўллаб-қувватлашга чақираман.

М. ЕҚУБОВА,

*Халқ ўқитувчиси, меҳнат фахрийси,
Хоразм вилояти*

Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич Каримов!

Сизнинг Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқингиз Хоразм халқига, заҳматкаш деҳқонларнинг меҳнатига берган юксак баҳонгиз бизни чексиз тўлқинлантирди.

Мустақиллик шарофати билан Сизнинг раҳбарлигингизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсатига айлантирилди.

Оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Болали оилалар кучли ижтимоий ҳимояланди, моддий таъминот яшиланди.

Хоразм воҳасининг экологик ҳолатини яхшилаш, тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш, деҳқонлар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳақидаги таклифларингиз, биз хоразмлик деҳқонларга янада куч ва ғайрат бағишлади.

Собиқ Иттифоқ даврида тортган азобларимиз, халқимиз бошига тушган кулфатлар ҳали ёдимиздан кетгани йўқ. Хотин-қизларимиз қо-

ғозда тенг ҳуқуқлию амалда камситилди. Оғир меҳнат остида эзилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга эътибор берилмади.

Шунинг учун ҳам Россия Думасининг собиқ Иттифоқни тиклаш ҳақидаги қарори бизни ниҳоятда ачинтирди ва қаттиқ ташвишга солди.

Биз ўтмишга қайтиш йўқ деб қатъий айта-миз. Ўзимизнинг унумли меҳнатимиз билан мустақилликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиламиз.

*Гулсара КАРИМОВА,
Янгибозор тумани 1-сон лицей ошпази*

Республика "Олима аёллар" уюшмасининг Наманган вилоят бўлими уюшмаси аъзолари, вилоятда фаолият кўрсатаётган барча олима аёллар Россия Давлат Думасидаги айрим сиёсатдонларнинг собиқ Иттифоқни тиклаш каби мантиқсиз ғояларини кескин қоралайдилар.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси қисқа муддат ичида жаҳонга танилди, ўз йўлини танлаб олди, ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари дадил қадамлар билан бормоқдаки, бизнинг бу ютуқларимиз, кундан-кунга ортиб бораётган обрў-эътиборимиз, табиий ва миллий бойликларимизнинг салмоғи марказдан туриб буйруқ беришга одатланган аввалги мавқеларини йўқотган, тарих ғилдирагини орқага айлантиришга беҳуда куч сарфлаётган Г. Зюганов ва унинг сафдошларини, чамаси, анчагина ташвишга солиб қўйганга ўхшайди.

Доно халқимиз, кундан-кунга эъзоз қилинаётган оналар, аёллар ва шу жумладан, олимлар мустақиллигимизни поймол қилишга беҳуда уринаётган ҳар қандай ёвуз кучларга қарши

турадилар. Республика раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни ҳамиша қўллаб-қувватлашда камарбаста эканликларини билдирадилар.

*К. Б. ИПОМОВА,
“Олима аёллар” Республика уюшмасининг
Наманган вилояти бўлими уюшмаси раиси,
тиббиёт фанлари номзоди*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Фарғона вилояти меҳнаткашларининг вакиллари бўлмиш агросаноат мажмуи, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, саноат корхоналари, фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари раҳбарлари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этган йиғилишнинг барча қатнашчилари фикрини ифода этган ҳолда Сизга ушбу очиқ хатни йўллашга қарор қилдик.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Аввало, шуни чуқур қониқиш билан маълум қиламизки, Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида қилган сермазмун, даъваткор маърузангиз Фарғона вилоятининг барча меҳнаткашларида чуқур таассурот қолдирди. Бу маърузадаги ҳар бир суз Сиз мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, эл-юрт фаровонлигини юксалтириш, жонажон Ўзбекистонимизни қисқа муддатларда жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш борасидаги орзу-умидларингиз, саъй-ҳаракатларингизнинг яққол ифодаси бўлди.

Айни пайтда маърузада мустақил диёримиз халқ хўжалигини, маънавиятини янада тараққий топтириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳот-

ларни эл-юрт фаровонлиги манфаатлари йўлида хизмат қилдириш бўйича берган йўл-йўриқларингизни биз ўзимиз учун дастуриламал деб биламиз.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Россия Давлат Думаси томонидан собиқ СССРни тиклаш тўғрисида кўр-кўрона қабул қилинган қарорнинг ноқонунийлиги ҳақида айтган фикрларингиз қалбларимиздан отилиб чиққан нидодек янгради. Биз Россия Давлат Думасидаги корчалон сиёсатдонлар ишини қатъий қоралаймиз. Уларнинг бу хатти-ҳаракатларини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг ички ишига аралашиб деб баҳолаймиз. Биз Сиз таъкидлаганингиздек, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон қайтмаймиз. Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган машаққатли, лекин олижаноб, тарихий ишларингизда Сизга камарбаста бўламиз. Халқимизнинг асрий орузармонларини рўёбга чиқаришда Сизга ҳамиша мададкормиз.

Биз яқин ўтмиш қизил империяси мустамлақчилигини қўмсаётганларнинг шум ниятларини астойдил қоралаймиз. Улар мустақил тараққиёт йўлидан бораётган давлатлар халқларини чалғитмоқчи, ўзаро жанжаллар оловини эсмоқчи бўляптилар.

Сизнинг Хоразм вилоятида Россия Давлат Думаси қабул қилган ноқонуний қарорга нисбатан билдирган кескин фикрларингиз қалбларимиздаги мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бўлган ишончни янада оширди. Биз табарруқ истиқлолимизни қаттиқ туриб ҳимоя қиламиз. Сиз ҳақли равишда таъкидлаганингиздек "Биз тўғри йўлдан хестяпмиз, энди орқага қайтиш йўқ".

*Фаргона вилояти меҳнаткашлари
вакилларининг йиғилиши аҳли*

Талимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси қурувчилари, барча меҳнат жамоаси Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда қабул қилган собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорини муҳокамага лойиҳ эмас деб ҳисоблаймиз. Биз Республика-миз Президентининг мамлакатимиз мустақил-лигини мустаҳкамлаш, иқтисодий, сиёсий, иж-тимий ислоҳотлар, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлини яқдиллик билан маъқул-лаймиз. Мустақиллик йўлидан орқага қайтиш йўқ.

*А. БОЗОРОВ,
Талимаржон ГРЭСи қурилиши
бошқармаси бошлиги,
А. ЖУМАЕВ,
касаба уюшмаси қўмитаси раиси*

"Асбобсоз" ОТХЖ жамоаси Россия Федера-цияси Давлат Думасининг 1991 йил 8 декабрь Беловсж битимини бскор қилиш тўғрисидаги қарорига қатъиян қарши чиқади. Бу қарор Ўзбекистон Республикаси манфаатларига қўпол равишда зиён етказди.

Президентимиз Ислон Каримов Хоразмда халқ депутатлари кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида Давлат Думаси ўз қарорини халқлар-нинг умумий хоҳиш-истаги сифатида кўрсатиб, ўз ваколатини ошириб юборди, деб аниқ кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси ўз мус-тақиллигини 1991 йил 31 августдаёқ эълон қилгани ва у ўзига хос йўлдан боравради.

Президентимиз доолик билан ва аниқ мақсадни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиё-сат, иқтисодий ислоҳотлар билан қовушган

мустақилликкина Республикамиз гуллаб-яшна-
ши учун ягона тўғри йўл бўлиб қолади.

*М. ГАЛЯУТДИНОВ,
"Асбобсоз" ОТХЖ бошқаруви раиси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг тўрт карра чемпиони "Нефтчи" футбол командаси номидан шуни маълум қиламизки, жамоамиз Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни тўлиқ маъқуллайди ва қўллаб-қувватлайди. Ишонамизки, бизга бутун Фарғона вилояти спорт жамоатчилиги қўшилади. Уз навбатида, Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклашга қаратилган ифвогарона қарори бизни ғазаблантирди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигингизда ўз суверенитети ва мустақиллигини мустақамлаш йўлидан илдам боришига ишончимиз комил.

*ВАХТИИ,
"Нефтчи" командаси боилиги, Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган тренер,*

*САРКИСЯН,
"Нефтчи" командаси бош тренери,
Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган тренер
АБЛЯКИМОВ,
вилоят спорт қўмитаси раиси*

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари, кўп миллатли бутун жамоаси Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловсж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини ғазаб билан қарши олдилар. Аммо ортга қайтиш йўқ. Биз барқарорлик,

тинчлик ва демократия йўлини ўз олдига собит қўйган янги давлатда яшаяпмиз. Тўрт йиллик мустақиллик Ўзбекистон Республикаси тўғри йўлдан қадам ташлаётганини кўрсатиб турибди. Биз бу йўлдан ҳеч қачон бурилмаймиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Жамоамиз республика раҳбариятининг ҳуқуқий давлат қуриш йўлида тутган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлайди ва умумий уйимиздаги тинчлик-хотиржамлик учун Сизга чуқур миннатдорчилик билдиради.

В. СИГЕДИН,

*Олмалиқ кон-металлургия
комбинати бош директори*

Олмалиқ "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга чақирган қароридан қаттиқ ғазабландилар. Биз мустақил Ўзбекистоннинг танлаган тараққиёт йўлини тўлалигича қўллаб-қувватлаймиз ва Россия парламентиининг ғайриқонуний қарорини қаттиқ қоралаймиз.

*Жамоа топшириғига биноан:
ИБРОҲИМОВ*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни Бсловеж битимини бекор қилиш ҳақидаги коммунистлар ташаббуси билан қабул қилинган қарори жамоамиз аъзоларини ажаблантирди. Бу ҳақда куни кеча ойнаи жаҳон, радио орқали Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузангизни диққат билан

кўрдик ва эшитдик. Унда Россия Давлат Думасини яна эски тузумни қўмсаб қабул қилган қарори мустақилликни қўлга киритган мамлакатимизнинг йўлига тўғаноқ эканлигини рўй-рост ва асосли равишда қатъият билан кўрсатиб бердингиз.

Мамлакатимизнинг мустақиллик, тараққиёт, юксалиши йўлида Сиз томонингиздан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатини ҳозирги кунда бутун дунё тан олмоқда, демак бундай қарор қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас ва унинг бизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан кетаётганлигига аминмиз. Вилоятимиз, туманимиз, қолаверса ўзимизнинг жамоамизда бўлаётган ўзгаришлар бунинг ёрқин далилидир. Сизнинг халқимиз дидадагини ифодалаб, ўзимиз танлаган истиқлол йўлидан дадил бораверамиз, энди орқага қайтиш йўқ, деган оқилона фикрингизни дастуриламал қилиб, уни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

*Фаргона вилояти Ёлевон агробизнес коллежи
жамоаси ва ўқувчилари номидан
А. ИСРОИЛОВ*

Ҳурматли Ислом ака!

Мен мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигимдан мағрурланаман. Ўзбекистон менинг Ватаним экан, барча ташкилотимиз ходимлари номидан Сиздан илтимос қиламанки, ўз тутган ташқи иқтисодий йўлингиз тўғри эканлигидан ҳеч шубҳаланманг.

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори ўта бемаъниликдан

бошқа нарса эмас. Россия Федерацияси Президентлигига сайлов арафасида қабул қилинган бу қарор Россия коммунистлари ва шунга ўхшаган кимсаларнинг ўтмишни қўмсаб қилган ҳаракати, деб биладан ва ҳеч қандай асосга эга эмаслигига ишончим комил.

*Х. К. АҲМАДЖОНОВ,
"Ўзавтошина" фирмаси
программисти, физика-математика
фанлари номзоди*

Бутун Ўзбекистон халқи қатори бизнинг жамоамиз ҳам Сизнинг 1996 йил 16 мартда Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқингиздан руҳланиб, келажаги буюк бўлган мустақил Ўзбекистонимиз равнақи йўлида, Ўзбекистонимизнинг шон-шўҳратини ошириш учун фидоқорона меҳнат қилмоқда.

Россия Давлат Думасининг 1991 йилги Беловеж келишувини бекор қилиш тўғрисидаги бир томонлама қабул қилган қарори бизни ҳам ташвишга солди ва севимли Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида жипслашишга ундади.

Бу ҳақда Сиз, йўлбошчимиз, билдирган фикрларни ва мурожаатингизни тўла қувватлаймиз ва Сизга жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлидаги ишларни рўсбга чиқаришда мустаҳкам соғлиқ ва куч-қувват тилаймиз.

Жамоамиз Сизнинг мустақил Ўзбекистонимизни туризм орқали бутун дунёга танитиш тўғрисида айтган кўрсатмаларингизни ўзларининг амалий дастури деб билади, уни рўсбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларини ишга солади.

Муҳтарам юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич!

Асрлар оша ўзининг эркинлигини орзу қилиб келган ўзбек халқи Сизнинг мардлигингиз ва шижоатингиз орқали ўз орзусига етди ва ўз мустақиллигини келгусида ҳеч кимга ва ҳеч нимага алмашмайди!

Сиз бошчилигингизда биз фақат битта — мустақиллик ва ривожланиш йўлини биламиз.

Бу йўлда Сизга соғлиқ ва зафарлар тилаймиз!

*Р. ҚУРБОНОВ,
"Хоразм туризм" ҳиссадорлик жамоаси
бошқаруви раиси
Б. ИСКАНДАРОВ,
касаба уюшмаси қўмитаси раиси*

Жамоамиз аҳли республикамиз Президенти баёнотини ҳамда Олий Мажлис Кенгаши қарорини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб 1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдумдаги халқимизнинг ўз хоҳиш-иродаси билан эркин танлаб олган йўли ягона ва ўзгармасдир, деймиз. Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қабул қилинган қарорини қаттиқ қоралаймиз.

Мустақил Ўзбекистон халқининг танлаган йўли ягона йўлдир

*Ж. СИРОЖИДДИНОВ,
Ҳаққулобад 58-автокорхона
ҳиссадорлик жамияти раиси*

Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич!

Биз бир гуруҳ Чортоқ шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 3-сессиясида сўзлаган нутқингизда Россия Федерацияси Дав-

лат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Совет Иттифоқини тиклашга қаратилган қарори бўйича билдирган фикрларингизни катта қизиқиш билан тингладик. Биз эндигина уз мустақиллигимизни таниб, ўзлигимизни англаб буюк давлатлар қаторидан ўрин олиш борасида белгилаб олинган ўз йўлимиздан собитқадамлик билан ислохотларни амалга ошираётган бир пайтда Россия Давлат Думасидаги коммунистларнинг истиқлолимизга хавф туғдирадиган бундай қарорни қабул қилиши мамлакатимиз халқи, айниқса бизни ғоят ташвишга солади. Бу қарор юзасидан билдирган дадил ва лўнда фикрларингиз мамлакатимиз тақдири учун алоҳида аҳамият касб этади, бизни келажакка ҳушёр боқишга даъват этади.

*КОЗАКОВ, Ю. БОБОХОНОВ,
Х. ИСОМИДДИНОВ, Т. СЕРИМСОҚОВ,
Т. УСМОНОВ, чортоқлик
уруш ва меҳнат фахрийлари*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни меҳнат жамоамиз аҳли зўр мамнуният билан эшитди. Айниқса, Республикамининг мустақиллигини қўлдан бой бермаслик, уни янада мустаҳкамлаш ҳақида баён этилган фикрларингизни қўллаб-қувватлаймиз. Асло орқага чекинмиш йўқ. Ўзбекистон танлаган йўлдан дадил қадам ташлаб бораверамиз. Меҳнат жамоамиз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тинмай меҳнат қилавсради.

*Ўзам СУЛАЙМОНОВ,
Галлаорол ишлаб чиқариш
агрофирмаси директори*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 3-сессиясидаги Сизнинг нутқингизда Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш бўйича қабул қилган қарори юзасидан билдирган аниқ фикрларингиз меҳнат жамоамиз аъзолари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Россия коммунистларининг бу каби ташаббуслари 1991 йил 19 августдаги давлат тўнтариши қилишга ҳаракат қилган ГКЧП аъзолари ғояларини эслатади. Шу боис бугунги вазият биздан сиёсий ҳушёрликни оширишни, мустақиллигимизни мустақкамлаш ҳамда Ўзбекистон равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислоҳотларни собитқадамлик билан амалга оширишга бор имкониятларни сафарбар этишни талаб этади. Меҳнат жамоамиз аъзолари Сиз олиб бораётган халқпарвар адолатли сиёсат мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда халқимиз фаровонлигининг ягона йўли деб билдилар.

*Чортоқ туманидаги 7-автокорхона
ҳиссадорлик жамияти аъзолари
номидан жамият раиси З. МУРОДОВ*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясида қилган маърузангиз биз нуроталик фуқароларни янги яратувчилик ишларига илҳомлантирди.

Биз республикамининг иқтисодий мустақиллигини мустақкамлаш, халқимизнинг турмуш шароитини юксалтириш, маиший ва тиббиёт хизматини яхшилаш тўғрисидаги фикрларингиз-

ни тўла маъқуллаймиз. Келгусида ўзимизнинг меҳнатимиз билан бу вазифаларни ҳаётга татиқ этишимиз. Сизни миллий ва анъанавий байрамимиз бўлган Наврўз айёми билан самимий табриклаб буюк келажакимиз йўлидаги фаолиятингизда битмас-туганмас куч-қувват, фидойилик тилайман.

*М. ЖУМАНАЗАРОВА,
Навоий вилояти Нурота
туманидан давловчи ҳаким*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясидаги нутқингиз воҳамиз қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорларни, ҳунармандларни аҳолига маиший хизмат қилувчи касибларни руҳлантириб юборди. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасидаги ҳамма айтганларингиз бизларга билдираётган ғамхўрликнинг яққол далилидир. Бу соҳани ривожлантиришга бор билим тажрибамизни сафарбар қиламиз. Бу ҳақда умумий йиғилишимизда қарор қилдик.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Сизни Наврўз байрами билан муборакбод қиламиз, Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган улуғвор ишларингизга муваффақият ер бўлсин.

*Касиблар: Хива туманидан темирчи А. МАШАРИПОВ.
Янгиариқ туманидан тандирчи А. АЛЛАБЕРГАНОВ.
Ҳазорасп туманидан тикувчи Ш. ҚУРБОНОВ.
Тикувчи Ш. СОБИРОВ, этикдўз А. ҚИЛИЧЕВ.
Богот туманидан шоли оқловчи К. ҚУРБОНОВ.
Мойжувозчи А. МАТЕҚУБОВ, кулалчи А. САПАЕВ
Кушкўпир туманидан консерва заводи ишчиси
Б. ЖУМАНИЕЗОВ*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон футболни ривожлантириш йўлида кўрсатаётган катта ғамхўрликларингиз учун командамиз номидан миннатдорчилик изҳор қиламиз. Халқимиз севган бу спорт турини янги футбол мавсумида янги погоналарга кўтаришга сўз берамиз. Россия Давлат Думасининг коммунистлар ташаббуси билан яна собиқ СССРни тиклаш йўлидаги уринишларини суверен мамлакатлар ишига аралаштириш деб ҳисоблаймиз. Мустақиллик йўлидан олға бораётган халқимизни яна кечаги кунга — марказ тобелигига қайтариб бўлмайди. Истиқлолимизни мустақкамлаш йўлидаги жўшқин фаолиятингизга доим зафар ёр бўлсин.

*Ў. ТОШЕВ,
Бухоронинг "Нурафшон"
командаси ўйинчиси*

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ СССРни тиклашга қаратилган қарори жамоамиз аъзоларида қаттиқ норозилик кайфиятини уйғотди. Бу қарор собиқ иттифоқни коммунистик мафкурачи тоталитар тузумни қайта тиклашга қаратилган ожизона даъватдир. Унинг мустақиллик йўлидан дадил қадамлар билан бораётган Ўзбекистон учун ҳеч бир дахли йўқ эканлигини қатъий таъкидлаб, мустақиллигимизни мустақкамлашга бутун куч-қувватимизни сарфлаймиз, деб Сизни ишонтирамиз.

*М. САДИРОВ,
Бухоро вилояти Шофиркон тумани
Ж. Сатторов номли жамоа
хужалиги бошқаруви раиси*

Каттақўрғон "Пахтамаш" ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари Хоразм вилояти сессиясида қилган маърузангизни ўрганиб чиқиб Сизнинг билдирган фикр-мулоҳазаларингизни қўллаб-қувватлайдилар. Корхона хизматчилари Сизнинг олиб бораётган сиёсатингизга доимо фикрдошлигини ҳам билдиради. Шу билан бирга, Сизни Наврўзи олам байрами билан табриқлайди, Сизга сиҳат-саломатлик тилайди ва Ўзбекистон халқи учун қилаётган машаққатли ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

корхона жамоаси номидан
Т. ҲАМИДОВ

Қамаши тумани халқ таълими бўлими ходимлари, барча мактабларнинг ўқитувчилари ва тарбиячилари Россия Федерацияси Давлат Думаси депутатлари томонидан собиқ СССРни тиклашга қаратилган қарорини қаттиқ қоралайди. Бу ҳақда ўзларининг норозиликларини баён қиладилар.

Шу муносабат билан Президентимиз И. А. Каримовнинг олиб бораётган сиёсатини ва ҳаракатларини, жумладан халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Қамаши тумани халқ таълими бўлими
ходимлари номидан
Т. МОЙЛИЕВ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессиясида Сиз сўзлаган нутқ биз меҳнат, уруш фахрийларида катта таассурот қолдирди. Бу нутқни эшитиб халқимиз, айниқса нуроний отахонлар, онахонлар мустақил давлатимиз бахтига юртбошимиз омон бўлсин, деган дуолар қилдилар. Халқнинг дуосидан буюк ва қудратли нарса бу дунёда бўлмаса керак. Сиз хоразмликларнинг ана шундай юксак меҳрини қозонганлигингизни яна бир марта мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Гапнинг рости шуки, агар Ҳамдўстликнинг бошқа давлатларига ҳам сиздай доно раҳбарлар насиб этганида Ҳамдўстликда бундай оғишлар, ҳамкорликка раҳна солувчи, бизни орқага тортиш истагидаги кучларнинг жазаваси ошмаган бўларди. Россиядаги бузғунчилар кирдикорларининг бизга дахли йўқ.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Сиз амалга ошираётган адолатли сиёсатингиз учун минг марта раҳмат.

Хоразм вилоятини жадал ривожлантириш бўйича кўламдор чоралар кўражагингизни эшитиб кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Наврўз байрамингиз қутлуғ бўлсин.

Вафо РЎЗМЕТОВ,

Урганч шаҳридаги Дўстлик кўча, 1-берк кўчаси,

1-уйда яшовчи уруш ногирони

Хожар ҚИЛИЧЕВА,

Урганч шаҳри, Эгам Раҳим кўчаси, 34-уйда
яшовчи пенсионер

Олтинжон РАҲИМОВА,

Урганч шаҳри, Огаҳий кўчаси, 19-уйда яшовчи

Фарҳод КАРИМОВ,

Урганч шаҳри, 3-кичик даҳа, 8-уй, 6-хонадонда яшовчи,
захирадаги байналмилал жангчи

Ҳурматли Ислом ака!

Хоразмда халқ депутатлари вилоят кенга-
шининг навбатдан ташқари ўтказилган учинчи
сессиясида иштирок этганлар ва ойнаи жаҳонда
бу анжуманни тўлиқ кўрган кўпгина кишилар-
нинг фикрларига кўра бу сессия Хоразм воҳаси
халқи ҳаётида одатдагидан ўзгача воқса бўлди
ва унинг келажаги учун муҳим аҳамият касб
этади.

Сессияда қатнашганингиз ва сўзга чиқиб Хо-
разм вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш,
халққа ғамхўрлик қилиш борасида билдирган
фикрларингиз ва нуқтаи назарларингиз учун
уларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида те-
гишли тадбирлар кўрганингиз, ўзимиздан ети-
шиб чиққан кадрни танлаб ҳоким қилиб
қўйганингиз учун барча ҳамкасбларимиз номи-
дан Сизга самимий миннатдорчилик билдир-
моқчиман. Сизнинг Россия Давлат Думаси то-
монидан собиқ Иттифоқни тиклашни кўзлаб
қабул қилинган қарорнинг асоссиз эканлиги ва
унинг Ўзбекистон Республикасига ҳеч қандай
алоқаси йўқлиги ҳақидаги сиёсатингизни
қўллаб-қувватлаймиз, давлатимизнинг муста-
қиллигини таъминлаш йўлида барча имконияти-
миз, куч-ғайратимизни аямаслигимизни билди-
рамыз

Сапарбай АБДУЛЛАЕВ,
Гурлан тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиз республикамиз меҳнаткашлари қатори бизнинг боғча-гимназия ходимларини ҳам тўлқинлантириб юборди. Буни таълим муассасаларига, биз тарбиячиларга, халқ таълими ходимларига, келажак авлодга бўлган нақадар катта эътиборингиз, деб қабул қилдик.

Азиз Ислон Абдуғанисвич!

Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги ғайриқонуний қарорини эшитиб, ниҳоятда ғазабландик. Бизнингча бу суверен мустақил давлатларга нисбатан ҳурматсизлик, уларнинг тинчлик-осойишталигига очиқдан-очиқ ҳасадгўйлигидир.

*Александра ХУЖАЕВА,
Фаргона вилоятидаги "Шодлик"
боғча-гимназия директори
Саида АЛИОХУНОВА,
бошланғич синф ўқитувчиси
Рефат БИЛЯЛОВ,
ЭҲМ ўқитувчиси
Наталья ЛИСОВА,
бошланғич синф ўқитувчиси
Мамлакат АҲМЕДОВА,
бошланғич синф ўқитувчиси
Феруза БАХТИОЗИНА,
тарбиячи*

Жалоир қишлоқ фуқаролари йиғини аҳолиси Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни СССРни тиклаш тўғрисидаги қабул қилган қарорига норозилик билдиради. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида танлаган йўлини қўллаб-қувватлайди. Бу йўлда ўз меҳнатини аямайди. Президентимиз И. А. Кари-

мовнинг Россия Президенти Ельцинга йўллаган мактубини бутун Ўзбекистон халқининг хоҳиши-иродаси, деб билади.

*О. ЖАББОРОВ,
Шурчи, Жалоир қишлоқ фаоллари
йигини раиси*

Ангор туман меҳнаткашлари Сиз муҳтарам юртбошимизни ва оила аъзоларингизни мустақиллигимиз шарофати туфайли нишонланаётган Наврўз байрами билан самимий табриклайди. Мустақилликни мустаҳкамлашдаги саъй-ҳаракатларингизга Аллоҳдан мадад тилаймиз. Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги сэрмазмун нутқингизни туман меҳнаткашлари зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Нутқингиз тумандаги барча меҳнат жамоаларида чуқур ўрганилиб, шу асосда ўзимизнинг аниқ режаларимизни тузиб олмоқдамиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Туманимиз меҳнаткашлари, бутун халқ Сиз таъкидлаганингиздек, халқимизнинг йўли — мустақиллик, озодлик, туб ислоҳотлар йўли эканлигини чуқур англаган ҳолда 15 март куни Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарорининг асоссиз эканлигини бир овоздан баён қилмоқдалар. Орқага қайтиш йўқ.

Мустақиллигимиз абадийлиги учун жон фидо қилишга тайёрмиз.

Туманимиз меҳнаткашлари Сиз юртбошимиз, республикамиз ҳукумати теварагида мустаҳкам жипслашиб, Сиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди, рес-

публикамизнинг гуллаб-яшнаши учун ўзларининг бутун кучини, билимини ва меҳнатини аямайди.

*Р. ЭРГАШЕВ,
Ангор тумани ҳокими*

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ СССРни тиклашга қаратилган қарори жамоамиз аъзоларида қаттиқ норозилик кайфиятини уйғотди. Бу қарор собиқ Иттифоқни, коммунистик мафкурани, тоталитар тузумни қайта тиклашга қаратилган ожизона даъватдир. Ушбу қарорни мустақиллик йўлидан дадил қадам қўяётган ёш Ўзбекистон давлати учун ҳеч бир дахли йўқ эканлигини қатъий тасдиқлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 1996 йил 15 март қарорини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

*М. МАЖИТОВ,
Шофиркон тумани Бобур номли жамоа
хўжалиги бошқаруви раиси*

Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда Россия — Белоруссия — Украина раҳбарларининг 1991 йил декабрь ойида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисида Беловеж шартномасини бекор қилиб собиқ СССРни тиклаш тўғрисида қабул қилган қарорига вилоятимиз халқ таълими фахрийлари норозилик билдирадилар. Биз фахрийларга вилоятимиз халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари 3-сессиясида Россия қуйи палатаси (Давлат Думасининг) 1996 йил 15 мартда собиқ СССРни тиклаш юзасидан қабул қилган қарори мутлақо асоссиз ва пуч

сафсатадан иборат эканлигини, мустақил Ўзбекистон учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини тарихий далиллар билан ерқин исботлаб берди. Хоразм вилояти халқ таълими фахрийлари Президентимизнинг мустақил Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар ва мустақил Ўзбекистоннинг халқ таълимини янада ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

*Болта ХЎЖАЕВ,
Собир РАЖАБОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчилари*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Хоразм вилоятида қилган маърузаң-гизни мароқ билан эшитдик. Давлатимиз муе-тақиллиги йўлида қилаётган ишларингизда Сиз-га куч-қувват ва барқарорлик тилайман. Россия Федерацияси Думасида ССРСни тиклаш тўғрисида Дума қарорига қатъиян норозилик билдираман.

*КОЗАКОВ,
Жиззах вилояти Фориш тумани
29-мактаб директори*

Жамоамиз ишчи-хизматчилари Президенти-миз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Хо-разм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқини ҳар томонлама ўрганиб бу борада кор-хонамиз жамоаси ўзининг тадбирларини ишлаб чиқдилар. Ўзимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмоқдалар.

Президентимиз И. Каримовнинг Россия Дав-лат Думаси томонидан қабул қилинган қарорига

нисбатан билдирган фикрларни корхонамиз ишчи-хизматчилари қўллаб-қувватладилар. Биз Сурхондарё деҳқон қурилиши ҳиссадорлик жамиятининг 256-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси жамоаси Президентимиз И. А. Каримовнинг олиб бораётган сиёсатини маъқуллаймиз.

З. РАҲМОНОВ,
*Бойсун шаҳар 200 ишчи-хизматчи
жамоа номидан жамоа бошлиғи*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Ҳазорасп тумани уруш ва меҳнат фахрийлари Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясидаги сермазмун дастурий нутқингизни диққат билан тинглаб Хоразм вилоятининг ривожланиши учун қилган аниқ кўрсатмангиздан беҳад хурсанд бўлдик. Айниқса, тинчлик-осойишталикни сақлаш бўйича айтган фикрларингиз айтилишидаги гаплар бўлди. Собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги Россия Думасининг қарори биз учун мутлақо ет нарсадир. Бу тўғридаги Сиз билдирган баёнотни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Биз тобе бўлиб яшашни бошдан кечирганмиз. Энди фарзандларимиз, авлодларимиз мустақил обод ва озод Ватанда яшашларини истаймиз ва бу борада ўзимиз ҳам тинмай тарбиявий иш олиб борамиз. Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мустақкам соғлиқ, республикамиз равнақи йўлидаги серқирра фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз.

А. БОЛТАЕВ,
Ҳазорасп тумани фахрийлар кенгаши раиси

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ҳозирги кунда кслажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз ўзининг мустақиллиги йўлида дадил одимлар ташлаб, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари қаторига кирди. Мустақиллик йилларида бизга ўз миллий маънавиятларимиз, ҳақиқий шарқ аёлининг оиладаги, ҳаётдаги фарзанд тарбиясидаги ўрни қайтариб берилди. Собиқ СССР даврида ҳамма нарса коммунистик мафкурага асосланган бўлиб, аёлларимиз хоҳлайдими-йўқми, Европа аёлларига тақлид қилишга мажбур эдилар.

Яқинда Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги Беловеж шартномасини бсқор қилиш тўғрисидаги бир ёқлама қарор қабул қилинганлиги биз, ўзбек хотин-қизларини асосли равишда ранжитди. Ҳозирги кунда ўз маънавиятига, ҳақиқий шарқ асли сифатида аёллик ҳуқуқларига эга бўлган ҳеч қандай аёл коммунистик режага асосланган, ҳамма қатори хотин-қизларнинг ҳам ҳуқуқлари бир режимга солинган тузумга қайтишни истамайдилар.

Жамоа хўжалигимиздаги барча хотин-қизлар Россия Давлат Думаси томонидан қабул қилинган бир ёқлама қарорни ҳеч қандай ҳуқуқий асосларга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Биз сезимли мамлакатимизни мустақил, обод ва озод, унинг хотин-қизларини эса ҳақиқий шарқ аёллари сифатида миллий урф-одатларимизга, анъаналаримизга содиқ кишилар бўлишини истаб қоламиз. Нсча йиллардан буён ота-боболаримиз орзу қилган мустақилликни қўлга киритган бир даврда, тарихни орқага қайтариб бўлмаганидек, эндигина эришган мустақиллигимиздан, ўзлигимиздан, динимиздан воз кечмаймиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғанисвич, бизнинг жамоа хўжалигимиз хотин-қизлари Сизнинг республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган ишларингизда муваффақиятлар ва сиҳат-саломатлик тилайди.

Норин тумани "Катта Улма" жамоа хўжалиги хотин-қизлари

Биз Нарпай тумани 37-маҳалла фаоллари ўзимизнинг тўртинчи плenumsимизга 1996 йил 19 мартда тўпланиб, ўтган йилги ишларимизга яқин ясадик, бу йилги ишларимизни ружалаштириб, маҳаллаларнинг роли, обрўи ва масъулиятларини ошириш чора-тадбирларини белгилаб олдик. Бизлар 16 март куни муҳтарам Президентимиз И. А. Каримовнинг Хоразм вилояти халқ ноиблари кенгашининг сессиясида сўзлаган мазмунли маърузаларини катта эътибор билан кўрдик ва тингладик. Президентимиз Хоразмда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини чуқур таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни ҳаққоний кўрсатиб, уни тузатиш йўллари кўрсатдилар, маҳаллалар тўғрисида ҳам гапириб, маҳалланинг роли, обрўи ва масъулиятини ошириш кераклигини уқтириб ўтдилар. Маърузанинг охирида шу йил 15 мартда Россия Давлат Думаси аъзолари СССРни қайтадан тиклаш тўғрисида қарор қабул қилганини айтиб, халқимизнинг ва ҳукуватимизнинг бу масалага муносабатини билдирдилар. Биз Президентимизнинг шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

*Нарпай тумани
маҳаллаларининг фаоллари*

Шўрчи туман тайёрлов-савдо ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари Сизнинг Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқингизни қизиқиш билан тинглади. Айниқса, Россия Давлат Думаси чиқарган қарорига нисбатан билдирган фикрингиз айти кўнгилдаги гап бўлди. Бу қарорга қатъиян норозиликимизни билдирамиз.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши йўлида дарадил ҳаракат қилаверамиз, ҳурматли Ислон Каримов! Сизни баҳор ва тинчлик байрами — Наврўз билан чин дилдан қутлаймиз, мустақилликимизни мустаҳкамлаш йўлидаги фидокорона ишларингизда омад тилаймиз.

Х. ТОҒАЕВ,

Шурчи туман тайёрлов-савдо ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Менинг Ўзбекистонда, хусусан, Андижонда яшаб, меҳнат қилаётганимга кўп йиллар бўлди. Мен шу юрт одамларига, табиатига жуда ўрганиб қолганман. Ҳозир ўзимни бу серқуёш юртдан ташқарида бўлишимни сира тасаввур қила олмайман.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида энг осойишта юрт бўлиб қолди. Унинг асосан ўзбеклар ва бошқа ўнлаб миллат вакилларидан иборат кўп миллионли халқи мустақилликни мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ҳамма жойда бунёдкорлик ишлари амалга ошириляпти. Авлодларни соғломлаштириш учун беқиёс саъй-ҳаракатлар дилларни ҳувонтирмоқда.

Ахир, мустақиллик ҳар бир халқнинг эзгу нияти ва ҳуқуқидир. Собиқ СССР таркибида

бўлган республикаларнинг кўпчилиги мустақиллик йўлига кирган экан, уларни орқага қайтаришга ҳатдан туриб уриниш гирт бемаъниликдир.

Биз — ўзбек халқи билан қон-қардош бўлиб яшаётган кўплаб халқларнинг вакиллари ҳам Ўзбекистоннинг мустақиллик йўли ягона тўғри йўл эканлигига ишонамиз. Танланган бу йўлдан қайтиб бўлмайди.

*Ирина Сергеевна ИВАНОВА,
Андижон вилоят силга қарши кураш
диспансерининг бўлим бекаси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Бригадамиз жамоаси Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ иттифоқни тиклаш ҳақидаги қарорини катта ташвиш билан адолатсизлик тимсоли сифатида қабул қилдик.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги арафасида қабул қилинган бу қарорни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбини ларзага келтирувчи, мафкурамизга ёт фикрлар йиғиндиси ҳолос, деб ҳисоблаймиз.

Биз мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, келажақда буюк давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига аминимиз ва буни яққол сезиб турибмиз.

Сизнинг оқилона давлатчилик сиёсатингиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва келажақка ишончи биз Ўзбекистон фуқароларини мустақиллик деб аталмиш ягона йўлдан буюк келажақ сари етаклайди. Сиз муҳтарам Президентимизнинг Россия Давлат Думаси қарорига

нисбатан муносабатингизни ва Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцинга йўллаган хатингизни қўллаб-қувватлаймиз. Буюк келажак йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан ривож тилаймиз.

*А. АБДУЛЛАЕВ,
Фаргона вилояти Учкўприк туманидаги
М. Деҳқонов номи жамоа ҳужалиги
14-бригадаси бошлиги*

Мен, ўз жамоамиз номидан Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Россия Давлат Думаси томонидан собиқ СССРни қайта тиклаш ниятида қабул қилган қарорига нисбатан айтган фикрларингизни, Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцинга йўлланган мактубингизда кўтарилган фикр-мулоҳазаларингизни яқдиллик билан маъқуллайман.

Ўз навбатида, республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида собитқадамлик билан олиб борилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Халқларимизнинг озодлик ва ҳурлик йўлидаги кураши снгилмасдир. Тарих гилдираги ҳеч қачон ортга айланмагай!

Сизни халқимизнинг суюкли ва ардоқли байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлаймиз. Сиз таъкидлаганингиздек, Ўзбекистоннинг йўли аниқ ва равшандир. У, албатта, келажакда буюк давлатга айланиши муқаррар.

*К. САПИЕВ,
Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати,
Сурхондаре вилояти, Денов туманидаги
Чаганиён ҳиссадорлик жамияти раиси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шукроналар бўлсинким, мустақил давлатимиз яқинда 5 ёшга тўлади. Мустақилликка қувонган, кўп йиллар тобсчилик қийинчиликларини бошидан кечирган халқимиз яхши ниятлар билан яшаб меҳнат қилмоқда. Россия Давлат Думасининг яқинда СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарори ғазабимизни келтирди. Думадаги айрим депутатларнинг бу хаеллари биз учун бегона ва ёт фикрдир. Айрим Компартия корчалонларининг фикр ва ҳаракатларига қулоқ солмаймиз. Келгусида Ўзбекистонимизнинг мустақил буюк давлат бўлишига ишонамиз.

*Абдурахимжон МИРЗАЕВ,
Фаргона вилояти Охунбобоев тумани
А. Алигавҳаров номли жамға хўжалиги аъзоси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари ва кўп минг кишилик талабалар жамоаси ташвиш ва ажабланиш билан кутиб олдилар. Институтда бўлиб ўтган умумий йиғилиш қатнашчилари Дума коммунистлари ташаббуси билан қабул қилинган бу қарорнинг мантиқсизлигини ва тинчликсевар халқимиз хоҳиш-иродасига зидлигини таъкидлаб, ушбу қарорни қаҳр-ғазаб билан қораладилар. Тарих ҳамиша олға интилади. Беловеж битимларини бекор қилиб, тарихий ўтмишга айланиб қолган собиқ тоталитар тузум, СССРни тирилтиришга уриниш одамлар хоҳиш-иродасини менсимас-

лик, ўзбошимча сиёсат юритиш, ҳуқуқий нормаларга зид бўлган уринишдир.

Республикамиз ўз мустақиллигининг 5 йиллигига қадам қўймоқда. Мустақиллик муҳотида яшаётган халқимиз бу қисқа муддат ичида катта ютуқларни қўлга киритди. Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ўсди, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ютуқларимиз эса беқиёсдир. Халқимизнинг бутун фикру зикри шу ютуқларни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Биз бир тўда Россия коммунистларининг ўзбошимчалик билан қабул қилган бу қарорини ҳаёт оқимига ва тарих тараққиётига мутлақо қарши ҳужжат дсб ҳисоблаймиз. Бу республикамиздаги ҳар бир пок виждонли фуқаронинг қатъий сўани.

*Х. НАБИЁВ,
институт ректори*

Мен Сизнинг Россия Президенти Б. Н. Ельцинга юборган телеграммангизни жуда катта ғурур ва ифтихор билан кутиб олдим. Чунки Сизнинг жумҳуриятимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида тинмай олиб бораётган сиёсатингиз бутун фуқароларда ишонч уйғотиб, келажак сари ундайди. Давлат Думаси қарори эса асоссиздир.

Сизнинг жонкуярлик билан қилаётган ҳар бир ишингизни маъқуллаймиз. Сизни кириб келаётган Наврўз байрами билан табриклайман ва Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, халқимиз бахтига қилаётган ишингизга барака тилайман.

*И. И. ЖАБРИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
шифокор, Каттақўрғон шаҳри*

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни Бсловсж битимларини бскор қилиш ҳақидаги қарорини кўпчилик қатори мен ҳам ташвиш билан кутиб олдим. Собиқ СССР нинг тоталитар тузумини қайта тиклаш мақсадида уюштирилган бу ўйин му-стақил давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга қаратилгандир. Ўзбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини танлаб олган юртбошимиз раҳбарлигида танланган йўл ҳақ йўлдир. Бу йўлдан орқага чекиниш йўқ. Россия Давлат Думасининг чиқарган қарори ўз мустақиллиги ва эркини танлаб олган халққа ҳеч қандай алоқаси йўқ. У қабрдан чиққан овоздир.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ
"Самарқанд" газетаси муҳаррири

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Касаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши-нинг 1996 йил 19 мартда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши Россия Давлат Думасининг собиқ СССР ни қайта тиклаш ҳақидаги қарори-га ўз муносабатини билдирди.

Биз Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вило-яти кенгаши сессиясидаги таклифларингиз ва хулосаларингизни тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Биз бухороликлар ўз ишимизда кўпроқ ни-маларга эътибор беришимиз кераклигини яхши биламиз ҳамда ана шу изчил фаолиятда ўз ўрнимизни аниқ белгилаб олганмиз.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифаси ва виждоний бурчи кишиларимизнинг, айниқса қишлоқ меҳнат аҳлининг кундалик турмуши,

ҳаёт тарзини яхшилашдан иборатдир. Хоразмдаги сессияда сўзлаган нутқингиз ҳамда Россия Президенти Б. Н. Ельцин номига йўлланган телеграммада билдирган фикрларингизга тўла қўшилган ҳолда, шунини таъкидлаб ўтмоқчимизки, севимли Ватанимиз — жонажон Ўзбекистонимиз озодлиги, мустақиллиги ва суверенитетига раҳна солишга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Биз ўтмишга қайта олмаймиз ва ҳеч қачон қайтмаймиз ҳам.

Халқимизнинг озодлик ва мустақиллик ҳақидаги кўп асрлик орзу-умидларини барбод этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Биз Сиз билан биргамиз.

*Ш. К. ХАЙРУЛЛАЕВ,
Қасаба уюшмалари Бухоро вилояти
кенгаши раиси*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шу йил 19 март куни А. Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институти жамоасининг СССРни тиклаш тўғрисидаги Россия Давлат Думасининг қарорига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди.

Митинг қатнашчилари бу қарорнинг ноқонуний эканини таъкидлаб, Сизнинг Хоразм вилояти сессиясида билдирган барча асосли фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари талабалари Сиз олиб бораётган оқилона, халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлаш билан бирга асрлар бўйи орзу қилинган ва ҳақиқатга айланган мус-

тақиллигимизни доимо ҳимоя қилишга, Ватанизмнинг куч-қудратини янада оширишга, сидқидилдан ўқиш ва меҳнат қилишга Сизни ишонтирадилар.

*Б. М. МАМАЖОНОВ,
институт ректори
К. И. ИСАЕВ,
институт касаба уюшмаси раиси
Ш. ПУЛАТОВ,
институт ёшлар уюшмаси раиси*

Қадрли Ислом ака!

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни диққат-эътибор билан тингладик ва унда кўтарилган масалалар ҳамда қоида-қулосаларни маъқуллаймиз.

Маърузадаги ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талаблар бизнинг меҳнат жамоамизга ҳам тааллуқлидир. Республика энергетика базасини мустақкамлашда ва вилоятимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига бераётган ёрдамнингиз ва эътиборингиздан миннатдормиз.

Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш бўйича қабул қилган қарорини ҳуқуқий асосга эга эмас ва бу қарорнинг мустақил давлатимизга ҳеч қандай дахли йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Ўзбекистон ўз Президенти раҳбарлигида ўз

тараққиёт йўлини танлаб олган ва шу йўлдан
оғишмай илдам боришига ишончимиз комил.

*Шароф МАҲМУДОВ,
Бухоро нефтезаводқурилиш трести
3-қурилиш-монтаж бошқармасишге
иш юритувчиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Наврўз айёми арафасида юртимизга ташриф
буюрганингиз учун Сиздан беҳад миннатдор-
миз. Янги йил бўсағасидаги муборак пойқада-
мингиз боис 1996 йил Хоразмга буюк
ўзгаришлар, улкан ютуқлар олиб келишига
ишончимиз комил.

Вилоят кенгаши сессиясидаги мазмундор
нутқингиз барча хоразмликларнинг қалбини ўр-
таб келаётган дардларга малҳам бўлди, халқи-
мизнинг эртанги порлоқ кунларга ишончини юз
карра ошириб, янгича руҳ, янгича ғайрат билан
ишлашга илҳом берди. Сизни ишонтириб айта-
манки, биз маориф ходимлари ёш авлодни жис-
моний соғлом, ижодий баркамол, Ватанга са-
доқатли қилиб тарбиялашга бор тажриба ва
кучимизни сарфлаймиз. Сизнинг нутқингизда
илгари сурилган кўрсатма ва йўл-йўриқлар бу
борада бизга дастуриламал бўлади.

Воҳамизда ал-Беруний, ал-Хоразмий издош-
лари стишиб чиқиши учун тарихий асос ва
муайян имкониятлар бор. Бунинг учун Сиз
кўрсатиб берган камчилик ва нуқсонларни бар-
тараф этиб, ёш авлод тарбиясига истиқлол
ғоялари, аждодларнинг бой меросини жорий
этиш билан эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Мустақил Ватанимизга муносиб фарзандларни камол топтириш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бизни яна кишанда кўришни орзу қилаётган Русиядаги айрим мустамлака орзумандлари ҳаракатига берган баҳонингиз ва бу борадаги Сиздаги қатъият эркесвар ўзбекларнинг айна иродасини ифода этади. Буюк истиқлолимизнинг умри боқийлиги Ўзбекистоннинг қисқа даврда қозонган халқаро нуфузи билан мустаҳкам эканлигига ишончимиз комил.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Қўшкўпир халқи, жумладан тўрт минг кишилик халқ таълими ходимлари ва йигирма саккиз мингдан ортиқ ўқувчи ешлар номидан Сизни Наврўз айёми ила муборакбод этамиз. Мустақил ватанимизнинг ҳар куни Наврўз бўлсин, хайрли ишларингизда Сизни яратганининг ўзи қўллаб-қувватласин.

*Эгамберган ТОЖИЕВ,
Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани
мактаб директори, Ўзбекистон халқ
таълими аълочиси*

Россия Федерацияси Давлат Думаси томонидан коммунистлар ташаббуси билан 1996 йил 15 мартда СССР ни тугатиш бўйича Беловеж келишувини бекор қилиш тўғрисидаги қабул қилган қарори "Ўзавтосозлаш" корхонаси ишчи ва ходимлари томонидан норозилик билан қабул қилинди. Давлат Думасининг бу қарори СССРни қайта тиклаш, коммунистик мафкурани тарғиб қилиш ва тоталитар тузумга қайтиш истаги борлигини англатади. Лекин бизнинг тинчликсезар ва эркесвар халқимиз бундай тизимни ҳеч қачон қўллаб-қувватламайди. Бу масала юзаси-

дан Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқингизда берган баҳоингиз ҳамда Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин номига юборган телеграммангиз бизнинг корхона ишчи ва хизматчилари томонидан қизгин кутиб олинди. Биз республикамиз истиқлол йўлидан Сиз бошчилигингизда собитқадамлик билан боришига ишонамиз ҳамда Сизни ҳамиша қўллаб-қувватлаймиз.

*Абдухалил РАҲИМОВ,
"Ўзавтосозлаш" ходими*

Азиз юртдошлар!

Қуёшли Ўзбекистонимиз мустақиллигини исне боболаримиз, момоларимиз орзу қилишиб, орзулари саробга айланиб, шу бир калима сўз учун минглаб азиз инсонларимизнинг бошлари кетди.

Шукрлар бўлсинким, Президентимиз И. Каримовнинг жасорати, шижоати, ўтюраклиги ва халқпарварлиги билан собиқ иттифоқда биринчи бўлиб, 1991 йил 31 август куни мустақиллигимиз эълон қилинди ва халқимизнинг асрий орзулари ушалди.

Мана 5 йилдирки, она Ватанимиз тарихда биринчи бор ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлидан бориб, жуда катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни амалга оширмақда.

Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётнинг ойдин йўлига дадил чиқиб олди. Бунга ўтган қисқа вақт ичида иқтисодий соҳадаги қўлга киритилган ютуқларимиз мисолдир. 1991 йилга нисбатан иқтисодий кўрсаткичларни МДҲ давлатларига нисбатан солиштирганда ҳам Ўзбе-

кистонимизда тараққиёт уларга нисбатан анча ўсиб кетганлигини кўрсатади. Шу давр ичида нефть, газ ва электр энергияси мустақиллигига эришдик. Бу йилдан галла мустақиллигига ҳам тўла эришамиз. МДХ давлатлари ичида илк бор Ўзбекистонимизда йирик автомобилсозлик саноатига асос солинди. Хоразмда Германия билан ҳамкорликда "Мерседес" юк автомобиллари чиқа бошлади. Андижондаги "Ўз ДЭУ" қўшма корхонаси конвейеридан ҳам ҳадемай енгил автомобиллар чиқа бошлайди.

Ўзбекистонимиз тараққиёти тез ривожланиб, дунё миқёсига чиқаяпти. Бугунги кунда икки юздан ортиқ давлат Ўзбекистонни тан олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турибди. Жаҳондаги нуфузли давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик бўйича шартномалар имзоланаяпти.

Ўзбекистонимиз тез суръатлардаги тараққиёти билан кўзга ташланиб қолди. Бу айниқса, россиялик коммунистларга ёқмаяпти. Россия Федерацияси Давлат Думаси шу йил 15 март куни эски иттифоқни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Уларнинг бу қарори мазмун ва моҳияти билан қонунга зид ва муҳокамага лойиқ эмас. Шунга қарамай, уни тасдиқлаган депутатларга ҳам ҳайрон бўласиз. Буни Зюганов бошчилигидаги комфирқа тарафдорларининг сайлов олдидаги одамларни ўзларига оғдириш учун қилаётган найрангларидан деб биламиз.

Юртбошимиз мустақиллик осонлик билан қўлга киритилди, бироқ уни авайлаб асраш, мустаҳкамлаш осон бўлмайди, дсб бизларни ҳушёрликка чақирганларида юз карра ҳақли-лигини бугун яна бир бор кўриб турибмиз.

Мустақиллик деган буюк нсъматга етишган халқимиз энди уни қўлдан чиқармайди. Чунки халқимизнинг асрий орзулари ушалиб, она тилимиз, эътиқодимиз, динимиз, урф-одатларимиз, бой тарихимиз қайтарилди. Юртбошимиз такрор-такрор таъкидлаганидек, "Орқага қайтиш йўқ". Президентимиз бошчилигида мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақкам пойдевори қурилди, демак, бу муҳташам бино ҳам қисқа вақт ичида битиши керак. Бунга бизда барча шароитлар старли. Бой тарихи, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бобур ва Амир Темур сингари улуғ зотлар юрти фарзандлари ҳам етук, мустақил Ўзбекистон ҳам буюк бўлиши шарт. Сабаби биз Яратганнинг назари тушган тупроғи зар Ўзбекистон фарзандларимиз. Энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ҳар биримиз комил ишонч билан қарамоқдамиз.

Шундай экан, бсбаҳо ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш ўзбекистонлик ҳар бир фуқаро учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

*Тошкент тумани кенгаши депутатлари,
қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари,
уруш ва меҳнат фахрийлари,
ХДП аъзолари, ташкилотлар раҳбарлари
ва хотин-қизлар кенгашлари вакиллари*

Бутун Ўзбекистон халқи қатори мен ҳам Россия Давлат Думасининг СССРни яна қайтадан тиклаш тўғрисидаги ноқонуний қарорини катта ташвиш билан қабул қилдим. Бу қарор эски тузумни қайта тиклаш, эскилик сарқитларини қўмсашдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини белгилаб олди. Биз танлаган йўл халқ

фаровонлигини ошириш, тинчлик, осойишталикни сақлаш йўлидир.

Ўзбекистон халқи асрлар давомида Россия ва бошқа Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жумҳуриятлари билан дўстлик ришталарини узмайди ва тенг ҳуқуқли тузумда бўлади. Россия Давлат Думаси томонидан қабул қилинган қарор бизнинг республикамиз учун ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас.

Азиз Ислом Абдуғанисвич!

Республикамиз халқи қатори жамоамиз меҳнаткашлари ҳам мустақилликни янада мустаҳкамлаш борасида ҳамма зарур чора-тадбирларни кўрадилар деб Сизни ишонтираман.

Улугбек ЖЎРАЕВ,
Фаргона қурилиш ҳиссадорлик жамиятига
қарашли Риштон ИМК ишчиси

Ҳурматли Ислом Абдуғанисевич!

Ғаллаорол тумани меҳнаткашлари Сиз ишлаб чиққан Ўзбекистоннинг сиссий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Мустақил Ўзбекистонимизнинг бугуни, келажаги ўз қўлимиз билан яратилмоқда. Лекин Россия Давлат Думасининг бир гуруҳ сиссатдонлари тарих гилдирагини орқага буриш мақсадида миллионлар хоҳиш-иродасига, орзу-истагига қарама-қарши ўлароқ СССРни қайта тиклаш, коммунистик зўравонликни ёқлаб қарор қабул қилдилар, бундай ғайриқонуний ҳужжат барча ғаллаоролликларнинг қаҳр-ғазабини уйғотди.

Ҳурриятни кишанлаб бўлмайди, биз узоқни кўролмайдиган россиялик коммунист-хаёлпа-

растларнинг режасига қарши ўз сафларимизнинг софлиги учун курашамиз. Сиз ва ҳукуматимиз амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Истиқлол йўлини танлаган Ўзбекистонимиз куч-қувватини мустақамлаш учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўрамиз.

*Г. УМУРЗОҚОВ,
Галлаорол тумани ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси депутати*

Биз, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳудудида жойлашган Зсбо Шамсутдинова номли ва Тарновбоши маҳаллалари оқсоқоллари Россия Давлат Думасининг 15 мартда қабул қилган ва собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги қарорини кўпчилик маҳалладошларимиз қатори ҳеч бир маъносиз қарор сифатида қабул қилдик.

Яратувчи ҳар бир инсонга жузъий ихтиёр (ҳуқуқ) берган экан. Инсоният ушбу берилган ихтиёр ила ўз маданияти, урф-одати, қолаверса миллий-диний келиб чиқишига асосланган ҳолда мустақил давлатчилик тузумини барпо этган.

Қадимги Турон заминида ҳам биз туркий халқларнинг ўзига хос давлатчилик тузumi бўлганки, бунга тарихнинг ўзи гувоҳ. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати ҳамда қизил коммунистларнинг ўлкамиз дини ва урф-одатларига умуман қарама-қарши бўлган давлатчилик тузumi халқимизни 150 йил давомида асоратга солиб келди. Туркий халқларнинг эндигина ас-

рий ораулари ушалган бир вақтда мустабид тузумни қўмсаб қолган коммунистларнинг орзу-қаваслари хомхаселдан бошқа нарса эмас.

Бугунги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, халқини, маданиятини, урф-одатини ҳамда биринчи навбатда, динини эъозлаган қайси-бир инсондан сўраманг, қорни тўқ қул бўлиб яшагандан, қорни оч эркин бўлиб яшашни афзал билишади.

Президентимизнинг 1991 йил 31 августида эълон қилган Республикамиз мустақиллигини катта ҳис-ҳаяжон билан кутиб олган эдик. Халқимиз эса бу қарорни 1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдумида бир овоздан қўллаб-қувватлаганлигига ўзимиз тирик гувоҳимиз. Иншооллоҳ, халқимизнинг бу танлаган йўли энг тўғри ва ўзгармас қатъий қароридир.

Уйлаймизки, Президентимизнинг олиб бораётган бугунги қатъий мустақиллик сиёсати бутун республикамиз фуқароларининг фикрига ҳамоҳанг. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, эҳтимол орамизда ҳам совет тузумини қўмсаб юрганлар бордир. Бироқ уларнинг орзулари саробдан бошқа нарса эмас. Юртимиздаги мустақиллик тонги зулмат қаърига ҳеч қачон чўкмайди.

*И. ОДИЛОВ,
Тошкент шаҳридаги
Э. Шамсутдинова номи
маҳалла оқсоқоли
Қ. ЭРМАТОВ,
Тарновбоши маҳалласи оқсоқоли*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Давлат Думасининг шу йил 15 мартда қабул қилган мантиққа тўғри келмайдиган, ғайриқонуний қарори ҳеч қандай асосга эга эмаслигини таъкидламоқчимиз. Ахир бизга ўхшаган битта республика депутатларининг бошқа бир давлат халқлари тақдири юзасидан қарор қабул қилишга ҳаққи йўқ-ку. Сизнинг Хоразм вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизда билдирилганидек, бизнинг орамизда эътиқоди заиф, имони суст кишилар йўқ. Халқимиз бунёдкорлик ишқи билан яшаб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида, озод Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайратларини аямайдилар. Сизнинг мустақил диёримизнинг ҳар бир фуқаросига эмин-эркин яшаш, файзли турмуш кечиришлари учун қилаётган саъй-ҳаракатларингизни ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз. Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги йўлида бутун халқимиз яқдил эканликларига ишонамиз. Сизни, Сиз орқали бутун республикамиз халқини Наврўз айёми билан самимий қутлаб, сиҳат-саломатлик, тотувлик ҳамда янги зафарлар тилаймиз.

*Наманган вилояти Чортоқ тумани,
Мучум қишлоқ фуқаролар йиғини*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Бутун Ўзбекистон халқи сингари мен ҳам Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг сессиясида сўзлаган сермазмун нутқингизни ҳаяжон билан тингладим ва унда халқ таълими ходимлари олдига қўйилган вазифаларнинг нақадар улуғлигини, келажак авлодни тарбиялашдай шарафли бурчимизни янада чуқурроқ англадим.

Биз Сирдарё вилояти ўқитувчилари ва тарбиячилари Сизнинг сессияда сўзлаган нутқингиздан руҳланган ҳолда вилоятимиз меҳнаткашларининг ўғил-қизларига чуқур билим бериш, мустақил Ўзбекистонга садоқат руҳида тарбиялашда ўз имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланамиз, бутун кучимиз ва билимимизни шу мақсадда сарф этамиз, деб ишонтирамиз. Сизнинг сессияда, Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги қарорига билдирган муносабатингизни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Мустақил Ўзбекистон дўстимиз ўз эрки, озодлигига эга бўлиб, дунёга танилаётган бир пайтда бир тўда кимсалар собиқ советлар иттифоқини тиклаш йўлидаги уринишлари хомхаёлдир. Чунки ўз эркига эга бўлган ҳеч бир халқ яна қайтиб қуллик исканжасига тушишни истамайди. Биз кўп мингли Сирдарё вилояти халқ таълими ходимлари жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, уни кўз қорачиғидай асрашда, фарзандларимизни ота-боболар аънаналарига содиқлик руҳида тарбиялашда ўз куч-гайратимизни аямаймиз.

*Кенжагул ЭРКАБОЕВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон тумани,
Умид номи 10-мактаб-гимназия
болалар боғчаси директори*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Гулистон футбол клуби жамоаси Сизнинг Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингизни катта қизиқиш билан тингладик. Сизнинг спорт соҳасига, айниқса спортнинг оммавий тури бўлган футболни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганингиз, бу борада шу йилнинг ўзида иккита қарор қабул қилганлигингиз биз футболчиларни янада катта ютуқларни қўлга киритишга, вилоятимиз, республикаимиз шарафини ҳимоя қилиб, жаҳон миқёсида спорт соҳасида етакчи ўринларни эгаллашимизга руҳлантириб юборди. Биз футболни ривожлантиришга ўзимизнинг бор куч ва маҳоратимизни сарфлаймиз ҳамда бу йилнинг ўзида Олий лигага чиқишга эришамиз.

Мустақил Давлатимиз халқаро миқёсда ўз ўрнини толиб олган бир пайтда Россия Давлат Думасининг қабул қилган қарори биз футболчиларни ҳам ғазаблантирди ва уларнинг бу қарори ноқонуний эканлигини яхши биламиз. Сизнинг Хоразм вилояти кенгаши сессиясида бу борада айтган гапларингизга тўлиқ қўшиламиз.

Биз сирдарёлик спортчилар Сиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ҳамда бу борадаги юксак ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

*И. Х. АПЛЕВ,
Гулистон футбол клуби*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Россия Давлат Думаси Бсловсж битимини бекор қилиш тўғрисида қабул қилган қарор бизда норозилик уйғотди. Бу — Давлат Думаси ўйламай қабул қилган қарордир.

Барча соғлом фикрли кишилар каби мен ҳам Давлат Думасининг бу қарорини юридик асосга эга бўлмаган, мазмун-моҳиятдан йироқ ва ифвогарона ҳужжат деб ҳисоблайман.

Мен корейс миллатига оидман, Ўзбекистон Республикасининг фуқаросиман. Бу ер менинг иккинчи ва ҳақиқий Ватанимдир, бу ерда мен таълим олдим, ишимни, бахтимни топдим. Тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурастган, миллатлараро низолар бўлмастган Ўзбекистонда яшаётганим билан фахрланаман.

Мен Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти бўлмиш Сиз томонингиздан амалга оширилаётган бутун ташқи ва ички сиёсатни тўла ва бус-бутун маъқуллайман.

*ПЯК Илья,
Хоразм вилояти ер тузилиши
ва ердан фойдаланиши бўйича
Давлат назорати бошлиғининг ўринбосари*

Кўп ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАК нинг 15 минг кишилиқ Фарғона бўлими темир йўлчиларининг кўп миллатли жамоаси Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги қарорига нисбатан Сизнинг нуқтаи назарингизни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарорини тўла равишда қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз демократик жамият қуриш бўйича танлаган ўзига хос йўл қанчалик қийин бўлмасин, биз, темир йўлчилар бу йўлни қўллаб-қувватлаймиз ва мустақил Ватанни мустақкамлаш учун меҳнат қиламиз. Чунки, унинг келажаги буюклигига ишончимиз комил.

*И. ИСРОИЛОВ,
фахрийлар кенгаши раиси.*

В. МУКИН,

Қўқон локомотив депоси машинисти

А. МЛАМИНОВ,

Қўқон вагон депоси катта назоратчиси

Муҳтарам Ислон Абдуғаниевич!

Сиз халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият тўғрисида айтган сўзлар мени олим ва эколог сифатида ҳаяжонга солди.

Сизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқингиз, Орол муаммолари бўйича халқаро конференция ўтказиш бўйича ташаббусингиз дарҳол одамларнинг диққатини тортди ва бутун жаҳон ҳамжамиятида ташвиш уйғотди.

Сўнгги йилларда Сизнинг саъй-ҳаракатингиз билан Қорақалпоғистон аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг бутун бир мажмуи амалга оширилди, бунинг учун Сизга чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Россия Федерацияси Давлат Думасининг амалда собиқ СССРни тиклашга йўналтирилган қарорини баҳолашда Сиз тутган аниқ-равшан нуқтаи назарингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар натижалари биз демократик ривожланишнинг, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг ягона тўғри йўлини танлаганимиз тўғрисида кишиларда ишонч уйғотмоқда. Биз қўлга киритган мустақиллик кишиларга ўзларини табиий бойликларининг эгаси сифатида ҳис этиш, коммунистик, оммавий чақириқлар ва шиорлар остида қолиб кетган миллий анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш имконини яратди.

Мен учун шу нарса аниқ-равшанки, собиқ СССРга қайтиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

*Р. РЕИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлимининг
популяцион экология
лабораторияси мудири*

1996 йил 15 мартда Россия Давлат Думаси томонидан Беловсж битимини денонсация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бу қарор Ҳ. Абдуллаев номидаги кўп миллатли маҳалла аҳли томонидан катта ташвиш ва хавотирлик билан кутиб олинди.

Халқда дарёни ортига оқизиб бўлмайди, деган ҳикмат бор. Утган умрни ҳам қайтариб бўлмайди. Кслажакка қараш ва шу кун билан яшамоқ даркор.

Биз беш йилдан буён Ўзбекистон халқлари ягона ва аҳил оиласида, ўз тараққиёт йўлимизни танлаб олиб, янги демократик суверен давлат қурмоқдамиз. 1991 йил декабрдаги

республиканинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатини 2000 йилгача узайтириш бўйича республиканинг натижалари танланган йўлни, И. А. Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатини халқ тўла қўллаб-қувватлаётганини ҳамда маъқуллаётганини яққол тасдиқлади.

Россия Федерацияси Давлат Думасининг қарорини ўйламай, Россия Президенти сайлови арафасида қўшимча овоз олишни кўзлаб қабул қилинган ҳужжат деб ҳисоблаймиз. Айни мақалда бу қарор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида давлатлар ўртасида вужудга келган ва шаклланишда давом этаётган ўзаро муносабатлар негизига путур етказди.

Биз қўшнилар билан муносабатларимизни бировларнинг кўрсатмасисиз, тенг ҳуқуқли ва ўзаро асосда қуришни истаймиз.

Биз — мақалла аҳли турли ёшдаги, турли миллатга ва турли динга мансуб кишилармиз. Барчамиз учун Ўзбекистон — Ватан, умумий уйдир. Бутун халқ билан бунга турли жойларда кундалик жиддий меҳнатимиз билан демократик, ҳуқуқий давлатнинг нурафшон биносини бунёд этишга ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Бу давлатда ҳар бир фуқаро турмуш кечириши ва меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратилади. Биз, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотлар бўйича белгиланган режаларнинг ҳаётийлигида ҳамда уларнинг изчиллик ила бажарилаётганлигида Ўзбекистон намуна бўлаётганлиги билан фахрланамиз. Бугунги кунда танлаган йўлимизда қийинчиликларга дуч келаётган бўлсак-да, мамлакатимизнинг буюк

келажига ишонамиз ва бизни танлаган
йўлимиздан буриб бўлмайди.

*Л. ГОДИЦКИЙ,
Тошкент шаҳар
Мирзо Улугбек туманидаги
Ҳ. Абдуллаев номли маҳалла
фуқаролари йигини топшириғи билан
маҳалла қўмитаси раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Хоразм вилоят болалар шифохонаси жамоаси вилоят барча меҳнаткашлари қатори халқ депутатлари Хоразм вилояти навбатдан ташқари сессиясида Сизнинг сўзлаган ёрқин нутқингиз таъсирида яшаяпмиз. Айниқса, Хоразмда тоза минерал суя ишлаб чиқарадиган завод қуриш ва медицина муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги Сизнинг қарорингиз бизда катта таассурот қолдирди.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатингизни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз ва Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги ғайриқонуний қарори тарқаб кетган Совет Иттифоқини тиклашга уринувчи, ҳокимиятга интилган бир тўда сиёсатчиларнинг беҳуда уринишидан бошқа нарса эмас.

Вилоят болалар шифохонаси жамоаси

Мен 1931 йилда Ўзбекистонда туғилганман ва шунча вақтдан буён мунтазам шу ерда яшайман. На мен, на менинг оила аъзоларим, гарчи ўзбек тилини билмасак-да, туб аҳоли томонидан асло камситилмаганмиз.

Тарихий Ватанимиз — Россияга келганда эса, биз, албатта интеграция тарафдоримиз. Лекин бу МДХ доирасидагина бўлмоғи лозим. Бу — оддий бўлмаса-да, ягона тўғри йўл эканлигини жуда яхши тушунамиз.

Шу муносабат билан Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарори масъулиятсизликкина эмас, балки маълум даражада жинояткорона қарор ҳам деб ҳисоблаймиз.

Хушингизни йиғиб олингиз, жаноб депутатлар!

С. ЛЕСОВСКИЙ,

*Тошкент вилояти Зағиота туманидаги
"Қўйлик" агрофирмаси катта инженери*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг 1996 йил 16 март куни халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида Хоразм вилояти меҳнаткашлари шаънига билдирган илиқ сўзларингиз, таклиф ва мулоҳазаларингиз вилоятимизнинг барча меҳнаткашлари қатори биз чорвадорларга ҳам кўрсатилаётган юксак ишончнинг яққол ифодаси деб биламиз ва ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ёш мустақил республикамизни янада равнақ топтириш учун ислохотларни ҳаётга татбиқ қилиш

нақадар зарур эканлигини биз яхши тушунамиз. Ўзининг мустақиллиги йўлидан илдам бораётган, республикамизга ҳасад кўзи билан қараётган, бизнинг эришган ютуқларимизни кўролмаётган, эскича яшашни қўмсаётган Давлат Думаси ташаббуси билан шу йил 15 март куни қабул қилинган қарорни сиёсий лўттибозлик деб биламиз ва уни қаттиқ қоралаймиз, республикамиз бундан кейин ҳам ўз мустақиллиги йўлидан жадал суръатлар билан боришига ҳамда янада гуллаб-яшнашига комил ишонч билдира-миз.

*Раззоқ САПАЕВ,
Богот туманидаги
Қўнғирот хусусий ҳиссадорлик
жамияти раиси
Собир МАШАРИПОВ,
Хива туманидаги Хоразмий номли
хусусий ҳиссадорлик жамияти раиси
Давлатер БЕКЧАНОВ
шу туманининг Бўрдоқчилик корхонасидан*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган дастурий нутқингиз воҳамиз деҳқонларини руҳлантириб юборди. Хоразм деҳқонларининг машаққатли меҳнатини улуғлаб, уни юксак қадрлаганлигингиз ва воҳа қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан ғамхўрлигингиз учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз.

Хоразмда деҳқончилик қилиш бошқа жойларга нисбатан кўп сарф-харажатлар эвазига бўлаётганини айтиб ўтганингизда ҳаммамиз Сизнинг ғамхўрлигингизни яна бир бор яқиндан ҳис этдик.

Хоразм деҳқонлари бундан буён ҳам мўл-қўлчилик йўлида тинмай меҳнат қилаверадилар. Бсбаҳо мустақиллигимизни, осойишта ҳаётимизни кўра олмаётган баъзи ғаламисларнинг хатти-ҳаракатлари бизларда нафрат уйғотмоқда. Бундайларга деҳқонларимизнинг жавоби битта: бизнинг бунёдкорлик ишимизга аралашишга ҳсч кимнинг ҳаққи йўқ. Сизнинг бошчилигингизда ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлни танлаб олганмиз. Бу йўлдан олға боравсрамиз. Сизга Наврўзи олам арафасида улкан бахт-саодат, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман. Халқимиз фаровонлиги йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатларингизда тангри мададкор бўлсин.

ҚУТЛИМУРОТОВ,
Хоразм вилоят деҳқончилик саноати
уюшмаси раиси

Азиз ва муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!

Сўнгги пайтларда Россияда ҳукумат тепасига келишга интилаётган ва ўзларини коммунист деб атаётган гуруҳ аъзолари ҳамда Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш ҳақидаги қарори бутун Ўзбекистон халқи қатори Учкўприк тумани халқини, жумладан биз халқ таълими ходимларини ҳам ранжитди ва улар бу қарорни қораламоқдалар. Наҳотки, 1991 йилда қулаган тоталитар жамиятнинг куни битганлигини яна исботлаш зарур бўлса?

Биз халқ таълими ходимлари Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимизнинг ич-

ки ва ташқи сиёсати тўғрисидаги фикрларингизни ҳамда Россия Президенти Б. Ельцинга йўллаган мактубингизда билдирилган фикр ва мулоҳазаларингизни тўлиқ маъқуллаймиз ва қувватлаймиз. Биз туман мактабгача тарбия муассасалари ходимлари, ўқитувчилари Сизнинг оқилона сиёсатингизни, мустақилликни мустақкамлашдаги олижаноб саъй-ҳаракатларингизни доимо ўзимизнинг меҳнатимиз орқали қўллаб-қувватлайвсрамиз. Бу ишда шахсан Сизга ва Ҳукуматимизга катта ишонч билдирамиз.

*Патилахон МАҲКАМОВА,
Фаргона вилояти Учкўприк тумани
1-сонли боғча тарбиячиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз Ғаллаорол туман халқ таълими ходимлари Сизнинг Хоразм вилояти меҳнаткашлари вакиллари олдида сўзлаган нутқингизни радиотелевизор орқали эшитдик ва газеталардан ўқидик. Ўзбекистон танлаган эрк ва озодлик, юксалиш, тараққиёт йўли халқимизнинг асрлар бўйи қилган орзуларининг ушалиши дсб тушунамиз. Биз жонажон юртимизнинг яна қарам бўлиб, тарихимизга қора чапланишини хоҳламаймиз. Биз Сиз билан биргамиз!

*И. ҚУЛИЕВ,
Ғаллаорол туман
халқ таълими бўлими мудири*

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Хоразм вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқингиз охирида Москвада Давлат Думаси 1996 йил 15 мартда ўтказилган йиғилишида ўзларича собиқ СССРни тиклаш тўғрисида чиқарган қарорига ўз вақтида ҳақшарқич зарба бердингиз. Маълумки, тўр қовоқдан чиқиб кетган бедана яна қайтиб тўрқовоққа тушишни хоҳламайди.

Биз ўз тилимизга кам эътибор берар, ҳамма рус тилини мажбуран ўрганар эди. Ўзимизнинг ерларга ўзимиз эга эмас эдик. Фарзандларимиз рус ерларини мудофаа қилар эди, қанча ўғилларимиз армияда ўлиб кетдилар. Энди жонимизга аро кирганда, яна ўзбек ва бошқа миллатларнинг бойликлари ва одамларига хўжайин бўлишни қўмсаган коммунистларга бизнинг Ўзбекистонда жой ва ҳаст йўқ. Бошқача қилиб айтганда, нафасини ичига ютиб, ўзининг жойида яшайверсинлар, бизнинг ўзбек халқимиз ориятли, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган йиғитларимиз коммунистларнинг ўринсиз ишларига йўл қўймайдилар. Ҳозирда Ўзбекистонимиз 5 ешли кўчатдай томир отиб, кучга кириб бораяпти. Бу кўчатни ҳурматли юртбошимиз боғбон сингари шамолдан ҳам аяб ўстириб бораяпти.

Ўзбекистон халқини коммунистларнинг СССРни тиклаймиз — деган қарорига қарши чиқишга даъват қиламиз.

Андижон вилояти Пахтаобод шаҳри,

Соғ кўчаси 56-уйда яшовчи

Абдуҳошим Тешабоев оиласидан:

Абдуҳошим ТЕШАБООЕВ, пенсионер, ўқитувчи

Соҳибаҳон ТЕШАБООЕВА, пенсионер, ўқитувчи

Моҳидилхон ТЕШАБООЕВА, шифокор

Манзура ТЕШАБООЕВА, уй бекаси ва бошқалар

Ҳурматли Исмол Абдуғаниевич!

Мен кўп йиллардан бери Фарғона вилоятидаги Тошлоқ пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлиб ишлайман. Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқингизни тўлқинланиб эшитдим. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, айниқса қишлоқ аҳолисининг кўпроқ даромад олиши бўйича айтган сўзларингиз мени руҳлантириб юборди. Мустақилликка эришганимиздан бери ўтган даврда деҳқонларга, фермерларга, тадбиркорларга старли шароитлар яратилди. Мен аминманки, юксалиш йўлидан бораётган мустақил Ўзбекистонимиз дунё давлатлари ичида муносиб ўрнини топади. Мен Россия Давлат Думасида коммунистлар ва аграр партия томонидан киритилиб қабул қилинган қарорни қаттиқ қоралайман. Заводимиз жамоаси Сизнинг бу борада сессияда айтган фикрингизни тўласича қўллаб-қувватлайди.

*Исмоил МУМИНОВ,
ишчи*

Республика раҳбариятининг мамлакатимизда олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз. Мустақил давлатимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқлар ҳудудимиздаги ҳар бир фуқарони қувонтирмоқда. Ҳудудимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон танлаган йўлни дил-дилидан қувватлаб туришибди.

Россия Давлат Думасининг собиқ Совст Иттифоқини тиклаш ҳақидаги қарори сафсатабозлик эканлиги барчага аён.

Мустақилликни асло қўлдан бой бермаймиз. Тарих гилдираги ортга айланмайди.

А. ҚОРАЕВ,
Жиззах вилояти Галлаорол тумани
Даврон Йўлдошев ҳиссадорлик
жамоа хўжалиги раиси
А. ЁҚУБОВ,
"Маданият" қишлоқ фуқаролар
йиғини раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Янгиқўрғон тумани хотин-қизлари Сизнинг 1996 йил 16 мартдаги халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Россия Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига билдирган муносабатингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли қадриятларимиз тикланаётганлигини, аёлларга муносабат тубдан ўзгарганлигини, биз — аёлларни ҳар томонлама ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор кучайганлигини дилдан ҳис қилмоқдамиз.

Куни кеча қабул қилинган болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги фармон ҳам бу гамхўрликларнинг бир кўринишидир.

Туман аёллари мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топаётганлиги ва эркимиз, динимиз, тилимиз, ҳуқуқимизга эга бўлганлигимиз, урф-одатларимиз тикланганлигидан гоятда қувонамиз. Биз келгусида ҳам Сизнинг одилона, халқчил, тинчликсевар сиёса-

тингизни амалга оширишда гайратимизни аямаймиз. Оналар ва аёллар бахтига ҳамиша омон бўлинг.

*С. МАМАЖОНОВА,
Янгиқўрган тумани хотин-қизлари номидан
туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси*

Муҳтарам ва азиз Ислом Абдуғаниевич!

Мустақилликнинг беш йили давомида бу улуг неъматнинг қадр-қимматини яхши англаб олдик. Эркимиз, ихтиёримиз ўзимизда, иқтисодий юксалиш ҳамма соҳада яққол кўриниб қолди. Оиламизнинг деҳқон (фермер) хўжалиги очиб, ерга, мол-мулкка эга бўлиши ҳам мустақиллик шарофатидир. Сизнинг Урганчда сўзлаган нутқингиз менда катта таассурот қолдирди ва янги улкан ишларга руҳлантирди. Келажакка бўлган ишончимни янада мустаҳкамлади. Бизни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди. Биз мустақилликка Беловеж ўрмонида тузилган аҳднома туфайли эмас, балки асрлар давомидаги интилишимиз натижасида эришдик. Сиз ҳурматли Президентимиз атрофида янада мустаҳкамроқ жипслашиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қўлимиздан келадиган барча ишларни бажаришга тайёرمىз.

*Каримбой ШАРИПОВ,
Хоразм вилояти Янгибозор тумани
Ҳамза номли жамоа хўжалигида жойлашган
фермер хўжалиги бошлиги*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги популистик ва асоссиз қарорини катта ташвиш билан қарши олдик.

Тоталитар тузумга, коммунистик мафкурага асло қайтиб бўлмайди. Давлат бошқаруви ва иқтисодий муносабатлар тизимини қайта ўзгартириш чўзилиб кетганлиги Совет Иттифоқининг парчаланиб кетишига олиб келган эди.

Ўзбекистон халқи 1991 йил 17 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми пайтида Ўзбекистон суверенитетига ҳам қўшимча равишда овоз берган эди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди, 1991 йил 29 декабрда эса халқимиз умумхалқ референдумида қатнашиб, республика суверенитети ва мустақиллиги учун овоз берди. Бугунги кунда барча давлатларда, Совет Иттифоқининг собиқ республикаларида сиёсий вазият, давлат қурилиши ҳамда ислохотлар даражаси турличадир.

Биз тенглик асосига қурилган фойдали ҳамкорлик ва жаҳон ҳамжамияти интеграциясига қўшилиб бориш тўғрисида кўпроқ ўйлашимиз лозим. Ўзбекистон суверен бўлиб қолиши ва ҳуқуқий демократик давлат қуриши керак.

В. ИВАНОВ,
"Подъёмник" акциядорлар бирлашмаси
бошқаруви раиси

Чирчиқдаги "Электрокимёсанот" ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Капролактам заводи жамоаси Россия Давлат Думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қароридан қаттиқ ранжидилар. Биз Россия Президенти Б. Н. Ельциннинг мазкур қарорнинг гайриқонуний эканлиги ҳақидаги фикрига қўшиламиз.

1991 йил 29 декабрда ўтказилган умумхалқ референдумида суверен ва мустақил Ўзбекистонда яшаш истагини изҳор қилганмиз. Шундай экан, Россия Парламентининг ўзбек халқи тақдирини ҳал қилишга ҳаққи йўқ!

*Ф. МИРЗАЕВ,
"Электрокимёсанот" ишлаб чиқариш
бирлашмаси бош директори
Ҳ. ЙЎЛДОШЕВ,
қасаба уюшма қўмитаси раиси
И. РАСУЛҚУЛОВ,
"Капролактам" заводи директори
Т. РАҲИМЖОНОВ,
қасаба уюшма қўмитаси раиси*

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Биз, ўзбек металлурглари Россия Федерацияси Давлат думасининг СССРни тиклаш ва буюкдавлатчилиқни қўмсашдан иборат қароридан газабландик. Ушбу қарор Россия Парламенти учун шармандалик, деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз 1991 йил 31 августда ўз йўлини танлаган эди. Ўзбекистон халқларини истиқлол йўлидан ҳеч ким орқага қайтаролмайди!

Республика ҳукуматининг доно сиёсати ва доимий мададини ҳис қилган "Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси жа-

моаси сўнгги пайтларда ишлаб чиқаришда сезиларли муваффақиятларга эришди. 1996 йилнинг икки ойида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 1995 йил шу давридагига нисбатан 176 фоизга ошди.

Биз, металлурглarning шунга ишончимиз комилки, Ўзбекистон халқлари Сизнинг бошчилигингизда, ҳурматли Ислom Абдуғанисвич, келажаги буюк мустақил давлатимизни қуриш йўлидан дадил бораверадилар.

*О. ФАРМОНОВ,
"Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб
чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси*

МУИДАРИЖА

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙЎЛИ МУСТАҚИЛЛИК, ОЗОДЛИК ВА ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДИР. Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ, 1996 йил 16 март	3
РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА	44
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ БИЛАН СУҲБАТИ, 1996 йил 23 март	46
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА	51
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ	54
ТЕЛЕГРАММАЛАР, ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР, МАКТУБЛАР	57

Ислам Абдуганиевич Каримов

**ПУТЬ НАШЕГО НАРОДА
ЭТО ПУТЬ НЕЗАВИСИМОСТИ.
СВОБОДЫ И ГЛУБОКИХ
РЕФОРМ**

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"— 1996
700129, Ташкент, Павои, 30.

Нашр учун масъул
Б. Омонов, К. Буранов

Расмлар муҳаррири
О. Соибназаров

Техник муҳаррир
С. Собирова

Мусахҳиҳлар
Ў. Абдуқодирова, М. Раҳимбасова

Теринга берилди 21.03.96. Босишга рухсат этилди
25.03.96. Қогоз формати 70x90 1/32 "Таймс" гарнитурда
офсет босма усулида босилди. Шартли босма тобоқ 5.85.
Нашр тобоғи 5,7. Тиражи 50000.
Буюртма № 728 Баҳоси шартнома асосида

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 62—96

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти
техникавий ва программавий воситалар базасида
тайёрлаиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбав комбинатида
босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Каримов И. А.

**Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва
туб ислохотлар йўлидир:— Т.: Ўзбекистон,
1996.—158 б.**

ISBN 5-640-02072-5

ББК 67.99(5У)061.2+65.9(5У)

К $\frac{3701010100-43}{М 351 (04) 96}$ 96

№ 190—96

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Республикасининг Давлат кутубхонаси.**